

МАСИХ УЧУН

# АЗОБ ЧЕККАНЛАР

ЧҮПОН РИЧАРД ВУРМБРАНД





# МАСИХ УЧУН АЗОБ ЧЕККАНЛАР

---

Чўпон Ричард Вурмбранд

**Масих учун азоб чекканлар**

© «Азоб чекканлар овози», 1967, 1998

Муаллифлик хукуки химояланган. Нашриётнинг ёзма руҳсатисиз  
материаллардан фойдаланиш ва уларни чоп этиш қатъян ман қилинади.  
Умумий кўринишдаги ва танқидий мақолаларда, кисқача кўчирмалардан  
фойдаланиш бундан мустасно.

Белгилаб қўйилганлардан ташқари,  
Муқаддас Китоб цитаталари Инжилдан олинган.

Originally published in English as  
*Tortured for Christ* by Richard Wurmbrand

© 1967, 1998

Published by Bridge-Logos. All rights reserved.

© 2009 for the Uzbek edition.  
Translated by permission. All rights reserved.

# БАҒИШЛОВ

**Бағишилов**

Катта хурматга сазовор бўлган, Лондондаги «Европа Масиҳийлар Жамоаси» нинг бош директори В. Стюарт Харрис, 1964 йилда менинг қамоқхонадан озод бўлганимдан кейин, Европа масиҳийларидан элчи сифатида Руминияга келди. У кўплаб хавфсизлик чораларини кўрганидан сўнг, жуда кечқурун бизнинг уйимизга келиб, бизга севги ва далда сўзларини, шунингдек қийналган оиласлар учун ёрдам олиб келди. Худога содик бўлган ўша одамлар номига мен катта миннатдорчилик билдираман.

# КИРИШ СҮЗИ «ШАҲИД»

Ричарда Вурмбранд нинг сўзларига кўра «Масих учун азоб чекканлар» китоби, адабий жиҳатдан ҳеч қандай қимматга эга эмас. Бу китоб у қамоқдан озод бўлганидан кейин уч кун ичидаги ёзилган. У сиёҳ ва кўз ёшлар билан ёзилган. Худо бу қўл ёзмани марҳаматлади ва Ўзининг мақсадига эришиш учун ишлатди. Бу 30 йиллик юбилейига атаб чиқарилган «Масих учун азоб чекканлар» китобининг нашри, илк нашридан деярли ҳеч қандай ўзгартирилмади. Чўпоннинг Руминиядаги комунистик тизим диктатураси пайтидаги ўн тўрт йиллик қамоқдаги ҳаёти ҳақидаги гувоҳлик ўзгартирилмасдан қолдирилди.


Кўп йиллар мобайнида «Масих учун азоб чекканлар» китоби олтмишдан кўпроқ тилларга таржима қилинди ва унинг миллионлаб нусхаси бутун дунёга тарқалди. Худо бу гувоҳликни қай тарзда Масихнинг Танасини мустаҳкамлаш учун фойдаланаётганини кўриб, ҳайратланишдан тўхтамаяпмиз. Биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, бу Танада ғалаба, мардлик, мақсадга интилишлик ва мустаҳкам туришлик руҳи чегара билмайди, у на тана рангига, на миллатга эга. Муқаддас Рух ушбу сифатлар билан ҳамма одамларни таъминлайди.

Шуниси қизиқки, хитойлик чўпонлар ҳам, америкалик уй бекалари ҳам, араб таксистлари ҳам, умуман олганда ҳамма бу руминиялик яхудийнинг китобидан ўзига илҳом ва далда олиши мумкин. Қачонлардир ветнам уй жамоатлари етакчилари, менга

қандай қилиб ўзларининг сурувини 1970 йиллардаги Жанубий Ветнам томонидан кутилаётган комунистик босқинчилик олдида чидам бера олгани ва рухий ўсишга таёрги ҳақида айтиб берган эдилар. Улар «Масих учун азоб чекканлар» китобининг ветнам тилидаги таржимасини тарқатганлар ва шу китоб ҳаёт учун кураш ўйриқномасига, ҳамда жуда қийин вазиятларда енгилмас имон гувоҳлигига айланди. Биз шунингдек, бу китоб туфайли Исо Масих билан шахсий муносабат курган жуда кўп одамлардан миннатдорчилик мактубларини олдик. Улар Масихнинг севгиси – бу жуда кучли борлиқ эканини англаб етганлар. Бу сахифаларда ҳеч қандай сиёсий нарсалар йўқ, унда фақатгина «Масих учун азоб чеккан»ларнинг Хушхабар гувоҳликлари келтирилган.

Бизлардан кўпларимиз, шахидлар – бу ўз имони учун ўлганлар деб ўйлаймиз. Минг афсуслар бўлсинки, мана шунинг учун ҳам шахид бўлганлар тушунчасининг ҳақиқий ва чукур маъносини йўқотдик. Қачонлардир Муқаддас Августин шундай деган эди: «Азоб эмас, мақсад ҳақиқий шахидга айлантиради». Томас Стернз Элиот ўзининг «Собордаги қотиллик» номли асарида шахид бўлган кишини «Худонинг кўлидаги курол бўлган, ўзининг иродасини Худонинг иродасига бўйсунтирган, уни йўқотмаган, балки топган, Худога бўйсуниш озодлигига эга бўлган одам. Азоб чекадиган киши ўзи учун ҳеч нарсани, ҳатто шахид бўлишдек шуҳратни ҳам хоҳламайди» деб таърифлайди.

«Шахид» сўзи грек тилидан таржима қилинганда «гувоҳ» деган маънони билдиради. Ибронийларга 12:1 да «атрофимизни ўраб олаётган нақадар йирик *шоҳидлар* оломони бор экан» деб ёзилган ва Исо Ҳаворийлар Мактуби 1:8 да бизларга: «Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Қуддусда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг *шоҳидларим* бўласизлар», -дея насиҳат қиласди.



Янги Аҳддаги шаҳидлар ҳам нафақат Исо Масихнинг ҳақиқийлиги ва кучи ҳақида шахсан гувоҳлик берганлар, балки бу уларга қандай қийинчилик олиб келишига қарамасдан, бошқа одамларга ўзларининг гувоҳликларини ҳам етказганлар. Ҳаворийлар китобида биз Стефанинг тошбўрон қилиниши ҳақида ўқиймиз. Бу воеа орқали Стефан шахсий гувоҳлиги учун катта тўлов тўлаган биринчи кишига айланди. Айнан мана шу пайтдан бошлаб, «шаҳид» сўзи чукӯрроқ аҳамият касб эта бошлади, яъни «нафақат гувоҳлик берадиган, балки ўзининг ҳаётини беришга, ўз имони учун азоб чекишга тайёр киши» ни билдира бошлади.

Биз гувоҳлик бераётган ҳақиқат, жуда қиммат туради – у бизни обрў – эътибордан, машҳурлиқдан ва нуфузимиздан маҳрум қилиши мумкин. У шунингдек, оиласиз, дўстларимиз ёки ҳатто ҳаётимиздан маҳрум қилиши мумкин. Аммо бизнинг гувоҳлигимиз маъноси шунчалик катта қимматга эгаки, биз бу Худо томонидан берилган йўлни чидаб ўта олишимиз учун, ўзимиздан «хар бир оғирликни, айниқса ҳадеб пойлаб турадиган гунохни» (Ибронийларга 12:1) улоқтириб ташлашимиз керак.

Масихнинг гувоҳлари кўтариб борадиган Хабар жисмоний чегарага эга эмас. Буни инсоний тушунча билан тушуниш қийин. Шаҳид бўлиш – бу юракнинг эзилишигина эмас, у – Масихга «ишонишнигина эмас, балки Масих учун азоб чекиш» (Филипликларга 1:29) шарафига эга бўлиш учун, масиҳий кечинмаларнинг қанчалик кенглигини ибодатда англашдир. Гувоҳларнинг ёки шаҳид бўлганларнинг имонини чеклаб қўйиш ёки йўқ қилиш мумкин эмас. У Худонинг Шоҳлиги «Қуддусда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида» (Ҳаворийлар 1:8) тарқалиши учун уруғ экади. Чунки улар Исо Масих тўғрисидаги ҳақиқат ҳақида гувоҳлик берадилар. Масих шундай деган: «Мен ҳам сенга шуни айтиб қўйяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош устида бунёд этаман, жаҳннам кучлари эса ундан устун чиқмас» (Матто Хушҳабари 16:18).

Айнан мана шу нарсаны тушуниш, чўпон Ричард Вурмбрандинг ҳаёти муқаддаслик ва шаҳидлик намоёндаси эканлигига мени ишонтиради. Ўлим орқали эмас, айнан у *Масихнинг* ҳаёт гувоҳлигини кўтариб бораётганлиги туфайли, *Масих* учун у шундай қийинчиликлар чидадики, ўлим уни олдида анча афзалроқ бўлиб қолди.

«*Масих* учун азоб чекканлар» китоби нафақат коммунистик режимнинг қаттиққўллигидан қийналган одамнинг ҳаётий вазиятлари ҳақида гапиради, балки у ўзини *Масих* учун тўлиқ бағишилаган, ҳакиқатни атрофдагиларга айтишга интилган масиҳийнинг имони ва мустахкамлигини ҳам кўрсатиб беради. Айнан мана шу ҳақиқат китобнинг ҳар бир вароғида тирик турибди. У дунёнинг турли бурчакларидаги масиҳийларнинг фикрларни ўзгартирмоқда. Уларга бутун тарих давомида, ҳатто ҳозир ҳам масиҳийлар кўтариб бўлмайдиган азобларга чидаётгани ва ҳатто Исо *Масихнинг* ҳаётий кучи ҳақидаги гувоҳлиги учун ўлимга бораётгани ҳақида эслатиб туради.

Бу гувоҳликлар, янада кўпроқ Исо *Масихни* таниб билишимиз учун, У билан бўлган муносабатимизда янада чуқурроқ ўсишимиз учун, ҳақиқат ҳақида гувоҳлик беришдек ердаги бурчимишни бажара олишимиз учун, яна кўп йиллар мобайнинг хизмат қилсин деб ибодат қиласиз. Шунингдек, биз агар Худонинг иродаси бўлса, шохид бўлиш аслида нимани англатишини тушуна олишимиз учун ва у ҳатто бизга қанча қимматга тушса ҳам, гувоҳлик беришга тайёр бўла олишимиз учун хизмат қилсин деб ибодат қиласиз.

# Русларнинг Масиҳга чанқоқлиги

## Атеист Худони таниб билмоқда

Ота-онам мени ёшлигимнинг биринчи йилларидаёқ ташлаб кетган. Динни умуман тан олмайдиган оиласада тарбия олганим учун, мен ёшлигимдан бошлаб, ҳеч қандай диний таълим олмаганман. Биринчи Жаҳон урушининг оғир ва очарчилик пайтларида ўтган аччик ва гадойларча кечган болалигим оқибатида, мен ўн тўрт ёшимда худди хозир комунистлар ўз кўз ўнгига тўғри бўлганидек, мен ҳам худди шундай атеистик фикрларимни тўғри деб ишонардим. Мен атеистик китобларни ўқирдим, нафакат Худога ва Масиҳга ишонмасдим, балки мен улар хақидаги фикрларни инсон онги учун зарарли дея, ёмон ҳам кўрардим. Шундай қилиб, мен динга нисбатан ғараз билан улгайдим.

Худо Ўзининг инояти ва мен учун тушунмайдиган сабабларга асосан, У мени танлаганини анча кейинроқ тушуниб олдим. Буни характеримга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, чунки менинг характерим жуда ёмон эди.

Мен ўзимни атеист хисобласамда, нимадир мени хар доим жамоатга тортарди. Жамоатнинг ёнидан ўта туриб, унинг ичига кирмасдан ўтиш мен учун қийин эди. Мен ҳеч қачон унинг ичига нима бўлаётганини тушунмаганман. Мен ваъзлар эшитганман, лекин улар менинг юрагимга тегмаган. Худони, мен ҳаётимни Унга бўйсундириш керак бўлган Ҳўжайн сифатида тасаввур қилганман. Ўз ҳаёлимда яратган Худо хақидаги тасаввурни ёмон кўрар эдим. Аслида, Коинотда мени яхши кўрадиган кимдир бор

эканлигини билиш, мен учун яхши бўларди!... Болалигимда ва ўсмирилик пайтимда мен кўп хурсандчилик ва севги кўрмаганим учун, мени кимдир яхши кўришини жуда орзу қиласдим!

Мен ўзимни Худо йўқ деб ишонтирадим, лекин шу билан бирга севувчи Худо йўклигидан кўнглим тушарди. Бир куни, шундай ички қарама-қаршиликдан қийналиб, мен католик жамоатига кирдим. Мен у ерда одамлар тиззаларида турганини ва нимадир деб шивирлаёттанини эшилдим. Уларнинг айнан нима гапираётганини эшитиш учун уларнинг ёнига бориб туришга қарор қилдим. Нима бўлишини кўриш учун, уларнинг гапларини қайтаришга ҳаракат қилдим. Улар муқаддас Марямга шундай дея ибодат киласди: «Иноятга тўла Марям хурсанд бўл!». Бокира Маряннинг ҳайкалига умид билан қараган ҳолда, мен уларнинг орқасидан бу сўзларни қайта-қайта тақрорлардим. Аммо хеч нарса юз бермади. Мен жуда хафа бўлдим.

Бир куни, атеист бўла туриб, мен Худога ибодат қилдим. Менинг ибодатим тахминан шундай эди: «Худо, мен биламанки, Сен мавжуд эмассан. Аммо ҳатто Сен мавжуд бўлсанг ҳам, мен Сенга ишонишга мажбур эмасман. Мени Сенинг борлигингга ишонтириш – бу Сенинг бурчинг». Мен атеист эдим, лекин атеизм менинг чанқоқ юрагимга тинчлик бермасди.

Менинг ичимда кураш бўлиб турган пайтда, Руминиянинг баланд тоғларидаги бир қишлоқда қари дурадгор ибодат қиласди: «Эй Худоим, мен Сенга бу ерда, ер юзида хизмат қилдим, шунинг учун мен ўз мукофотимни ерда ҳам, осмонда ҳам олишни хоҳлайман. Менинг мукофотим шу бўла қолсинки, мен битта яхудийни имонга олиб келмагунимча ўлмайин, чунки Масихнинг Ўзи яхудий халқидан бўлган. Лекин мен камбағал, қари ва касалман. Мен яхудийларни юриб қидира олмайман. Қишлоғимда уларнинг биттаси ҳам йўқ. Яхудийни Ўзинг қишлоғимга олиб кел, мен эса у Масихга келиши учун кўллимдан келган ҳамма нарсани қиласман».

Қандайдир енгилмас куч мени ўша қишлоққа тортарди. У ёқقا боришим учун менда хеч қандай сабаб йўқ эди. Руминияда ўн икки минг қишлоқ бор, лекин мен айнан ўшангага кетдим. Менинг

яхудий эканимни кўрган қари дурадгор, менга шунчалик ғамхўрлик қиласди, ҳатто ҳеч бир йигит энг чиройли қизга ҳам шунчалик қиласди. У менда ўзининг ибодатларига нисбатан жавобни кўрди ва менга Муқаддас Китобни ўқиб кўришга берди. Бу пайтгача мен қизиққаним учун ҳам бир неча бор Муқаддас Китобни ўқиган эдим. Аммо у менга берган Муқаддас Китоб умуман бошқача эди. Чол кейинчалик менга айтдики, у ва унинг хотини биргаликда соатлаб мен ва хотиним имонга келишимиз учун ибодат қилишган экан. У менга совға қилган Муқаддас Китоб оддий сўзлар билан эмас, уларнинг севги учқунлари ва ибодат алангаси билан ёзилган эди. Мен деярли уни ўқий олмадим. Фақатгина унинг устида, ўзимнинг ҳаётимни Исо Масихнинг ҳаёти билан, нопоклигимни – Унинг солиҳлиги билан, нафратимни – Унинг севгиси билан солиштирган ҳолда йиғлардим ҳалос. У мени Ўзининг боласи каби қабул қилди!

Тез орада менинг хотиним ҳам Масихни таниб билди. У орқали эса Худо бошқаларни ҳам Ўзига олиб келди. Ана ўша бошқалар ҳам, кўплаб яна бошқаларни олиб келди. Шундай қилиб, Руминияда яна битта лютеран жамоати пайдо бўлди.

Кейин эса бизга жуда кўп азоб берган нацистлар келишиди. Руминияда нацизм провославларнинг экстремал диктатураси кўринишини олди, протестан имонлиларни ва яхудийларни таъкиб қила бошлади.

Ҳали расмий кўйиб марҳаматланишимга қадар, ҳатто мен хизматга тайёр бўлишимдан анчайн олдин, мен аллақачон жамоат асосчиси ва унинг раҳбари эдим. Мен жамоат учун тўла жавобгар эдим. Бизни хотиним билан бирга нацистлар бир неча марта қамоққа олган, урганлар ва суд қилганлар. Нацистларнинг азоби биз учун кўтариб бўлмасдек туюларди, аммо коммунизм кириб келиши билан бизни кутаётган нарсалар олдида нацистларнинг азоблари ҳеч нарса эмас эди. Менинг ўғлим Михайни ўлимдан сақлаб қолиш учун, унинг исмини алмаштришга тўғри келди.

Нацистларнинг азоблари пайтида битта устун нарса бор эди. Улар бизни жисмоний таҳқирлашларга чидаш мумкин эканлигига ва Худонинг ёрдами билан инсон рухи хар қандай азобга чидаши

мумкин эканлигига ўргатди. Улар бизни олдимизда кутаётган ва тез орада кириб келиши керак бўлган даҳшатли синовларга тайёрлашга ёрдам берган, яширин равишда масихий ишларни давом эттириш техникасини ўргатган эди.


## **Менинг русларга хизматим.**

Мен ўзимнинг атеистик ўтмишим учун жуда қаттиқ афсусланган эдим, шунинг учун мен имонга келишимнинг биринчи кунидан бошлаб русларга гувохлик беришга интилдим. Улар ёшлигидан атеист бўлиб тарбияланарди. Менинг русларга Хушхабар етказиш орзуим амалга ошди, хатто бу учун менга Россияга бориш ҳам керак бўлмади. Ҳаммаси ҳали нацизм пайтида бошланди. Чунки Руминияда минглаб рус ҳарбий асиirlари бор эди. Биз уларнинг орасида хушхабар етказиш ишларини ўтказдик.

Бу жуда кўнгилсиз иш бўлган. Мен ўзимнинг биринчи рус ҳарбий асири, мухандис билан бўлган учрашувимни хеч қачон унутмайман. Мен ундан Худога ишонасизми деб сўрадим. Агар у «йўк» деб жавоб берса, мен ажабланмас эдим. Ҳар бир одам ишониш ёки ишонмаслик ҳуқуқига эга. Аммо у менга қаради ва шундай деди: «Мен ишониш керак деган буйруқ олмадим. Агар менга буйруқ берсалар, мен ишонаман».

Менинг кўзларимдан ёш оқиб кетди. Мен ўзимни гўёки, юрагим майдада-майдада бўлиб кетгандек хис қилдим. Менинг олдимда онги ўлган одам турганди. У одам Худо томонидан одамга берилган катта совғани – шахсиятни ўйқотган эди. У коммунистларнинг қўлидаги фикр юритмайдиган асбоб эди. У буйруқ бўйича ишониш ёки ишонмасликка тайёр эди. У шахсан ўзи фикр юрита олмасди. Бу узок коммунистик режим туфайли у оддий рус одами бўлиб колган эди! Коммунизм одам билан нималар қилишига қодирлигини кўриб ҳайратда қолдим. Уларнинг Худога ва Исога бўлган имони ва шахсиятини қайтариш учун, ўзимнинг ҳаётимни бу одамлар учун бағишлайман деб Худога ваъда бердим.

1944 йил 23 августдан бошлаб, миллионлаб совет армияси Руминияни тўлдира бошлади ва бундан кейин бизнинг



мамлакатимизга коммуннизм кириб келди. Бу билан бирга даҳшатли нарсалар ҳам бошланди. Бу даҳшатлар олдида, нацистлар томонидан берилган азоблар унчалик қийин бўлиб кўринмай қолди.

Хозирда ахолиси йигирма тўрт миллионни ташкил қилувчи Руминияда, ўша пайтда Коммунистлар партияси фақатгина ўн мингта аъзосига эга эди. Аммо СССРнинг ташқи ишлар вазири Вышинский, бизнинг севимли ва хурматли қиролимиз Михаил I нинг кабинетига учеб кириб, столга мушти билан уриб, шундай деди: «Сиз коммунистлар ҳокимиятини тайин қилишингиз керак». Бизнинг армиямиз ва полициямизни қуролсизлантирилар ва шу тарзда куч билан ҳамма ёмон кўрадиган коммунистлар ҳокимият тепасига келдилар. Буларнинг ҳаммаси ўша вақтдаги америка ва британия хукуматларининг ёрдамисиз амалга ошмасди.

Инсон Худонинг олдида нафақат ўзининг шахсий гуноҳлари учун, балки бутун бир миллатнинг гуноҳи учун жавобгардир. Барча қулликка тушган ҳалқларнинг кулфати – бу америка ва британия масиҳийларининг жавобгарлиги ҳамdir. Америкаликлар шуни билишлари керакки, улар тўғридан – тўғри бўлмасада, барibir Советлар томонидан ўлим ва террор режимининг ўрнатилишига имкон яратганлар. Масих Танасининг аъзолари сифатида, америка масиҳийлари йўлдан оздирилган ҳалқларга Масихнинг нурини кўрсатишга ёрдам бериб, ўз гунохини ювишлари керак.

## Жамоатдаги васваса

Коммунистлар давлат тепасига келиши биланоқ, улар жамоатга нисбатан васваса воситаларини жуда уддабуронларча қўлладилар. Севги тили ва васваса тили – бир хилдир. Ўзининг колган умрини никоҳда яхши кўрган қизи билан бирга ўтказишни истаган эркак ва бир кеча учун хоҳлаган эркак, ҳар иккаласи ҳам қизга битта гапни айтади: «Мен сени яхши кўраман» дейди. Исо бизларга севги тили ва васваса тилини ажратса олишимизни ва қўй терисидаги бўриларни, ҳақиқий кўйлардан фарқлай олишни буюради. Минг афсуслар бўлсинки, коммунистлар давлат тепасига келганида,

минглаб руҳонийлар, чўпонлар ва хизматчилар бу икки овозни қандай ажратишни билмай қолдилар.

Коммунистлар бизнинг парламентимиз биносида барча масиҳий ташкилотларнинг конгрессини ўтказдилар. Конгрессда турли конфессияга тегишли бўлган тўрт мингта руҳоний, чўпон ва хизматчилар иштирок этишди. Ва бу барча Худонинг эркаклари Иосиф Сталинни конгресснинг хурматли президенти қилиб тайинладилар. Улар дунёдаги энг худосиз давлатнинг бошқарувчисини ва масиҳийларни оммавий равишда қирғин қилган одамни танладилар. Бирин кетин оқсоқоллар ва чўпонлар ўринларидан туриб, коммунизм ва масиҳийлик кўп умумий нарсага эга ва бирга яшай олади деб эълон қилдилар. Бирин кетин хизматчилар коммунизмни улуғладилар ва жамоатлар янги ҳукуматга содик эканлигига уларни ишонтиридилар.

Биз хотиним билан бу конгрессда иштирок этган эдик. Сабина менга шивирлаб: «Ричард, ўрнингдан тур ва Масихнинг юзидан бу шармандагарчиликни ўчир! Улар тўғридан – тўғри Масихнинг юзига тупуряптилар» – деди. Мен унга: «У ҳолда эрингдан ажраласан» – дедим. У эса менга: «Мен қўрқоқнинг хотини бўлишни хоҳламайман» – деди.

Ўшанда масиҳийларнинг қотилини эмас, Исо Масихни улуғлаб, ўрнимдан турдимда, конгрессга мурожат қилдим. Мен бизнинг содиқлигимиз ҳамма нарсадан аввал Исо Масихга тегишли деб айтдим. Конгрессдаги мурожат бутун мамлакат бўйлаб телевизорда берилаётган эди, шунинг учун бутун мамлакат коммунистик парламент бўлаётган залдан туриб эълон этилган, Масих хақидаги хабарни эшилди! Оқибатда ўз сўзлаган нутқим учун тўлов тўлашга тўғри келди, лекин бу шунга арзир эди.

Проваслав ва протестант жамоатларининг раҳбарлари ким ўзарга ўйнаб, коммунистларга ёкишга ҳаракат қилишардилар. Проваслав руҳонийси, ўзининг руҳоний кийимида ўроқ ва болға тасвирини тақиб юришни бошлади. Бошқа руҳонийлар унга олдингидек «Муқаддасланган ҳукмдор» («Преосвященнейший владыка» – проваслав жамоат раҳбари руҳонийлари шундай чақирилади) деган сўзлар билан эмас, «ўртоқ оқсоқол» деган сўз

билин ўзига мурожат этишни буюрди. Петресу ва Рошиянудек рухонийлар янада «қаттикрок» йўл тутдилар. Улар махфий хизматнинг зобитларига айландилар. Руминия лютеран жамоати оқсоқоли ёрдамчиси бўлган Рапп, руҳий семинарияда, худди Худо учта вахий бергандек, таълим бера бошлади: биринчиси – Мусо орқали, иккинчиси – Исо орқали, учинчиси – Сталин орқали. Охиргиси эса қолганларидан худди устундек эди!

Мен қизил белги остида ўтаётган, ўринларидан турган ҳолда Совет Иттифоқининг мадхиясини куйлаётган, Ресита шаҳридаги баптистларнинг конгрессига бордим. Баптистлар президенти Сталинни, худди Муқаддас Китобнинг буюк ўқитувчисидек мақтади ва у қилаётган ҳамма нарсани Худо амрларининг бажо бўлиши деб айтди.

Шуни тушуниш керакки, мен яхши кўрадиган хақиқий баптистлар, бунга рози бўлмадилар ва кўп азоблардан ўтган ҳолда, Масихга содик қолдилар. Бироқ коммунистлар ўзлари раҳбариятни «танладилар», баптистларга эса рози бўлишдан бошқа имкон қолмади. Худди шундай вазият ҳозиргача коммунистик давлатлардаги «расмий»<sup>1</sup> жамоатларнинг тепасида турганларда сақланиб қолган. Масих хизматчисидан, коммунизм хизматчисига айланган одамлар, ўзларига қўшилмаган биродарларни ҳукм қила бошладилар.

<sup>1</sup>Расмий жамоат – бу давлат томонидан рўйхатга олинган ва назорат қилинадиган жамоат. Кўпчилик тоталитар тузумли давлатлардаги расмий жамоатларнинг аъзолари, масиҳий аҳолининг ўн фоизидан камини ташкил қиласди. Қолган имонлилар «яширин» равиша топинишни афзал кўрадилар.

Худди революциядан кейин рус масиҳийлари яширин жамоатлар ташкил қилганидек, бизнинг Руминияда ҳам коммунизмнинг давлат тепасига келиши ва кўплаб жамоат раҳбарларининг сотқинлиги, хушхабар тарқатиш ишига, Хушхабарнинг ваъз қилинишига ва болаларни Масихга олиб келишга содик бўла оладиган, яширин жамоатлар ташкил қилишга мажбур қиласди. Бунга сабаб бўлди.

Мен бошқалар билан бирга яширин равиша иш юрита бошладим. Яширин равишдаги олиб борилган ҳақиқий ишимни ёпиб

турадиган етарли даражадаги ҳурматта сазовор бўлган мансабим – «Норвегия лютеран хизмати» чўпони деган мансабим бор эди. Шу билан бирга мен Руминияда бутун дунё жамоатлари уюшмасининг вакили эдим. (Руминияда биз бу ташкилот коммунистлар билан ҳамкорлик қилишини ҳаёлимизга ҳам келтирмаганимиз. Ўша пайтда бизнинг мамлакатимиизда бу ташкилот фақатгина бечораларга ёрдам бериш билан шугулланган). Яширин равишда олиб борилган ҳақиқий ишим ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган ҳукумат олдида туришда, шу иккита мансабим кучли асос бўлиб хизмат қилди.

Менинг яширин равишда олиб борган ишим иккита қиррага эга эди. Биринчиси – бу рус солдатлари орасида яширин тарзда хизмат қилиш. Иккинчиси эса – Руминия аҳолисининг қийналган қатламлари орасидаги хизматим эди.

## Руслар – руҳан «чанқоқ» одамлар

Мен учун русларга Хушхабарни ваъз қилиш – худди ердаги жаннат эди. Хушхабарни жуда кўп миллатларга ваъз қилганман. Лекин уни худди руслардек «ичган» одамларни ҳеч қачон кўрмаганиман. Уларнинг руҳи шунчалик чанқоқ эди!

Бир марта, менинг дўстим, проваслав руҳонийси, менга телефон қилиб, унинг олдига гуноҳларини эътироф этишга бир рус зобити келгани ҳақида айтиб қолди. Руҳоний рус тилини билмас эди, шунинг учун мени рус тили билишимни билиб, менинг манзилимни унга берган. Эртаси куни бу одам менинг уйимнинг остонасида пайдо бўлди. У Худога интилаётган эди, аммо ҳеч қачон Муқаддас Китобни ҳатто кўрмаган экан. У ҳеч қандай диний таълимга эга эмас ва ҳеч қачон жамоатга бормаган (Россияда ўша пайтда деярли жамоатлар йўқ эди). У Худо ҳақида ҳеч нарсани билмасада, Уни яхши кўрарди.

Мен зобитга Тоғдаги ваъзни ва Исонинг масалларини ўқиб бердим. Мени эшитиб бўлиб, у «Қандай ажойиб! Бу Масихни билмасдан, мен қандай қилиб яшаган эканман!» дея хурсандчилик билан бақириб, хонада рақс туша бошлади. Ўшанда мен биринчи марта Масихда хурсанд бўлган одамни кўрдим.

Кейин мен хатога йўл қўйдим. Уни бу учун тайёрламасдан, Масихнинг азоби ва хочга михланиши ҳақида ўқиб бердим. У бундай нарса кутмаган эди, шунинг учун қандай қилиб Масих тошбўрон қилинганини, хочга михланганини ва ўлганини эшитиб, бу киши креслога йиқилди ва йиглаб юборди. У ҳозиргина Кутқарувчига ишонган эди, аммо энди унинг Кутқарувчиси ўлди!

Мен унга қарадим ва ўзимдан уялдим. Ўзимни масиҳийман, чўпонман деб айтар ва бошқаларни ўқитар эдим, лекин мен ўзим ҳеч қачон худди бу рус зобитидек Масихнинг азобларини бошдан кечирмаган эдим. У менга хочнинг тагида туриб ҳўнграб йиғлаган ва қабр олдида туриб, Исонинг жасади учун аъза тутган Магдалиялик Мариямни эслатди.

Ўшанда мен унга Исонинг тирилиши ҳақидаги ҳикояни ўқиб бердим ва унинг юзи ўзгарганини кўрдим. У олдин Исо ўлимдан тирилганини билмас эди. У бу ажойиб янгиликни эшитиб, ўзининг тиззаларига урди, қўпол сўзларни ишлатиб, сўқинди. Бу унинг ўзини ифодалаш усули эди. У яна хурсанд бўлди ва «У – тирик! У – тирик!» – дея хурсандчиликдан қичқириб, хонада рақс туша бошлади.

«Кел ибодат қиласиз», – дея унга мурожат қилдим. У ҳали ибодат қилишни билмас эди. У ҳали бизнинг жамоатимиздаги сўзлар билан таниш эмас эди. У менинг ёнимда тизза чўқди ва гапира бошлади: «Эй Худо! Сен нақадар ажойибсан! Агар мен Сенинг ўрнингда бўлганимда, Сен эса – менинг ўрнимда бўлганингда, мен ҳеч қачон Сенинг гуноҳларингни кечирмаган бўлардим. Сен ҳақиқатдан ажойибсан! Мен Сени бутун юрагим билан яхши кўраман!»


Мен ўйлайманки, ўша пайтда Масихнинг меҳр-шавқатига «таслим бўлган», бу рус зобитининг қилган ибодатини эшитган, осмондаги ҳамма фаришталар лол бўлиб қолди!

Мен бошқа бир пайтда дўконда зобит аёл билан бирга бўлган рус капитанини учратдим. Улар озиқ – овқат сотиб олишга ҳаракат қилаётган эди, аммо сотувчи рус тилини тушунмаётган эди. Мен уларга ўз ёрдамимни таклиф қилдим ва биз танишиб олдик. Мен ўзимнинг янги танишларимни ўйимга тушликка таклиф қилдим.

Овқат ейишни бошлашдан олдин, мен уларга айтдим: «Сизлар масиҳий оиласизлар ва биз овқатдан олдин ҳар доим ибодат қиласиз». Мен Худога рус тилида мурожат қилдим. Улар пичоқ ва вилкани қўйдилар ва ўша вақтдан бошлаб, тушлик уларни бошқа кизиқтиримай қўйди. Бунинг ўрнига улар менга савол ортидан савол беради. Худо ҳақида, Масих ҳақида ва Муқаддас Китоб ҳақида. Улар булар ҳақида хеч нарса билмас эдилар.

Улар билан гаплашиш қийин эди. Мен уларга юзта қўйи бор бўлган ва биттасини йўқотган одам ҳақидаги масални айтиб бердим. Улар буни тушунишлари қийин эди, чунки улар коммунистик ғоя билан тарбияланган эдилар. Улар мендан сўрадилар: «Қандай қилиб, унда юзта қўй бор эди? Нима уларни колхозга қўшиб олмаганми?» Мен айтдимки, Исо – Шоҳ. Улар менга шундай жавоб берди: «Ҳамма шоҳлар – бошқалар устидан ҳукмронлик қиласиган ёвуз одамлар бўлади, шунинг учун Исо ҳам қаттиққўл бўлган бўлса керак». Мен уларга узумзордаги ишчилар ҳақидаги хикояни айтиб берганимда, бошларини силкитиб: «Улар узумзорнинг хўжайанига қарши чиқиб, тўғри иш қилганлар. Узумзор ҳаммага тегишли бўлиши керак». Бу одамлар учун Муқаддас Китобдаги ҳамма гоялар янги эди. Мен уларга Исо қандай қилиб туғилгани ҳақида айтиб берганимда, улар менга гарбда яшайдиган ҳар қандай одам учун куфр бўлиб кўринадиган саволни бердилар: «Шундай қилиб, Мариям Худонинг хотини бўлган эканда?». Улар билан ва кўплаб бошқа руслар билан гаплашиб, мен тушундимки, шунча йил коммунизм ҳукмронлиги остида яшаган бу одамларга Хушхабарни айтишда умуман янги бир ёндашув қўллаш керак экан.

Бу ёндашув жуда кўплаб бошқа маданиятларга ҳам кўл келади. Марказий Африкада хизмат қилаётган Хизматчилик ёки Имонлилар, Ишайё пайғамбарнинг китобидаги ушбу сўзларни тушунтиришга ҳаракат қилганларида, қийинчиликка дуч келадилар: «Гуноҳларингиз қизил рангга ўхшаса ҳам, сизлар қордай оппоқ бўласиз. Гуноҳларингиз қирмизи рангга ўхшаса ҳам, Сизлар момикдай оппоқ бўласиз» (Ишайё 1:18). Марказий Африкадаги хеч бир одам, хеч қачон қорни кўрган эмас, хатто



уларнинг тилида бу тушунчани англатадиган сўзнинг ўзи мавжуд эмас эди. Шунинг учун хизматчиilar ёки имонлиilar бу сўзни куйидагича таржима қилишларига тўғри келган: «Гуноҳларингиз қизил рангга ўхшаса ҳам, сизлар худди кокос ёнгоқининг мағзидек, оппоқ бўласиз».

Биз эса Хушхабарни тушунарли бўлиши учун «марксистларнинг тилига» таржима қилишимиз керак эди. Аммо биз ўзимизнинг кучимиз билан буни қила олмас эдик, Муқаддас Рух биз орқали ишлаши керак эди.

Ўша куни капитан ва ёш зобит аёл Худони таниб билдилар. Кейинчалик улар совет иттифоқининг ҳарбий асиrlари орасида яширин хизмат қилишимизда катта ёрдам бердилар. Биз яширин равишда русларнинг орасида минглаб Инжил китоби ва бошқа масиҳий адабиётларни нашр қилардик ва тарқатардик. Совет армиясидаги имонга келган ҳарбий хизматчиilar орқали, контрабанда йўли билан, Муқаддас Китоб ва Янги Аҳд китобларини Совет Иттифоқига жўнатардик. Биз русларнинг орасида Худо Каломини тарқатиш учун, бошқа «айёрликларни» ҳам ишлатдик. Аскарлар бир неча йиллаб, ўз уйларидан, ўзларининг хотин ва болаларидан узокда хизмат қиласиз эдилар. (Руслар ўзларининг болаларига нисбатан ғайритабиий севгига эга). Менинг ўғлим Михай ва бошқа болалар ўн ёшидан бошлаб, кўчаларда ва паркларда киссаларини Муқаддас Китоб, Инжил ва бошқа масиҳий адабиётларга тўлдириб, совет ҳарбий хизматчиilarининг ёnlарига борардилар. Аскарлар йиллар мобайнида кўрмаган, ўзларининг болаларини эслаб, уларни эркаладилар ва бошларини силаб кўярдилар. Одатда улар болаларга конфет ёки шоколад берардилар, болалар эса ўз навбатида, уларга хурсандчилик билан қабул қилиб олишадиган, Муқаддас Китобни ёки Инжилни берардилар. Кўпинча бизлар учун қилиш жуда хавфли бўлган нарсаларни, болалар осонликча ва хавф – хатарсиз қилишлари мумкин эди. Улар шунингдек русларнинг орасидаги «кичкинтой хизматчиilar ёки имонлиilar» бўлишган эди. Бу хизматнинг натижаси жуда ҳайратда қолардирали эди. Кўплаб рус аскарлари шу тарзда

Инжилга эга бўлдилар, ўша пайтда бу йўлдан ташқари уларга совға қилишнинг бошқа имкони йўқ эди.

## Совет ҳарбий баракларида хушхабар.

Биз русларнинг орасида нафакат шахсий муносабат орқали ишлар эдик. Биз кичкина гурухларда ҳам хушхабар айтиш имконига эга эдик.

Руслар соатларни жуда яхши кўрардилар. Улар соатларни кимдан ўғирлаш мумкин бўлса, ҳаммадан ўғирлар эдилар. Улар одамларни кўчаларда тўхтатиб, мажбурий равишда уларнинг соатларини олиб кўярдилар. Руслар ҳар бир қўлида бир нечта соатдан тақиб юрардилар, уларнинг аёлларининг бўйинларидағи занжирларда осилган будильникларни кўришингиз мумкин эди. Уларда олдин ҳеч қачон соат бўлмаган эди ва улар соатдан ҳеч лаззатланиб тўймасдилар. Соат олмоқчи бўлган руминлар, ўғирланган соатларни сотиб олиш учун совет армиясининг баракларига боришлиари керак эди. Айрим пайтларда улар ўзларининг ўғирланган соатларини сотиб олардилар. Шундай қилиб, руминлар учун русларнинг баракларига кириш оддий хол эди. Яширин бўлган жамоатлар ҳам баракларга кириш учун, соатлар сотиб олиш сабабидан фойдаланарди.

Биринчи марта мен русларнинг баракида проваславларнинг катта байрами бўлган Бутрус ва Павлуснинг Кунида хушхабарни ваъз қилдим. Мен ҳарбий базага худди соат сотиб оладиган одамдек бўлиб бордим. Мен айримлар жуда қиммат, бошқалари – жуда кичкина, яна бошқалари эса – жуда катта деб айтардим. Менинг атрофимда солдатлар, ўзларининг соатларини таклиф қилиб тўпланардилар. Ҳазил қилган холда мен сўрадим: «Бу ерда Бутрус ёки Павлус борми?» Тезда бир нечта одам чиқди. Ўшанда мен сўрадим: «Сизлар биласизларми, бугун сизларда Бутрус ва Павлуснинг проваслав байрами?» (Бир нечта катта эркаклар биларди.) «Сизлар биласизларми, бу Бутрус ва Павлус кимлар бўлганини?» – дея қизиқиб сўрадим мен. Албатта ҳеч ким билмасди, шунинг учун мен Бутрус ва Павлус хақида хикоя

қила бошладим. Битта катта эркак киши менинг сўзимни бўлиб: «Сен бу ерга соат сотиб олиш учун келмагансан! Сен бу ерга ўз эътиқодинг ҳақида айтиш учун келгансан. Ўтириш ва айтиб бер! Фақат эҳтиёт бўл: орамизда ким ишончсиз эканини биламиш. Бу ердагилар ҳаммаси «ўзимизнинг одамлар», аммо мен қўлимни сенинг тиззангга қўйғанимда, – сен соат ҳақида гапиришни бошла. Қўлимни кўтариб олганимда эса, хикоянгни давом эттир».

Менинг атрофимда унча кам бўлмаган ҳалойик тўпланди. Мен Бутрусларнинг яширин жамоатдаги жуда кўп биродарларимиз ва опа-сингилларимиз қўлга тушган ва бу учун улар жуда қаттиқ калтакланган, аммо уларнинг ҳеч бири бизни сотмаган.

Бундай ишни қила туриб, биз Совет Иттифоқидаги яширин жамоатдаги биродарлар ва опа-сингилларимиз билан учрашишдан ва уларнинг хизмати ҳақида билишдан хурсанд бўлардик. Аввало биз уларда муқаддасликни кўрадик. Чунки улар узок йиллар мобайнида коммунистик таълимот сингдирилишини бошдан кечирган эдилар. Тузли сувда яшайдиган балиқ тузланмасдан қолмаганидек, улар ўзларнинг имонларини Масих учун пок ва тоза сақлаган ҳолда, «коммунизм мактабидан» ўта олдилар.

Бу имонлилар жуда пок имонга эга эдилар! Жуда буюк қайғу билан улар айтишарди: «Биз ўз фурражкаларимизда тақиб юрган, ўроқ ва болға – бу дажжолнинг белгиси эканини биламиш». Улар совет аскарлари ва зобитлари орасида Хушхабарни тарқатиша бизга жуда кўп ёрдам берди.

Мен шуни аниқ айтишим мумкинки, улар хурсандчиликдан ташқари масихийларга хос бўлган ҳамма қирраларга эга эдилар.

Улар фақатгина имонга келиш вақтида хурсандчиликни бошдан кечирадилар, кейин эса у яна йўқоларди. Мен бу ҳақида кўп ўйлардим. Мен бир баптистдан: «Нима учун сенда хурсандчилик йўқ?» – деб сўраганимда, у менга: «Мен қандай қилиб хурсанд бўламан, агар мен Масихга содик эканимни, фаол ибодатдаги хаёт кечираётганимни, Худога янги одамларни олиб келаётганимни, ўз жамоатимнинг чўпонига айта олмасам? Жамоатимнинг чўпони – ҳалқ ички ишлар қўмитаси (НКВД) нинг айгоқчиси бўлса. Унинг орқасидан ҳар доим кузатишади. Афсуски, айнан чўпонлар ўзларининг сурувини сотган. Нажот хурсандчилиги бизнинг юрагимизнинг тўрида яшаети, бироқ биз сизларда бор бўлган ташки хурсандчиликни йўқотдик» – дея жавоб берди.

Масихийлик биз учун қайғули эди. Эркин мамлакатларда масихийлар одамларни Масихга олиб келганида, улар тинч хаёт билан яшаётган жамоат аъзоларига айланарди. Аммо қачонки қулликдаги мамлакатларнинг одамлари Худога келганида, биз биламизки, улар тезгина қамоққа тушишлари, уларнинг болалари эса етим бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас эди.

Шу сабабдан янги Масих учун кутқарилган одам хурсандчилиги, ҳар доим бунинг эвазига тўлаш керак бўлган тўловни тушунганида қайғуга айланарди. Шунинг учун биз умуман янги турдаги масихийларга, яъни яширин тарздаги жамоат масихийларига дуч келдик.

## Хизматимиизда биз кўп марта кутилмаган нарсалар дуч келдик.

Худди кўп одамлар масихий бўлмасдан туриб, масихийман деб ўйлаганидек, биз гувоҳ бўлдикки, кўплаб руслар, атеистман деб ўйлаган ҳолда, аслида атеист эмас эдилар.

Бир марта мен поездда кетаётганимда, менинг қаршимда совет зобити ўтирди. Мен унга Масих ҳақида айта бошлашим билан, у Худонинг мавжудлигини инкор этувчи, атеистик далиллар оқимини келтира бошлади. Маркс, Сталин, Вольтер, Дарвин ва бошқа Муқаддас Китобни инкор қилувчиларнинг ишларидан келтирилган

цитаталар, унинг тилидан ёғила бошлади. У шунчалик тез гапирардики, менга гапириш учун имкон бермасди. У тахминан бир соат гапирди ва деярли мени Худонинг мавжуд эмаслигига ишонтириди. У ўзининг нутқини тугатганида, мен ундан сўрадим: «Агар Худо мавжуд бўлмаса, нима учун сен бошингга кулфат келганида Унга ибодат қиласан?» Худди ўғирлик пайтида ушланган, ўғридек, у қизарип мендан сўради: «Менинг ибодат қилишимни сен қаердан биласан?» Мен туриб олдим: «Мен биринчи сўрадим, Демак нима учун ибодат қиласан? Жавоб бер!» Зобит бошини эгди ва шундай деди: «Фронтда, биз фашистларнинг курсовига тушиб қолганимизда, ҳамма ибодат қилди! Биз буни қандай тўғри айтишни билмасдик, шунинг учун «Худо ва Рух! Ёрдам бер!» – деб айтдик». Юракка қарайдиганнинг кўзи ўнгидаги бу ибодат ажойиб эмасми?

Бир марта мен совет ҳайкалтароши намоёндалари билан танишдим. Менинг Худо ҳақидаги ҳикоямга жавобан, шундай қаршилик билдиридилар: «Йўқ, Худо мавжуд эмас. Биз – худосизлармиз. Аммо сенга, биз билан юз берган битта қизиқ воқеани айтиб берамиз.

Бир марта биз Сталиннинг ҳайкали олдида ишлаётган эдик. Иш вақтида менинг хотиним менга шундай деди: «Кўлингни бош бармогига қара! Агар бизнинг бош бармоқларимиз бир-бирига нисбатан акс тасвир нисбатида жойлашмаганида, агар қўлларимиздаги бармоқлар, худди оёқларимиздагидек бўлганида эди, биз қўлларимизда болгани, ўймакорлик қуролини, асбобларни, китобларни ва ҳатто бир бўлак нонни ҳам ушлай олмас эдик. Инсоннинг ҳаётини бош бармоқсиз тасаввур қилиш қийин. Шундай қилиб, бош бармоқни ким яратди? Биз иккимиз ҳам марксизм мактабидан ўтганмиз ва биламизки, осмон ва ер ўз – ўзидан пайдо бўлган. Улар Худо томонидан яратилмаган. Бизга қандай ўргатган бўлсалар, биз шундай ишонган эдик. Агар Худо осмон ва ери яратмаган бўлса, лекин ҳатто у фақатгина бош бармоқни яратган бўлса ҳамки, У бундай жуда муҳим бўлган майдага нарсани яратгани учун мақтовга сазовор.»

«Биз электр лампочка, телефон, термір йўл ва бошқаларни ўйлаб топган, Эдисон, Белла ва Стивенсонни улуғлаймиз. Шундай экан, нима учун бармоқни Яратганни улуғламаслигимиз керак? Агар Эдисонда бош бармоғи бўлмагандა эди, у хеч нарса яратса олмасди. Шундай экан, бош бармоқни Яратган Худони улуғлаш тўғри».

Кўпинча хотинлар доно гап гапирганида, эркакларнинг жаҳли чиққанидек, аёлининг гаплари, эрининг жаҳлини чиқарди. «Бўлмагур гаплар кўй! Сенга Худо мавжуд эмас деб ўргатган. Бундан ташқари, уй эшигадиган ускуналарга тўла бўлиши мумкин. Сен бошимизга кулфат олиб келишинг мумкин. Эсингда турсин, Худо мавжуд эмас. Осмонда ҳам хеч ким йўқ!»

Аёли жавоб берди: «Жуда ажойиб! Агар осмонда бизнинг отабоболаримиз ақлсизларча ишонган Кудратли Худо яшётган бўлса, у ҳолда бизнинг бош бармоққа эгалигимиз табиий ҳол. Кудратли Худо ҳамма нарсага қодир, шунинг учун У бош бармоқни ҳам яратиши мумкин. Агар осмонда хеч ким йўқ бўлса, у ҳолда мен бу осмондаги бош бармоқни яратган «Ҳеч Ким» га топинаман!»

Шундай қилиб улар «Ҳеч Кимга» ишона бошладилар! Вақт ўтиши билан уларнинг «Ҳеч Кимга» бўлган имони, нафақат бош бармоқнинг Яратувчиси, балки юлдузлар, гуллар, болалар ва ҳамма ҳаётдаги ажойиб нарсаларнинг Яратувчиси бўлган Худога бўлган имонга айланди. Бу воқеа худди қадимги даврдаги Павлуснинг Афинада «Номаълум Худога» (Ҳаворийлар 17:23) топинувчи одамлар билан учрашувини эслатади.

Бу эр-хотинлар мендан ҳақиқатдан Рух – Худо бор эканлигини эшигтанларидан ниҳоятда хурсанд эдилар. У – уларни шундай севиб, Ўзининг Ягона Ўғлини ходдаги ўлимга юборган, севги, донолик, ҳақиқат ва куч Рухидир.

Бундан кўринадики, улар ўзлари билмаган ҳолда, Худога ишонгандар. Худо менга шундай уларга ёрдам бериш имкониятини бердики, улар ўзларининг имонларида яна бир пағонага кўтарилди, яъни тавба қилиш ва гуноҳлари кечирилиш пағонасига кўтарилди.

Бир марта мен кўчада рус зобит аёлини кўриб қолдим. Мен унинг ёнига келдим ва унга шундай дедим: «Мен биламанки, кўчада нотаниш аёлга мурожат қилиш одобдан эмас, аммо мен чўпонман ва менинг ниятим холис. Мен сизга *Масих* ҳақида айтиб бериши хоҳлайман»

«Сиз *Масихни яхши кўрасизми?*» – қичқирди у. «Ҳа! Бутун юрагим билан» – дедим. У кучогини очиб менга ташланди ва мени ўпа бошлиди. Мен озгина ноқулай бўлдим. Мен ўзимни ноқулай сездим, чунки мен чўпон эдимда. Ўзимга келиб, мен ҳамма бизни қариндошлар деб ўйлайди деган умид билан, унга кучогимни очиб жавоб бердим. У қичқирган ҳолда: «Мен ҳам *Масихни яхши кўраман!*» – деди. Мен аёлни уйимга таклиф қилдим ва у аёл Исо ҳақида, Унинг исмидан бошқа ҳеч нарса билмаслигини, ҳайратланган ҳолда билиб олдим. Лекин барибир у Исони яхши кўрарди. У Исо Қутқарувчи эканини, нажот ўзи нима эканлигини билмас эди. У *Масих* қаерда яшаганини ва ўлганини ҳам билмасди. У Исонинг таълимоти ҳақида, ҳаёти ҳақида, хизмати ҳақида ҳеч нарса билмас эди. У мен учун бир кашфиёт эди: қандай қилиб, фақатгина унинг исмини билган ҳолда яхши кўриш мумкин?

Мен бу аёлга ўзимнинг ҳайратим ҳақида айтганимда, у менга тушунтириб берди: «Болаликда мени расмларни эслаб қолишга ўргатишган. *Масалан*, «А» – бу «автобус», «Б» – бу «балиқ», «В» эса – бу «вагон» ва ҳакозо.

Мен мактабда катта синфга ўтганимда, бизнинг асосий мажбуриятимиз – бу коммунистик Ватанимизни ҳимоя қилиш эканини ўргатишган. Бизни коммунистик аҳлоқ – одоб руҳида тарбиялашган. Бироқ мен «муқаддас мажбурият» ва «аҳлоқ – одоб» нимани англатишини билмас эдим. Менга тасаввур қила оладиган расм керак эди. Бизнинг ота – боболаримиз ҳамма ажойиб бўлган, хурматга ва топинишга сазовор бўлган нарсаларни «иконалар» билан тасаввур қилишганлар. Мисол учун, менинг бувим ҳар доим *Масих* деб аталадиган расм олдида бош эгарди. Мен бу исмни яхши кўриб қолдим. У мен учун шунчалик яқин бўлиб қолди! Бу исмнинг жаранглаши мени хурсандчиликка тўлдириб юборади».

Мен унинг гапларини эшитганимда, менинг хаёлимга Филиппиликларга 2:10чи оят келди. Унда Исонинг исми тилга олинганда, кўк, ер ва ер остидаги борлик жон тиз чўқади деб айтилган. Эҳтимол дажжол ер юзидан Худо ҳақидаги билимни вактингчалик йўқ қилиши мумкинdir. Аммо Исо исмини ўзида – одамни нурга олиб келишга кодир бўлган куч бор.

У менинг уйимда Масихни қабул қилди ва энди у яхши кўриб қолган исм, унинг юрагида яшамоқда эди.

Руслар билан ўтказган ҳар бир дақиқам, шеъриятга ва чукур маънога тўла эди. Темир йўл бекатларида Хушхабарни вавъз қиласиган опамиз, Худонинг Каломи билан қизиқкан бир зобитга менинг уй манзилимни берган. Бир куни кечки пайт у менинг уйим остонасида пайдо бўлди – баланд бўйли, келишган Совет Армиясининг лейтенанти.

Мен ундан сўрадим: «Нима ёрдам беришим мумкин?»

У менга жавоб бериб: «Маслаҳат сўраб келдим».

Мен унга Каломдаги муҳим парчаларни ўқишни бошладим. У кўлини менинг устимга қўйди ва деди: «Илтимос қиласман, мени алдама. Мен халқи қоронгулика сақлананаётган миллатга тегишлиман. Менга тўғрисини айт: бу ҳақиқий Худонинг Каломими?» Мен уни у ҳақиқий эканлигига ишонтирдим. У бир неча соат эшитди, кейин эса Масихни қабул қилди.

Руслар камдан-кам ҳоллардагина дин масаласида юзаки ва носамимий ўйлайдилар. Улар динга қарши курашаяптиларми, Масихни қидирайптиларми, нима қилмасин, улар чин юракдан самимий қиласидилар. Мана нима учун коммунизм пайтида Россияда масиҳийлар шунчалик муваффакиятли хизматчилар ёки имонлилар бўлишган. Тарихдан шундай бўлганки, руслар қадим замонлардан бери диндор халқ бўлиб келишган. Уларга ўхшаган мамлакатлар – Хушхабар тарқатиш иши учун пишиб етишганларидан кейин, улар бирин-кетин Хушхабарни қабул қила бошлайдилар ва тарихнинг ўёналиши ўзгаради. Минг афсуски, Россия ва унинг халқлари Худо Каломига нисбатан худди шундай чанқоқликни ҳис қилмоқдалар, аммо шундай бўлсада, кўплар уларни эътибордан четда қолдирмоқдалар.

## **Бизнинг руслар орасидаги хизматимиз катта ҳосил келтириди.**

Мен Пётрни эслайман. У совет иттифоқининг қайси қамоқхонасидан қочганини ҳеч ким билмайди. У жуда ёш, йигирма ёшда бўлган. У шунингдек Руминияга Совет армияси орқали келиб қолган. У бизнинг маҳфий учрашувларимиздан биттасида имонга келди ва у ўша заҳотиёқ мендан сувга чўмдиришни сўради.

Сувга чўмдиргандан кейин, мен Пётрдан сўрадим. Унга Муқаддас Китобдан қайси оят шунчалик таъсир қилдики, у ўзини Худога бағишлашга қарор қилди.

У қачонлардир, Луко Хушхабарининг 24чи бобида Исонинг Ёммаус йўлида иккита шогирди учрашуви ҳақида ўқиганман, деб жавоб берди: «Нихоят, ўша бораётган қишлоққа яқинлашдилар. Исо Ўзини йўлида давом этадиган қилиб кўрсатди». Пётр шундай деди: «Мен тушунмайман, нима учун Исо Ўзини йўлида давом этадигандек қилиб кўрсатди. Мен ишонаманки, Исо Ўз шогирдлари билан қолишни хоҳлаган. Унда нима учун у шундай жавоб берган?» Мен унга тушунтиридимки, Исо бу ишни ҳурмат юзасидан қилган. У Ўзининг шу ерда кераклигига ишонч ҳосил қилишни хоҳлаган. Таклиф қилинганини эшитиб, У ҳурсандчилик билан уларнинг ўйига кирган. Коммунистлар – жуда ҳурматсиз ва қўпоплар. Улар одамларнинг юрагига ва онгига зўравонларча бостириб кирадилар. Улар одамларни эрта тонгдан, то кечқурунгача эшитишга мажбурлайдилар. Бунинг учун улар мактаблардан, радиодан, газеталардан, плакатлардан, фильмлардан, атеизм бўйича маърузалардан фойдаланадилар ва қаёққа борма, булардан хамма жойда фойдаланадилар. Одамлар хоҳлайдиларми йўқми, уларнинг худосизларча ташвиқотини тўхтовсиз эшитишга мажбурлар. Исо инсон эркинлигини ҳурмат қиласи. У инсоннинг юрагига секин эшик қоқади.

«Исо Ўзининг мулоёйимлиги билан мени Ўзига жалб қилди», – деб тан олди Пётр. Бу коммунизм ва Масих ўртасидаги қарама – қаршилик, уни Исога ишонтириди. У – Исо Ўзининг характеристи

билин жалб қилган ягона рус кишиси эмас. (Чўпон сифатида, мен ўзим бу ҳақида ҳеч қаҷон ўйламаганман.)

Имонга келганидан кейин Пётр бир неча марта Совет Иттифоқига масиҳий адабиётлар жўнатди, Руминиядаги ва Россиядаги яширинча юрган жамоатларга ёрдам берди. Бу билан у ўзининг ҳаётини ва эркинлигини хавф остига қўярди. Вакт ўтиши билан у қамалди. Мен охирги марта у ҳақида эшитганимда, хали ҳам қамоқхонада эди. Эҳтимол, у аллақачон вафот этгандир? Қизик, у ҳозир қаерда экан, осмонда дам олаётганмикан ёки ерда ўз курашини давом эттираётганмикан? Билмайман... Бу фақатгина Худога маълум.

Худди Пётрдек, жуда кўплаб одамлар Худони оддийгина таниб билиш билан чекланмаган эдилар. Биз навбатдаги жонни Худога олиб келиш билан тўхтаб қолишимииз керак эмас. Буни қилиш билан биз фақатгина ўз вазифамизнинг бир қисминигина бажарган бўламиз. Ҳар бир Масихни таниб билган жон, ғалаба қозонадиган жон бўлиши керак. Руслар нафақат Худони таниб билдилаr, балки улар яширин тарздаги жамоатларда Худонинг элчиларига айланадилар. Улар Масих учун мард ва жасур кишиларга айландилар. Бу ишни улар ҳар доим ўзлари учун Ҳаётини берган Шахсга нисбатан қилиши мумкин бўлган энг кичкина иш деб такрорлар эдилар.

## **Бизнинг қулликдаги ҳалқларга яширин тарздаги хизматимиз**

Бизнинг хизматимизнинг яна битта қирраси руминлар орасида яширин тарздаги элчилик хизмати эди.

Аввал коммунистлар жамоатларнинг етакчиларини васвасага солган ҳолда ўз томонига оғдиришга харакат қилдилар, аммо тез орада улар ўзларининг никобларини ечиб ташладилар. Ўшанда террорчилик ва кўп минглаб одамларни қамаш бошланди. Худди русларни Худога олиб келиш қийин бўлганидек, энди биз учун ҳам жонларни Худога олиб келиш қийин бўлиб қолди.

Вакт ўтиши билан мен Худонинг инояти билан Масихга олиб келган биродарларим билан бирга қамоқда ўтиришимга түғри келди. Мен уйида олтита боласи қолган бир киши билан битта камерада ўтирдим. Хотини ва болалари очлиқда қолган эди. У ҳеч қачон уларни кўролмас эди. Мен ундан сўрадим: «Мен сени Масихга олиб келганим учун, оиласи эса шундай камбағалчиликда қолгани учун мендан хафа эмасмисан?». У менга шундай жавоб берди: «Сен мени шундай ажойиб Кутқарувчига олиб келганинг учун миннатдорчилик изхор қилишим учун менда сўз етмаяпти. Мен хозир ҳам ҳеч нарса ўзгартирган бўлардим».

Шундай шароитда ваъз қилиш осон эмас эди. Одамлар ўзларини камситилган сезардилар. Коммунистлар улардан ҳамма мулкини тортиб олдилар. Улар фермерлардан дала ва қўйларини, сартарош ва тикувчилардан иш хоналарини тортиб олдилар. Мулкларни нафақат бойлардан тортиб олишдилар, балки камбағаллар ҳам азоб чекдилар. Деярли ҳар бир оиласи кимдир қамалган эди, камбағалчилик эса ўсиб бораётган эди. Одамлар сўрадилар: «Нима учун севги Худоси шундай ёвузликнинг ғалаба қозонишига руҳсат бераяпти?»

Ҳаворийлар учун ҳам, Масих хочда «Эй Худоим, нега мени ташлаб қўйдинг?» деган сўзлар билан ўлган, азобли пайшанбада Масихни ваъз қилиш осон бўлмаган эди. Шундай экан, бизнинг хизматимиз ҳосил келтиришда давом этажанлиги ҳақидаги омил, бунинг Худодан эканлигини исботларди. Масихийча имон ҳамма саволларга жавоб беришга тайёр. Исо бизларга камбағал, бечора, ҳамма нарсадан ажралган Лазар ҳақида гапирган. У ҳам бизга ўхшаб ўлаётган, очликка юз тутган, унинг яраларини итлар ялаётган эди. Лазарнинг хаёти тугаганда эса, фаришталар уни Иброҳимнинг қошига олиб кетдилар.


**Қандай қилиб яширин жамоат яrim очиқчасига хизмат қилган.**

Яширин жамоат уйларда, ўрмонларда, ертўлаларда – қаерда йигилиш мумкин бўлса, ўша ерларда хизмат қилган. Худди бошқа

күплад мамлакатлар каби, Руминияда ҳам яширинча йигилган жамоат қисман яширин бўлган. Худди катта муз бўлагининг учи кўринганидек, жамоат хизматининг ҳам бир қисми тепадан кўриниб турган. Коммунизм пайтида кўчада хушхабар айтиш жуда хавфли бўлиб қолди, аммо айнан шу тариқа биз жуда кўп жонларни қутқаришга муваффақ бўлдик. Бошқача йўл билан уларни қутқариш имкони бўлмасди. Хушхабар айтишининг бу турида менинг хотиним жуда фаол бўлган. Масиҳийлар билдирамасдан кўчанинг бурчакларида йигилишарди ва секин қўшиқ куйлашни бошлардилар. Одамлар ажойиб ашулани эшитиш учун уларнинг атрофида тўпланардилар. Ўшанда менинг хотиним Хушхабарни айта бошларди. Биз махфий полиция келишидан олдин тарқалардик.

Бир куни, мен бошқа хизмат билан банд бўлган пайтимда, менинг хотиним Бухарестдаги катта заводнинг кираверишидаги минглаб ишчилар олдида сўзга чиққан. У ишчиларга Худо ҳақида ва нажот ҳақида гапириб берган. Эртаси куни эрталаб ўша ишчиларнинг кўплари коммунистларнинг ноҳақлигига қарши чиққанлиги учун отиб ташланган!

Биз яширин жамоат бўлишимизга қарамасдан, барибир худди Яхё Чўмдирувчига ўхшаб, халқقا ва юқори мансабдагиларга, Исо ҳақида очик гапирганимиз. Бир марта ҳукумат идораларидан бирининг олдида иккита биродаримиз бош вазир, Георге Георгиу – Дежунинг қошига яқинлашишга муваффақ бўлган. Уларда бор бўлган бир неча минут ичида, биродарлар унга Масих ҳақида гувоҳлик берганлар ва гуноҳдан ва қувғин қилишдан воз кечишга чақиришган. У бу эркаклар кўрқмасдан гувоҳлик бергани учун уларни қамоққа олишни буюрган. Ўшандан буён кўп вакт ўтди ва бош вазир Георгиу-Дежу касал бўлиб қолганида, кўп йиллар олдин биродарларимиз томонидан экилган Хушхабар уруғи униб чиқди. Бу уруғни экишгани учун иккита биродаримиз қаттиқ қийналган. Ўз азоби пайтида бош вазир унга айтилган сўзларни эслаган «Худонинг каломи жонли ва таъсирли, ҳар турли дудама қиличдан ўткирроқдир» (Ибронийлар 4:12). Сўз унинг қаттиқ юрагига кириб борган ва уни Масихга тобе қилди. Дежу ўзининг гуноҳларидан



тавба қилди, Исони ўзининг Кутқарувчиси сифатида қабул қилди ва касалигига қарамасдан Унга хизмат қила бошлади. Тез орада у вафот этди, аммо унинг янги эгаси бўлган Кутқарувсининг олдига кетди. Буларнинг ҳаммаси иккита масихий бу учун тўлов тўлашга тайёр бўлганлиги сабаб амалга ошган. Бу биродарлар ҳозир ҳам қувғинларга дуч келаётган масихийларнинг мардлигини намоён қиласиди.

Коммунистик азоблар Хушхабарнинг ваъз қилинишини сезиларли даражада қийинлаштириди, аммо биз барибир бир нечта масихийча танқидий асарларни нашр қилишга ва уларни қаттиқ коммунистик цензурадан ўтказишга муваффақ бўлдик. Биз текширувдан ўтказувчига биринчи варагасида коммунизмнинг асосчиси Карл Маркснинг расми бўлган «Дин – халқ учун наркотик» деган буклетни тақдим қилдик. У буни коммунистик нашр деб ўйлаб, ўз муҳрини қўйиб берди. Бундай буклетларда Маркс, Ленин ва Сталиннинг цитаталари келтирилган бир нечта варагалардан кейин Масих хақида ҳикоя қилинади.

Бундай «коммунистик» буклетларни биз парадлар ва намойишлар пайтида тарқатардик. Биринчи варагида Маркснинг расмини кўриши биланоқ, коммунистлар уларни ёппасига сотиб олардилар. Улар ўнинчи варагига борганларида тушунардиларки, у ерда Худо ва Масих хақида гапириларди. Биз эса аллақачон узокқа кетиб бўлардик.

Шунинг учун яширин жамоат нафақат яширин хизматлар билан шуғулланарди, балки очиқчасига Хушхабарни кўчаларда ва ҳукумат идораларида ваъз қиласиди. Бунинг учун тўлов тўлашга тўғри келарди, аммо биз бунга тайёр эдик. Ҳозир ҳам яширин жамоатлар бунга тайёр.

## Ниқоб остидаги хизмат.

Махфий полиция яширин жамоатни қаттиқ қувғин қиласиди, чунки улар унда охирги қолган ягона самарали қаршилик кўрсатувчи кучни кўрардилар. Бу шундай рухий куч эдики, агар унга тегмасдан шундай қолдирилса, уларнинг атеистик


таълимотини ағдариб ташларди. Яширин жамоат улар учун катта хавф туғдиришини яхши тушунардилар. Улар Исога ишонадиган одам ҳеч қачон ўйламасдан ва ўз хохишисиз иш қиласлигини яхши билардилар. Улар инсоннинг руҳи ва Худога бўлган имонини эмас, фақатгина жисмоний танасинигина қамоққа ташлашлари мумкин эканлигини яхши билардилар. Шунинг учун ҳам уларга қарши курашишга катта куч сарфлардилар.

Ҳаттоқи яширин жамоат ҳукуматда ҳам, махфий полиция орасида ҳам ўз тарафдорларига, ҳатто ўз аъзоларига эга эди.

Жамоатни душманнинг режалари ҳақида огоҳлантира олиши учун биз масихийларни махфий полицияга ишга киришга ва мавжуд бўлган формалар ичидаги газабгўйининг кийимини кийишга чақирадик. Шундай қилиб, полицияда яширин жамоатдан бўлган бир неча биродарлар ишларди. Улар учун ўзларининг имонини яшириш ва коммунистларнинг кийимини кийгани учун оила аъзолари ва дўстлари томонидан жеркиб ташлашга чидашларига тўғри келарди. Улар нима учун шундай қилаётганини тушунтириб беришга ҳам ҳакки йўқ эди. Аммо улар бундай қурбонликка ўзларидан кечган ҳолда борардилар, мана Масихга бўлган севги қанчалик кучли бўлган!

Мени махфий полиция ўғирлаб кетиб, кўп йил мобайнida қаттиқ режимли қамоқхонада қамаб қўйғанларида, масихий шифокор махфий полицияга бир мақсад билан – мени излаб топиш мақсади билан ишга киради! Махфий полициянинг шифокори сифатида у қамоқхонадаги ҳамма камераларга киришга ҳуқуқи бор эди ва менга ёрдам бериш умидини йўқотмаган эди. У коммунист бўлди деб ишониб, ундан ҳамма дўстлари юз ўғирган эди. Ўша пайтда қамалган одамнинг кийимини кийишдан кўра, жаллодларнинг кийимини кийиш каттароқ қурбонлик эди.

Бу шифокор ажратиб қўйилган коронгу камерадан мени топиб, менинг тирик эканлигимни биродарларга хабар қилди. У менинг 8,5 йиллик қамоқдаги пайтимда учратган биринчи дўстим бўлди! У туфайли жамоат менинг тирик эканлигимни билди ва 1956 йилда Эйзенхауэр – Хрушчев муносабатлари «илиқлашуви» пайтида кўплаб қамоқдагиларни авф қилишди. Масихийлар менинг озод



қилинишимга эришдилар ва мени бир қанча вақтга озод қилдилар. Агар бу шифокор атайин мени қидириб топиш учун полицияга ишга кирмаганида, мени ҳеч қачон озод қилмасдилар. Мен ҳозиргача қамоқхонада ёки қабрда чириб ётган бўлардим.

Ўзларининг полициядаги мансабларидан фойдаланиб, яширин жамоатнинг аъзолари бизни кўп марта уларнинг режаларидан огоҳлантиришар эдилар ва жиддий ёрдам кўрсатишар эдилар. Коммунистик мамлакатларда яширин жамоатга ҳозир ҳам маҳфий полицияда ўзларига яқинлашаётган хавф-хатардан огоҳлантирадиган ва ҳимоя қиласиган тарафдорларига эга. Уларнинг айримлари жамоатга ёрдам бериш учун ўзларининг Масихга бўлган имонини яширган холда, ҳукуматда катта мансабларни эгаллаган. Ҳозир улар Масихга сирли равиша хизмат қилаяптилар, улар фақатгина осмонда Масихни очик эътироф этишлари мумкин.

Шундай бўлса ҳам яширин жамоатнинг кўплаб аъзолари фош қилинган ва қамалган. Бизнинг орамизда ҳам жамоат ҳақида полицияга сотган бир нечта яхудолар топилди. Дўппостлашлар, таҳқирлашлар, қўрқитишлар ва шантаж қилишлар орқали коммунистлар жамоат хизматчиларини ва аъзоларини ўз биродарларини сотишга мажбур қиласиган эдилар.

2 БОБ

## «Хеч ким каттароқ севгиға әга әмас...»

29 февраль 1948 йилгача мен ҳам очык тарзда, ҳам яширин тарзда хизмат қиласадым. Ўша қүёшли якшанба кунида, күчада жамоатта қараб йўлда кетаётганимда махфий полиция мени олиб кетди.

Муқаддас Китобнинг бир нечта жойида учираидиган «ўғирлаб кетиш» деган сўзнинг маъноси нимани англатиши хақида тез – тез фикрлар эдим.

Ўша пайтларда кўплаб одамлар ўғирлаб кетилган эди. Махфий полициянинг машинаси менинг ёнимда тўхтади, ундан тўртта эркак киши сакраб тушдилар ва мени машина ичига итаришди. Мени қамоқхонага олиб боришибди ва ўша ерда саккиз йилдан кўпроқ яширин тарзда ушлаб туришди. Бу вақт мобайнинда ҳеч ким менинг тирик ёки ўлик эканлигимдан бехабар эди. Хотинимнинг ёнига ўзини қамоқхонадан озод бўлган киши сифатида таништирган, махфий полиция хизматчиси келган. У менинг дафн маросимимда қатнашганлигини айтган. Бу хабар менинг юрагимни ларзага солди.

Ўша пайтда барча деноминациядаги жамоатлардан бўлган минглаб имонлилар қамоқхоналарга тушдилар. Нафакат хизматчилар, ҳатто ўз имони ҳақида гувоҳлик берган оддий дехконлар, ёшлар ва қизлар ҳам қамоқхоналарга тушганлар. Бутун Руминия бўйлаб ва бошқа коммунистик мамлакатларда қамоқхоналар тўлиб кетганди. Қамалиш эса, азоб беришни англатар эди.

Азоб беришлар жуда даҳшатли бўлган. Мен ҳатто ўз бошимдан кечирган нарсаларни эслашни ҳам хоҳламайман.

Ҳатто бу хақида эслашнинг ўзи – жуда оғриқли. Мен ўзимнинг «Худо билан яширин тарзда» («In God's Undergrund») деб номланган китобимда, қандай қилиб Худо қамоқхонадаги ўша даҳшатли кунларни енгид ўтишга ёрдам бергани хақида гапириб берганман.

## Құтариб бўлмас азоблар

Флореска исмли чўпонни қизитилган дазмол билан азоб беришган ва пичоқ билан сўйишган. Уни аямасдан урушган. Жуда катта труба орқали унинг камерасига оч бўлган каламушларни қўйиб юборишган. У ухлай олмаган, чунки у ҳамма вакт улардан химояланиши керак бўлган. Агар у бир дақиқа ухласа, каламушлар тезда унга ташланишган.

Икки ҳафта мобайнода уни тикка туришга мажбурлашган. Шу тарзда коммунистлар ундан ўз биродарларини сотишга мажбурашганлар, аммо у батамом рад қилган. Кейин улар унинг ўн тўрт ёшли ўғлини қамоқхонага олиб келишган ва отасининг кўзи олдида тугунли арқон билан ура бошлашган. Чўпон уларга эшитишни хоҳлаган нарсани айтмагунча, азоб беришни давом этиришларини айтиб қўрқитишган. Бечора ақлини йўқотиб қўйишига оз қолган. У имкони бўлганча ўзини ушлаб турган, кейин эса ўғлига қичкирган: «Александр, мен уларга улар хоҳлаётган нарсани айтишим керак!» Мен бошқа бу нарсага қараб туролмайман! Бироқ ўғли уни тўхтатган: «Ота, мен сотқин отам бўлишини ҳоҳламайман. Сабр қилинг! Агар улар мени ўлдирсалар, мен «Исо ва ватан учун» деган сўзлар билан ўламан». Коммунистлар жаҳли чиқиб, уни янада ҳайвонларча азоб беришни бошлаган ва уни ўлгунча қийнашган. Камеранинг деворлари унинг қонидан қизариб кетганди. У Худони улуғлаб вафот этган. Бизнинг азиз биродаримиз Флореска эса хеч қачон олдингидек ҳолатга қайтмади.

Бизнинг қўлимизга ичида учли михлар бўлган қўл кишанларини тақардилар. Агар қимиrlамасангиз, улар қўлни кесмасди. Аммо заҳ, совуқ камерада, совуқдан титраётган пайтимизда, қўл кишанлари билакларимизни лой қилиб юборарди.


Масихийларни бошини пастга осилтирган холда арқон билан осиб қўйишарди ва жуда қаттиқ урадилар. Урганларида таёқдан улар у ёқдан бу ёққа бориб келардилар. Уларни «муз хоналарга» жойлардилар. Бу хоналар шунчалик совук бўлардики, уларнинг деворлари қиров билан қопланган бўларди. Мени ҳам қачонлардир худди шундай камерага кийимсиз ташлашган. Қамоқхонанинг врачлари эшикнинг дарчаси орқали бизларни кузатиб тураришди ва совук қотишдан ўлимга яқинлашишнинг биринчи белгиларини кўришлари биланоқ қўриқчиларга ишора қилардилар. Улар эса бизларни эриб олишимиз учун чиқаардилар. Аммо биз эриб бўлишимиз билан яна бизни «муз камераларга» ташлардилар. Музларимиз эриши, ўлгудек музлаш, кейин яна эриш – мана шундай яна ва яна такрорланарди! Ҳатто ҳозир ҳам мен айрим пайтда холодильникни очишдан қўрқаман.

Масихийларни ўзидан озгина каттароқ бўлган тахта яшикларда тикка туришга мажбурлардилар. Бундай пайтда қимирлашнинг иложи бўлмасди. Ички томонида ҳар ёқдан жуда ўткир михлар чиқиб турарди. Қўзғалмасдан туришга чидаса бўларди, аммо бизни узоқ соатлар мобайнида шундай туришга мажбурлардилар. Қўзғалмасдан туришнинг иложи қолмагандা, бизнинг бошимиз айлана бошларди ва ўткир михлар танамизга санчиларди.

Коммунистларнинг масихийларга нисбатан қилган ишлари инсоннинг ақлига сифиши қийин. Мен шундай коммунистларни кўрдимки, улар масихийларнинг устидан мазах қилганларида юзлари очилиб кетарди. Айримлар «Мен – шайтонман!» – деб қичкирардилар.

«Чунки бизнинг курашимиз ўткинчи башарга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз рухий кучларга, ҳокимлару ҳокимиятларга, бу қоронги дунёни бошқараётган рухий ҳукмронларга қаршидир» (Эфесликларга мактуби 6:12). Биз коммунизм – бу инсонлардан эмас, шайтондан эканига ишонч ҳосил қилдик. Бу – рухий куч ва уни ундан ҳам кучлироқ бўлган куч – Худонинг Рухи билангина енгиш мумкин.

Мен кўпинча ўзимга азоб берувчилардан сўрардим: «Наҳотки сизларнинг юракларингизда заррача ҳам афсусланиш йўқ бўлса?».



Кўпинча улар менга Лениндан цитата келтириб шундай жавоб берардилар: «Тухумнинг пўстлогини ажратмасдан туриб, қўймоқ тайёрлаб бўлмайди». Мен эса давом эттириб: «Мен биламан, сизлар Лениндан цитата келтираяпсизлар. Аммо ғўлани ёриш ва инсонга азоб бериш, бу – бир хил нарса эмаску. Ҳар бир берилган зарба тирик одамга оғриқ беради ва онанинг азобланишига олиб келади». Аммо ҳаммаси бекор эди. Улар – материалистлар эди. Улар учун ўз мақсадларидан бўлак нарса йўқ эди ва инсон улар учун худди бир ғўла ёки тухумнинг пўстлоги каби нарса эди. Шундай ишонч, уларни худди тошга ўхшаб, жаҳолатнинг тубига гарқ қиласди.

Атеизмнинг бағри тошлигини тарифлашга тил ожизлик қиласди. Қачонки инсон эзгулик учун мукофот ва ёвузлик учун жазо кутаётганлигига ишонмаса, у инсон бўлиш хуқуқига эга эмас. Инсоннинг ичидаги яшаётган ёвузлик чегара билмайди. Коммунист – жаллодлар кўпинча шундай деб такрорлар эдилар: «Худо мавжуд эмас, худди ёвузлик учун жазо мавжуд бўлмаганидек, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳам мавжуд эмас. Биз нима хоҳласак, ўшани қилишимиз мумкин». Мен битта жаллоднинг айтган гапини эшитганман: «Мен шу пайтгача тириклигим учун, ўзим ишонмайдиган Худога миннатдорман. Мен юрагимда яшаётган ёвузликка бемалол эрк бера оламан». Бу ёвузлик масихийларнинг устига ақл бовар қиласа бағри тошлиқ ва қулоқ эшитмаган азоблар илиа ёғилди.

Агар одамни тимсоҳ еб кўйса, мен жуда ачинардим. Аммо мен тимсоҳни айблай олмайман, чунки у – одоб-ахлоқли ҳайвон эмас. Худди шундай коммунистларни ҳам айблаб бўлмайди. Коммунизм улардаги барча одоб-ахлоқ ҳиссиётини йўқ қиласди. Улар ўзларининг юрагида шафқат йўқлиги билан мактанар эдилар.

Коммунистлар менга битта жуда муҳим дарсни ўрганишга ёрдам бердилар: худди уларнинг юрагида Исо учун жой бўлмаганидек, мен ҳам ўз юрагимда шайтон учун заррача ҳам жой қолдирмасликка қарор қиласди.

Мен америка сенатининг ҳавфсизлик масалалари бўйича Комитетига гувоҳлик бергандим. Ўша ерда мен қандай қилиб

масихийларни даҳшатли тарзда, тўрт кун ва тўрт кечага хочга боғлаб қўйиб, мазах қилганликлари ҳақида айтиб бергандим. Хочни полга ётқизардилар ва юзлаб маҳбуслар ўзларининг ҳар кунлик ишини тўғри хочга боғланганларнинг юзига ва танасига бажарар эдилар. Кейин хочни яна қайта тиклардилар ва коммунистлар уларнинг устидан мазах қилишардилар: «ўзларингизнинг Масихингизга каранглар. У қандай ажойиб! Қандай самовий хид!» Мен қандай қилиб, азоблар туфайли жинни ҳолатга келиб қолган руҳонийнинг, инсонлар қилган иши ва сийдикларини йигишириб олишга мажбур бўлгани ва ўшалар ёрдамида масихийларга қутлуг кечалик ўтказганлиги ҳақида гапириб бердим. Бу руминиянинг Питешти шахридаги қамоқхонада юз берган. Мен руҳонийдан, нима учун бундай ҳакоратлардан кўра ўлимни афзал кўрмагани ҳақида сўрадим. У шундай жавоб берди: «Илтимос, мени айблама. Мен Исодан кўра кўпроқ нарсани бошдан кечирдим». Муқаддас Китобдаги дўзах ҳақидаги барча тарифлар ва «Inferno» («Дўзах») асаридаги қаҳрамон Дантенинг оғриқлари – буларнинг ҳаммаси коммунистик қамоқхоналардаги азоблар олдида ҳеч нарса эмас эди.

Бу – Питешт қамоқхонасида якшанба кунлари юз берган воқеаларнинг бир қисмигина ҳолос. Қолган нарсалар ҳақида ҳатто эслашнинг ўзи қўрқинчли. Агар булар ҳақида яна айтиш керак бўлса, менинг юрагим бардош беролмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳақида ёзиш жуда даҳшатли ва жирканчли. Мана нималардан ўтишга тўғри келган ва Масихдаги биродарлар булардан ҳали ҳам ўтишга тўғри келаяпти!

Агар мен коммунистик азоб-уқубатларнинг ҳаммасини тарифлашда ва масихийлар кўрган ҳамма қурбонлар ҳақида айтишни давом этганимда эди, мен ҳеч қачон ўз ҳикоямни тугата олмасдим. Бизнинг биродар aka-укларимиз ва опа-сингилларимизнинг нафақат кўрган азоблари, балки қаҳрамонликлари ҳам бутун дунёга тарқалди. Қамоқдагиларнинг қаҳрамонликлари, ҳали эркинлиқда юрганларни руҳлантирасди.

Машхур имон қаҳрамонларидан бири чўпон Милан Хаймович бўлган.

Қамоқхоналар тўлиб бўлган эди ва қоровуллар бизларнинг исмларимизни ҳам билмас эди. Улар қамоқхонанинг тартибини бузганганлиги учун маҳбусларни чақириб йигирма беш қамчи берардилар. Бир неча марта чўпон Хаймович бошқаларнинг ўрнига ўз хохиши билан калтакланган эди. Бу билан у қамоқдагиларнинг хурматини нафақат ўзи учун, балки ўзи айтиб юрган Масих учун ҳам қозонган эди.

Яширин жамоатда битта ёш қиз хизмат қилар эди. Коммунистлар унинг яширин равишда Хушхабарни тарқатиб юрганини ва болаларга Масих ҳақида ўқитиб юрганини билиб қолишган. Бу қизни қамоққа олишга қарор қабул қилган эди. Бирок қамоққа олишни янада даҳшатлироқ ва оғриклироқ қилиш учун улар бу қарорларини бир неча ҳафтага, унинг тўйигача қолдирдилар. Бу қиз ўзининг байрамона куни оқ никоҳ кўйлагини кийди. Бу унинг ҳаётидаги энг ажойиб, энг хурсанчилик куни эди! Кутимаганда эшик очилди ва эшик остонасида маҳфий полиция пайдо бўлди.

Полиция ходимларини кўриб, қиз қўлини кишан тақиши учун узатди. Улар тезда қўлига кишан тақдилар. Бу қиз ўзининг севгилисига қаради, кейин эса кишанни ўпид шундай деди: «Менинг тўйим куни совға қилинган ушбу қимматбаҳо безак учун ўзимнинг Осмондаги Куёвимдан миннатдорман! Мени ўзи учун азоб чекишга лойиқ кўриб, танлагани учун Ундан миннатдорман». Хонада биродар ака-ука, опа-сингилларни ва унинг куёвини ҳасратда қолдириб, ўзини судраб олиб кетдилар. Уларнинг ҳаммаси қамоқхона қўриқчиларининг қўлига тушган ёш масиҳий қизлар билан нима бўлишини яхши билардилар. Куёв қизни содик қолган ҳолда қамоқдан қайтишини кутди. Беш йилдан кейин уни чиқазиши – баҳтсиз, ҳароб бўлган, ўзининг ёшидан ўттиз ёшларча қари кўринарди. Бу ўзининг Масиҳи учун қилиши мумкин бўлган ишларнинг ичидаги энг арзимаси, деб айтди. Мана шундай содик масиҳийлар яширин жамоатларда хизмат қилдилар!

## «Мияни тозалашга» қарши туриб

Гарбда яшовчилар Корея ва Ветнам уруши пайтидаги «мияни тозалаш» ҳақида әшитганлиги шубхасиз. Менинг ўзим ҳам «мияни тозалашни» бошдан кечирғанман. Бу – энг даҳшатли азоблардан биттаси.

Хафталар, ойлар, йиллар мобайнида ҳар куни ўн етти соат бизларни қуидаги сўзларни ўтириб, әшитишга мажбур қилардилар:

«Коммунизм – бу яхши!  
 Коммунизм – бу яхши!  
 Коммунизм – бу яхши!  
 Масихийлик – бу ақлсизлик!  
 Масихийлик – бу ақлсизлик!  
 Масихийлик – бу ақлсизлик!  
 Воз кеч!  
 Воз кеч!  
 Воз кеч!»

Мендан бир неча марта, қандай қилиб «мияни тозалаш»га қарши туришга мушарраф бўлганимиз ҳақида сўрашдилар. Фақатгина ягона усули бор – бу «юракни тозалаш». Агар юрагимиз Исо Масихнинг севгиси билан ювилган бўлса, агар Уни севсак, у ҳолда ҳар қандай азобларга қарши тура оламиз. Ўзининг қайлигини севган келин, у учун нималар қилмайди дейсиз? Ўзининг боласини севган она, у учун нималар қилмайди дейсиз? Агар сиз Масихни худди чақалоқлигига қўлида ушлаган Марям каби севсангиз, агар сиз Масихни ўзининг қайлигини севган келин каби севсангиз, у ҳолда Масих учун даҳшатли азобларни ҳам бошдан кечира оласиз.

Худо бизларни бошдан кечирған нарсаларга қараб эмас, балки қандай севганимизга қараб ҳукм қиласди. Қамоқхоналарда имони учун азоб чеккан масихийлар севишни билардилар. Мен бунга гувоҳман: улар Худони ва одамларни севишни билардилар.

Мазаҳ қилиш ва шафқатсизлик узлуксиз давом этди. Жаллодлар мендан иқрорнома олиш учун умид бериб, хушимдан кетганимда ёки ҳаддан зиёд жонсиз бўлиб қолганимда, улар мени яна камерага қамаб қўярдилар. Улар яна ишга киришишлари учун, хеч бўлмаганда озгина куч қайтиб келмагунча, мен у ерда қаровсиз, ярим ўлик холда ётардим. Бу босқичда кўп масиҳийлар вафот этардилар, аммо қандайдир тарзда менинг кучим ўзимга яна қайтарди. Кейинги йиллар давомида бир неча турли қамоқхоналарда менинг орқамдаги тўртта умуртқамни ва бошқа кўп суюкларимни синдиридилар. Мени ўн икки марта пичоқ билан кесдилар, теримга зарар етказдилар ва менинг танамда ўн саккизта тешик қилдилар.

Мени ва менинг оиласми сотиб олиб, Руминиядан Норвегияга олиб чиқиб кетишганида, Ослодаги врачлар буларнинг ҳаммасини ва бунга қўшимча равишда ўпкамдаги силдан пайдо бўлган чандиқларни кўриб, бир овоздан менинг ҳалигача тирик эканлигим бу мўъжизадан бўлак нарса эмас, деб такидладилар! Уларнинг тиббий қўлланмаларига кўра, мен аллақачон кўп йиллар олдин ўлган бўлишим керак эди. Мен ўзим ҳам бунинг мўъжиза эканини – Худонинг ҳақиқий мўъжизаси эканини биламан. Чунки менинг Худоим – мўъжизалар Худоси.

Мен ишонаманки, Худо бу мўъжизани яширин тарзда харакат қилишга мажбур бўлган жамоат номидан, сизларга қаратилган овозимни эшита олишларингиз учун қилди. У бизнинг содик биродар aka – укаларимиз ва опа – сингилларимизнинг чеккан азоблари ҳақида сизларга айта олишим учун, тирик қолишимга имкон берди.

## Узоқ давом этмаган озодлик ва тақрорий қамоқ


1956 йил бошланди. Мен қамоқда етти ярим йил ўтиредим. Мен кўп вазнимни йўқотдим, кўплаб даҳшатли чандиқлар орттиредим, шафқатсиз дўпостлашларини, хўрлашларини, мазаҳ қилишларини, очликни, руҳий босимларни, нафрат уйғонгунга қадар савол – жавоб қилишларини, таҳдидларни ва камситилишларни бошдан кечирдим. Аммо буларнинг ҳаммаси менинг жаллодларимнинг

умидини оқламади. Шунинг учун, мендан ҳафсаласи пир бўлиб ва менинг қамоқдалигимга қарши кўтарилишлардан қўрқиб, улар мени озод қилдилар.

Менга чўпонлик хизматимга қайтишга фақатгина бир ҳафтага рухсат бердилар. Мен фақатгина иккита ваъз айтишгагина улгурдим ҳолос. Бундан кейин мени чақириб, бундан буён ваъз килиш ва ихтиёрий бошқа диний фаолият билан шугулланиш ман қилинишини хабар қилдилар. Нима учун? Мен ўзимнинг жамоатга келувчиларимни «сабр-тоқат, сабр-тоқат ва яна бир бор сабр-тоқат» килишга ўргатганман. «Бу демакки, сен уларни америкаликлар келиб, озод қилгунча сабр-қилишга ўргатаяпсан» – деб менга бақирди маҳфий полиция зобити. Мен шунингдек фиддирак айланаверади ва замон ўзгараверади, деб айтардим. «Сен уларга коммунизм ағдарилади- деб айтаяпсан! Бу – революцияга қарши ёлғон!» – деб бақирарди у. Бу менинг оммавий хизматимга якун ясади.

Хукумат мени, қўрқиб, ўзимнинг яширин тарздаги хизматимни давом эттиrmайди – деб ўйлаган бўлса керак. Аммо улар хато қилдилар. Яширин равишда мен ўз оиласмининг ёрдами билан, оддин яширин равишда бажариб юрган ишимни бажаришга қайтдим.

Мен яна яширин равишда йигиладиган имонлиларга, ишончли биродарларнинг ёрдамида худди шарпага ўхшаб гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб қолиб, гувоҳлик бера бошладим. Энди менда атеистик таълимотнинг ёвузлиги ҳақидаги ваъзларимни кўрсатмали ифодалайдиган чандикларим ҳам бор эди. Улар бошқаларга Худога ишонишга ёрдам берарди ва иккиланадиган кишиларни илҳомлантирап ва мардлик ато қиласди. Мен кўзлари кўр бўлиб колган коммунистларнинг шундок бурнининг тагида, бир-бирларига Хушхабарни тарқатишга ёрдам бериб турадиган, маҳфий хушхабарчилар гурухи ишини бошқариб турардим. Агар одам ҳатто Худонинг бўлаётган ишини кўролмайдиган даражада кўр бўлиб қолган бўлса, у хушхабарчининг ишини кўриши амри маҳол. Вақт ўтиши билан полициянинг менинг фаолиятимга ва борган жойларимга бўлган ҳаддан зиёд қизиқиши ўз самарасини берди. Мени яна фош қилишди ва қамашди. Менга номаълум бўлган



сабабларга кўра, бу сафар менинг оиламни қамамадилар, эҳтимол бунга сабаб, ўша пайтдаги менинг оммавий танилишим бўлгандиндир. Мен саккиз ярим йиллик қамоқ жазосини, кейин эса бир неча йиллик нисбатан эркинликни бошдан кечирдим. Энди эса яна беш ярим йиллик қамоқ жазоси кутаётган эди.

Менинг иккинчи марта қамалишим, бринчисидан анча даҳшатлирок бўлди. Мени нима кутаётганини билардим. Менинг жисмоний ҳолатим тезда ёмонлашди. Аммо биз яширин жамоатдаги ишни, қаерда имкон бўлса, ўша ерда давом эттиридик, ҳатто коммунистик қамоқхонада ҳам.

## Ўзаро манфаатли шартнома: биз ваъз қиласардик – улар дўппослашарди.

Қамоқхонадаги хонадошларимизга ваъз қилиш умуман тақиқланган эди, бу ҳозир ҳам кувғин бўлаётган мамлакатларда тақиқланган. Ҳамма билардик, агарда кимнидир Худонинг Каломини ваъз қилаётганда ушлашса, қаттиқ дўппослашарди. Бизлардан кўпларимиз ваъз қилиш шарафи эвазига тўлов тўлашга тайёр бўлиб туришга қарор қилдик. Шунинг учун ҳам уларнинг шартини қабул қилдик. Бу ўзаро манфаатли шартнома эди: биз ваъз қиласардик, улар эса бизни дўппослашар эди. Биз ваъз қилиш имконияти борлигидан хурсанд бўлардик, улар эса бизларни дўппостлашдан хурсанд бўлардилар – шунинг учун ҳамма мамнун эди.

Бир неча марта мен шундай саҳнанинг гувоҳи бўлганман. Биродар ўзининг камерасидагиларга ваъз қилаётганда, тўсатдан камеранинг эшиклари очилиб, унинг гапини бўлган ҳолда, қўриқчилар бостириб кирди. Улар биродарни ушлаб, коридор бўйлаб судраб «азоблаш камерасига» олиб бордилар. Ҳаммага бутун бир абадийликка ўхшаб кўринган, маълум бир вактдан кейин, охири йўқдек туюладиган дўппослашларидан кейин, уни калтакланган ва абжаги чиқсан ҳолда, камеранинг полига олиб келиб ташладилар. У аста – секинлик билан ўзига келди ва калласини кўтарди: «Шундай қилиб, биродарлар, қайси жойида бизни тўхтатишган

әдилар?» Ва у шундаям Хушхабарни ваъз қилишни давом эттириди! Мана қандай ажойиб нарсаларни кўришимга тўғри келган!

Айрим пайтларда, Муқаддас Рухдан илҳомланган оддий имонлилар, воизхонларга айланардилар. Ваъзларида улар ўзларининг юракларини тўкиб сочардилар, зеро бундай мураккаб шароитларда Худонинг сўзини эълон қилиш осон иш эмас эди. Кўрикчилар уларни олиб кетиб, ярим жон ҳолатига келгунча дўппослашардилар.

Герла қамоқхонасида, Греку исмли масиҳийни, дўппослаш орқали ўлимга хукм қилдилар. Бу жараён секин уриш орқали бир ҳафта давом этди. Уни бир марта товонларига резина таёқ билан уриб, қолдириб кетарди. Бир неча минутдан кейин эса яна урадилар, яна ва яна шундай давом этарди. Унинг жинсий қисмларига урганлар. Кейин эса врач оғриқнинг кучидан ўлиб қолмаслиги учун укол қиласди. Греку ўзига келганида эса, уни тезроқ тикланиши учун, яхшилаб овқатлантирадилар. Кейин эса яна дўппослашардилар. Бу хол то у чидаб бўлмайдиган доимий ҳўрлашлардан ўлмагунича давом этди. Буларнинг ҳаммаси устидан коммунистик партиянинг Марказий қўмитаси аъзоси бўлган Рек исмли киши раҳбарлик қилди.

Азоб беришлар пайтида, Рек келиб Грекка, коммунистлар кўпинча масиҳийларга айтадиган нарсани айтди: «Мен – Худоман. Сенинг ҳаётинг ва ўлиминг – менинг ҳокимиятим остида. Осмондаги сенга ҳаёт бера олмайди. Ҳаммаси менга боғлиқ. Агар мен хоҳласам, сен яшайсан. Агар хоҳласам – сени ўлдирадилар. Мен – Худоман!» У шу тарзда масиҳийларнинг устидан мазаҳ қиласди.

Биродаримиз Греку, шундай чидаб бўлмас даражадаги қийин шароитда бўла туриб, Рекга жуда ҳам чукур жавоб қайтарди. У ҳақида кейинчалик Рекнинг ўзи менга айтиб берди. У шундай деган: «Нима айтаётганингизни, ўзингиз ҳам тушунмаяпсиз. Агарда тўғри ривожланса, ҳар бир курт (капалак қурти) – аслида – капалак бўлади. Сиз жаллод бўлиш учун, одамларни ўлдирадгган одам бўлиш учун яратилмагансиз. Сиз Худога ўхшаб бориш учун яратилгансиз, сизнинг юрагингизда Унинг тимсоли жойлашган.

Қачонлардир масиҳийларнинг қувғин қилганларнинг кўплари, мисол учун ҳаворий Павлус, тушуниб етганки, одам учун ҳайвон бўлиш шармандаликдир, у бундан юксакрогоига қодирдир. Шунинг учун, улар муқаддас табиатнинг ҳамкорларига айландилар. Менга ишонаверинг, жаноб Рек, сизнинг ҳақиқий чорловингиз – бу жаллод бўлиш эмас, балки Худонинг суратини намоён этиш, Унинг хислатларига эга бўлишдир».

Худди Тарслик Павлус ўзининг иштирокида ўлдирилган Стефаннинг кўрсатмаларига эътибор қаратмаганидек, ўша пайтда Рек ҳам ўзининг қўлида қурбон бўлаётган одамнинг сўзларига унча эътибор бермади. Аммо бу сўзлар унинг юрагига чуқур теккан эди ва унда ишлай бошлаган эди. Вақт ўтиши билан Рек тушуниб етдики, унинг ҳақиқий чорлови худди шундай эди.


Бу барча коммунистларнинг азоблари, дўппослашлари ва таҳқирлашларидан битта дарс олиш мумкин: рух – тананинг ҳокими. Биз таҳқирлашларни бошдан кечирдик, аммо булар, Масиҳ шуҳратида бўлган ва Унинг доимий иштирокини ҳис қилиб турган бизнинг руҳимиздан анча йироқдадек туяларди.

Хатто бизга ҳафтада бир марта бир бўлак нон берса ҳам ва шўрва ўрнига ҳар куни бўтқа берса ҳам, биз содиклик билан «ушр» бериб туришга кароқ қилдик. Ҳар ўнинчи ҳафтада, биз ўз нон бўлагимизни олиб, худди Худовандга бизнинг «ушр»имиз сифатида кучсиз бўлиб қолган биродаримизга берардик.

Бир масиҳийни ўлим жазосига ҳукм қилганларида, унга ўлимидан олдин ўз турмуш ўртоғи билан учрашишга рухсат бердилар. Унинг турмуш ўртоғига айтган охирги сўзлари шу бўлди: «Сен шуни билишинг керакки, мен, мени ўлдирган одамларга нисбатан севги билан ўламан. Улар нима қилаётганини билмайдилар ва менинг сендан охирги илтимосим шуки – сен ҳам уларни сев. Уларга нисбатан, сенинг севгилингни ўлдирганлари учун, юрагингда аччик сақлама. Биз самода учрашамиз». Бу сўзлар, уларнинг сухбатини эшишиб ўтирган, маҳфий полиция зобитини ҳайратга солди. У менга бу ҳикояни, ўзи ҳам масиҳий бўлиб, қамоққа тушганида айтиб берди.

Тиргу шаҳридаги Окна қамоқхонасида Мачевич исмли ёш имонли жазо ўтаётган эди. У ўн саккиз ёшида қамоққа ташланган эди. Унинг соғлиги азоблар ва сил касаллиги туфайли бузулган эди. Ёш йигитнинг оиласи, у ўлим ёқасида ётганини эшитиб, унинг ҳаётини қутқариб қолиши мумкин бўлган, юзта идиш (тюбик) стрептомицин бериб юборишган. Қамоқхонанинг сиёсий раҳбари (политрук) Мачевични чакириб, уйидан келган пакетни кўрсатди ва шундай деди: «Мана сени ўлимдан қутқариши мумкин бўлган дори-дармонлар. Аммо мен сенинг оилангдан келган нарсаларни сенга беришга ҳаққим йўқ. Шахсан мен сенга ёрдам беришни хоҳлардим. Сен ёшсан. Мен сенинг қамоқхонада ўлиб кетишингни хоҳламасдим. Сенга ёрдам бериш учун менга ёрдам бер! Камерадошларинг ҳақида менга маълумот бер ва бу менга раҳбарлар олдида сенга дори-дармон берганлигимни оқлаш имконини беради».

Мачевич шундай жавоб берди: «Мен тирик бўлиб қолиб, ҳар сафар ойнада ўзимга қараганимда, уялиб юришни хоҳламайман, чунки унда ҳар сафар сотқиннинг юзини кўраман. Мен сизнинг шартингизни қабул қила олмайман. Яххиси мен ўламан». Махфий полиция зобити шундай деди: «Мен сендан бошқа жавобни кутмаган ҳам эдим. Аммо сенга яна битта таклиф бермоқчиман. Айрим маҳбуслар бизга маълумот бериб турадиган одамларга айланган. Улар ўзларини коммунистлар деб атайдилар ва сени чақиб берадилар. Улар икки томонлама ўйин қиласаптилар. Биз уларга ишонмаймиз. Биз уларнинг қанчалик самимий эканликларини билишни хоҳлардик. Сен учун улар – сотқинлар. Улар сўзлаган сўзларинг ва ишларинг ҳақида бизга маълумот бериб, сенга кўп жабр келтираяптилар. Сен ўз ўртоқларингни сотишни хоҳламаётганингни тушунаман. Аммо сени сотганлар ҳақида маълумот бер ва сен ўз ҳаётингни сақлаб қоласан!» Мачевич худди аввалги сафар жавоб бергандек, тезда жавоб қайтарди: «Мен – Масихнинг шогирдиман ва У бизларни душманларимизни ҳам севишга ўргатади. Бизларни сотганлар, бизларга жуда кўп азоб келтирадилар, аммо мен ёвузликка ёвузлик билан жавоб бера олмайман. Мен улар ҳақида



маълумот бера олмайман. Мен улар учун ачинаман. Мен улар учун ибодат қиласман. Мен коммунистлар билан ҳеч қандай алоқа қилишини хоҳламайман». Зобит билан сұхбатдан кейин Мачевич ўз камерасига қайтиб келди ва менинг күз ўнгимда оламдан ўтди. Унинг хаётининг охирги минутларида мен у билан бирга бўлдим – у Худони улуғлади. Севги, ҳатто ёш йигитнинг хаётга нисбатан бўлган табиий чанқоқлиги устидан ғалаба қозонди.

Агар камбағал одам мусиқани яхши кўрса, яхши концерт чиптаси учун охирги пулини ҳам беради. У пулсиз қолади, лекин у ҳақида ҳечам афсусланмайди, чунки ажойиб мусиқани эшитади. Мен ўзимнинг қамоқхонада йўқотган йилларимдан ҳечам афсус чекмайман. Мен у ерда ажойиб нарсаларни кўрдим. Мен ўзим заиф, арзимас махбуслар сафига кираман, лекин шундай бўлса ҳам мен биринчи асрдаги масихийлар билан тенг бўлган, буюк муқаддас кишилар, имон қаҳрамонлари билан бир қамоқхонада ўтириш шарафига эга бўлдим. Улар хурсандчилик билан Масих учун ўлимгача бордилар. Бу муқаддасларнинг ва имон қаҳрамонларининг руҳий гўзаллигини тарифлашга тил ожиз.

Мен гапирган нарса, бундан мустасно эмас эди. Ўзларининг илк севгисини сотмаган, яширин жамоатдаги масихийлар учун файритабиий ишлар, табиий ишга айланди.

Мен қамоққа тушишимдан олдин, мен Масихни жуда яхши кўрардим. Энди эса, қамоқхонада Масихнинг қайлигини (Унинг руҳий Танаси) кўриб, мен шуни айтаманки, Масихни қандай яхши кўрсам, яширин жамоатни ҳам шундай яхши кўриб қолдим. Мен унинг гўзаллигини, унинг жонини аямайдиган руҳини кўрдим.

## **Менинг яқинларим – хотиним ва болаларим билан нима юз берди?**

Мени хотиним билан ажратиши ва мен у билан нима юз берганини билмадим. Факат кўп йиллар ўтганидан кейин билдимки, уни ҳам қамашган экан. Қамоқхонада масихий аёллар, эркакларга

қараганда анча күпроқ қийналишган. Уларни қўриқчилар аямасдан зўрлашганлар. У ерда таҳқирлаш ва камситиш жуда ҳам даҳшатли бўлган. Аёлларни канал қурилишида ўзларининг кучи етмайдиган ишларни бажаришга мажбурлашган. Улардан худди эркаклардан қандай иш унумдорлиги кутилса, шундай иш унумдорлигини кутишган. Қишида улар музлаб ётган ери қазишган. Ахлоқи бузук аёлларни бошқалари устидан кузатувчи қилиб қўйишган. Улар бир-бирлари билан, ўз қарамоғидагилар учун азоблар ўйлаб топишда мусобақалашганлар. Менинг аёлим тирик қолиш учун ўт ейишга мажбур бўлган. Оч маҳбуслар каналдаги каламуш ва шиллиқ қуртлар билан озиқланганлар. Қўриқчиларнинг якшанба кунги кўнгил очар ишларидан бири, бу аёлларни Дунайга ташлаш бўлган, кейин эса худди балиққа ўҳшаб уларни тутиб олишиб, уларнинг устидан мазах қилишган ва яна сувга ташлаганлар. Менинг рафиқам билан бу ҳол бир неча марта такрорланган.

Менинг ўғлимни эса ўз тақдирига ташлаб қўйишган. Аввал мени, кейинчалик эса рафиқамни қамоқхонага олиб кетишганидан кейин, у кўчада қолган. Болалигидан Михай жуда художўй бола эди, имонга тегишли бўлган ҳамма саволлар уни қизиктирап эди. Тўққиз ёшида, қачонки у ота-онасиз қолганида, унинг масихий ҳаёти инқирозга дуч келди. Аччиқ билан у художўйликка тегишли бўлган ҳамма нарсага шубҳа билан қарашни бошлади. Унинг елкасига шундай муаммолар юкландики, одатда унинг ёшидаги болалар, бундай муаммоларни ечишмайдилар. У ўзининг ҳаёти учун ўзи ишлаб топиши керак эди.

Ўша пайтларда қамоқдаги маҳбусларнинг оиласирига ёрдам бериш, жуда катта жиноят хисобланган. Бизнинг ўғлимизга ёрдам бермоқчи бўлган иккита аёлни қўлга олишган ва шунчалик дўппослашганки, натижада бутун умрга мажрух бўлиб қолишган. Ўзининг ҳаётини хавф остига қўйиб, Михайнин уйига олиб кетган, яна битта аёл эса, бу иши учун саккиз йилга қамалган. Қамоқхонада унинг ҳамма тишларини қоқиб туширишган ва суюкларини синдириб ташлаганлар. Ўшандан кейин у ишлай олмаган. У ҳам бутун умрга мажрух бўлиб қолган.

## «Михай, Исога ишон»

Үн бир ёшида Михай ишчи бўлиб ишлай бошлади. Чеккан азоблари унга имонга нисбатан шубҳа олиб келди. Икки йиллик қамоқдан кейин, Сабинага ўғли билан кўришишга рухсат берилди. Михай қамоққа келди ва темир панжаралар ортидаги онасини кўрди. У ифлос, озгин, қўллари қаварган, ранги ўчиб кетган қамоқхона кийимида эди. У онасини зўрга таниди. Онасининг ўғлига мурожат қилиб айтган биринчи сўзи шу бўлди: «Михай, Исога ишон!». Газабланган қўриқчилар уни ўғлидан тортиб олиб, бошқа жойга олиб кетдилар. Михай онасининг изидан қараб, хўнграб йиглади. Бу он у учун янгидан тавба килиш лаҳзаси бўлди. У тушуниб етдики, агар Масихни мана шундай шароитда ҳам севиш мумкин бўлса, демак, У – ҳақиқий Кутқарувчи. У ўзи учун шундай қарор қилди: «Агар масиҳийлик фойдасига ҳатто бирон-бир далил бўлмаса ҳам, лекин менинг онамнинг Унга ишониши, мен учун етарлидир». Ўша куни Михай Масихни бутунлай қабул қилди.

Мактабда ўқиётганида, Михай ҳар доим ўзининг ҳаёти учун курашишга тўғри келди. У яхши ўқир эди ва мукофот сифатида унга қизил галстук совға қилишган – пионерлик ташкилотига аъзолик белгиси сифатида. Менинг ўғлим уни рад қилган: «Мен хеч қачон отамни ва онамни қамоққа ташлаганларнинг галстукини тақмайман». Бунинг учун эса уни мактабдан ҳайдашган. Бир йилни ўқотиб, бу сафар эса у қамалган масиҳийларнинг ўғли эканлигини яширган ҳолда, яна мактабга келди.


Бир қанча вақт ўтгандан кейин Михайга Муқаддас Китобнинг ҳақиқат эканлигини инкор этувчи баён ёзишини топширишган. Михай ўзининг баёнида шунда ёзган: «Муқаддас Китобнинг ҳақиқат эканлигини инкор этувчи далиллар – жуда заиф, Муқаддас Китобни айблаш эса – ёлғондир. Кўриниб турибдики, ўқитувчининг ўзи уни хеч қачон ўқимаган. Муқаддас Китоб фанга қарши эмас, балки у билан ҳамоҳангдир». Уни яна четлатишдилар. Бу сафар у икки ўқув йилини ўтказиб юборди.

Вақт ўтиши билан Михайга семинарияда ўқишигә рухсат беришди. У ерда «марксизм теологияси» дан дарс беришган ва ҳаммасини Карл Маркснинг таълимотига асосан тушунтиришган. Лекциялар пайтида Михай очиқдан очиқ норозилик билдирган, оқибатда уни бошқа талабалар ҳам қўллашни бошлаганлар. Бунинг учун эса ўғлимни семинариядан четлатишиди ва ўқишини тугатишига имкон беришмади.

Бир марта, ҳали Михай семинариядаги ўқиб юрган пайтида, ўқитувчи атеизм бўйича лекция ўқиб турганида, менинг ўғлим ўрнидан туриб, профессорга эътиroz билдирган. Кейин эса ундан, шунча ёш йигитларни хақиқат йўлидан оздириб, ўзига қандай жавобгарлик олаётганини англай оласизми, дея сўраган. Уни бутун аудитория қўллаб қувватлаган. Кимdir мардларча чиқиши ва рози бўймаслиги керак, бу эса бошқаларга ҳам мардлик ато қилди. Таълим олиш учун Михай ҳар доим у – Вурмбранднинг, масиҳий маҳбуснинг ўғли, эканини яшириб юришига тўғри келди. Бироқ бу ҳар доим юзага қалқиб чиқарди ва уни яна директорнинг олдига чақиришиди ва ўқиши масканидан четлатишишиди.

Михай жуда қаттиқ оч коларди. Қамалганларнинг кўпларининг оиласлари очликдан ўларди. Уларга ёрдам бериш – катта жиноят хисобланарди.

Мен ўзим яхши билган фақатгина битта оила ҳақида айтиб бераман. Биродаримизни яширин жамоатнинг фаолиятига алоқадорликда айблаб, қамашди. Рафиқаси ёлғиз олти бола билан қолди. Ўн етти ва ўн тўққиз яшар бўлган катта қизларига иш топиш имкони бўймади, чунки ўша даврда ишни фақатгина ҳукумат берарди, бироқ коммунистик мамлакатда масиҳий «жиноятчиларнинг» болалари ишлашга ҳукуқлари йўқ эди. Мен уларни аҳлоқий принциплар нуқтаи назаридан ҳукм қилмасликларингизни сўрайман, фақатгина улар нималарни бошдан кечиргани ҳақида ўйлаб кўринг, ҳолос. Содик масиҳийнинг иккита қизи, иккиласи ҳам масиҳий, ўзларининг кичик укаларини ва касал онасини боқиши учун, ўз ихтиёри билан фохиша бўлдилар. Уларнинг ўн тўрт яшар укаси бу ҳақида билиб, ақлдан озди ва уни руҳий касаллар шифохонасига ётқизишдилар. Кўп йиллик



қамоқдан кейин, Отаси уйға қайтганида, унинг ягона ибодати шу бўлди: «Эй Худоим, мени орқага қамоқхонага қайтар, мен бунга чидай олмайман!» Унинг хоҳиши бажо бўлди, болаларга Масих ҳақида гувоҳлик бергани учун, уни яна қўлга олишдилар. Унинг қизлари энди фоҳиша эмас эдилар. Улар иш топишга муяссар бўлдилар, чунки улар махфий полиция томонида қўйилган шартни, яъни маълумот бериб туриш шартини бажаришга рози бўлдилар. Буюк азоб чеккан кишининг – масиҳийнинг қизи сифатида, уларни барча масиҳий оиласаларда шараф билан қабул қилишарди. Улар суҳбатларни тинглашардилар, кейин эса ҳаммасини махфий полицияга етказишардилар. Бу жуда жирканчли ва ахлоқсизлик, деб айтманг, албатта бу шундай, лекин яхшиси ўзингиздан сўранг, бу кулфат юз беришида сизнинг ҳам қисман айбингиз йўқ эмасми ва қанча масиҳий оиласалар ўзларининг ғамлари билан ёлғиз қолдирилди, уларга ҳеч ким ёрдам бермади.


З БОБ

## Гарбда ишлаш учун сотиб олиш ва озод қилиш

Мен қамоқхонада ўн тўрт йил вақт ўтказдим. Бу вақт мобайнида мен умуман Муқаддас Китобни ёки бошқа бир китобни кўрмадим. Мен қандай ёзишни ҳам эсдан чиқардим. Очлик, бизларга мажбуран берилган наркотиклар ва тахқирлашлар туфайли мен Муқаддас Китобни ҳам эсдан чиқардим. Аммо менинг азобларим бошланганига ўн тўрт йил тўлган куни, худди эсдан чиқарилгани каби, эсимга бир оят қайтиб келди: «Шундай килиб, Ёкуб Роҳилага қалин учун етти йил хизмат қилди. Лекин Ёқубнинг Роҳилага бўлган севгиси шунчалик кучли эдики, етти йил бир неча кундай туюлди» (Ибитдо 29:20). Шундан сўнг, тез орада, америка жамиятчилигининг босими туфайли, бизнинг мамлакатда эълон қилинган умумий амнистия туфайли, мени озод қилишди.

Мен яна ўзимнинг рафиқам билан кўришдим. Бу ўн тўрт йил мобайнида у мени содиқлик билан кутди. Биз ўзимизнинг ҳаётимизни худди бошдан бошлагандек, жуда камбағалчиликда бошладик, чунки имони туфайли қамалганлардан хамма нарсаси тортиб олинган эди.

Хайдалган рухонийларга ва чўпонларга кичик жамоатларни бошқаришга рухсат берилди. Мени Орсова шаҳридаги жамоатга тайинлашди. Коммунистик ҳокимиятнинг диний ишлари бўйича бўлимида гилар менга айтишдики, жамоат ўттиз бешта аъзодан иборат ва улар ҳеч қачон ўттиз олтита бўлмаслиги керак, деб огохлантиришди! Менга яна шуни билдириб қўйишдики, бундан буён мен – уларнинг айғоқчисиман, шунинг учун мен энди жамоатнинг ҳар бир аъзоси ҳақида маҳфий полицияга хабар



бериб туришим ва ёшлар жамоат йигинларида иштирок этишига ўйл қўймаслигим керак эди. Мана қандай қилиб коммунистлар жамоатни одамларни назорат қилиш «куроли» сифатида ишлатишга муваффақ бўлишган.

Агар мен вазъ қилсам, кўплаб одамлар уни эшитиш учун келишини билардим. Шунинг учун мен ҳатто рўйхатдан ўтган, расмий жамоатда ишлашга хам ҳаракат қилмадим. Бунинг ўрнига мен яна бу меҳнатнинг барча жозибаси ва хавф ҳатарини ҳис қилган ҳолда, яширин жамоатда ишлаш учун қайтдим.

Мен хибсда бўлган йиллар давомида, Худо ажойиб тарзда бизнинг мамлакатда ишлади. Яширин жамоат бундан бўён унутилмади ва ўз тақдирiga ташлаб қўйилмади. Америкалик имонлилар ва бошқа давлатдаги масиҳийлар бизларга ёрдам бера бошлади ва биз учун ибодат қила бошлишди.

Бир куни мен пойтахтдан узокроқ шаҳардаги имонли биродаримнинг уйида дам олаётганимда, у мени уйғотди ва шундай хабар берди: «Чет элдан биродарлар келишди». Ғарбда бизни унумаган ва бизни ташлаб қўймаган масиҳийлар бор эди. Улар махфий равиша азоб чеккан масиҳий оиласаларни озод қилиш ишини ташкиллаштиришди, уларга масиҳий адабиётлар ва бошқа ёрдамлар олиб келишди.

Қўшни хонага чиққанимда, ёрдам олиб келган олтида биродаримни кўрдим. Улар билан гаплашиб шуни билдимки, улар бу ерда ўн тўрт йил қамоқда ўтирган одам тўхтаганини эшитишган ва у билан танишишни хоҳлашган. Мен айтдимки, ўша одам менман. Улар менга: «Биз бир ғамгин одамни кўрамиз деб кутгандик. Сиз, эҳтимол бошқа одам бўлсангиз керак, чунки сиз жуда хам хурсандчиликка тўласиз». Ўша одам мен эканлигимга ва менинг хурсандчилигим улар келганидан, улар бизни эсдан чиқармаганлигидан эканлигига, уларни ишонтирдим. Ўшандан бошлаб, яширин жамоатга доимий ёрдам кела бошлади. Махфий ўйллар орқали биз Муқаддас Китоб, бошқа масиҳий адабиётлар ва азоб чеккан масиҳий оиласалар учун ёрдам олардик. Энди, бу ёрдамлар туфайли, яширин жамоатнинг иши сезиларли даражада яхшиланди.

Улар нафақат бизни Худо Каломи билан таъминлашардилар, балки ўзларининг биродарлик севгисини амалда исботлашдилар. Улар бизни қўллаб-куватлашар эдилар. «Мияни тозалаш» йилларида биз доимо шуни эшитар эдик: «Сизларни хеч ким яхши кўрмайди, сизлар хеч кимга керак эмассизлар, сизларни хеч ким яхши кўрмайди, сизлар хеч кимга керак эмассизлар!». Энди биз кўрдикки, қандай қилиб американлик ва англиялик масиҳийлар ўзларининг ҳаётларини хавф остига қўйган ҳолда, ўз севгисини бизга исбот қилишдилар. Кейинчалик биз уларга, махфий полиция билан куршаб олинган уйларга сездирмасдан яқинлашишнинг, яширин йўлларини ишлаб чиқишда ёрдамлашдик.

Муқаддас Китобларда «чўмилаётган» американлик ва англиялик масиҳийларга, мана шундай тарзда олиб кирилган Муқаддас Каломнинг қадрини тушуниш кийин эди.

Коммунистик мамлакатлардаги худди кўплаб бошқа яширин жамоат чўпонларининг ва азоб чеккан аъзоларининг оиласлари каби, менинг оиласам ҳам чет элдан олинган ёрдамсиз ва уларнинг ибодатларисиз тирик қолмаган бўларди. Мен ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқсан ҳолда, шуни айтишим мумкинки, эркин мамлакатлардаги мана шу мақсадда очилган, масиҳий жамоатлар томонидан бизга ажратилган моддий ёрдам ва айниқса – маънавий ёрдамнинг аҳамияти жуда катта эди. Бу имонлилар биз учун Худо томонидан бизга юборилган фаришталардек эди!

Яширин жамоатда фаол иш олиб борганим туфайли, менга яна қамоқقا тушиш хавф сола бошлади. Бу сафар иккита масиҳий ташкилот, Норвегиянинг яхудийларга ёрдам бериш ташкилоти ва Яхудий масиҳий уюшма, коммунистик ҳокимиятга мени озод қилиш учун ўн минг доллар миқдорида пул тўладилар. Бу эса сиёсий маҳбусларга тўланадиган пулдан беш марта кўпроқ эди. Энди мен Руминиядан чиқиб кетишими мумкин эди.

## **Нима учун мен коммунистик Руминияни тарқ этдим.**

Агар яширин жамоатнинг раҳбарлари, менга эркин мамлакатларда яширин жамоатнинг «овози» бўлиш учун,

мамлакатдан чиқиб кетиш имкониятидан фойдаланишга буйруқ бермаганида, хавф-хатарга қарамасдан, мен ҳеч қачон Руминияни тарк этмас эдим. Улар менга уларнинг номидан сизларга, эркин мамлакатларнинг фуқароларига ўзларининг қийинчиликлари ва мухтожликлари ҳақида айтиб бериш вазифасини топширдилар. Мен Ғарбга кўчиб ўтдим, лекин менинг юрагим ҳар доим улар билан бирга. Уларнинг қийинчиликлари ва яширин жамоат олиб бораётган қўрқувсиз ишлари ҳақида сизлар билишларингиз учун зарурият борлигини ҳис қилмаганимда, мен ҳеч қачон Руминияни тарк этмаган бўлардим. Менинг вазифам айнан мана шундан иборат.

Руминияни тарк этишимдан олдин, икки марта махфий полициядан телефон қилишди. Улар мен учун пул олишгани ҳақида хабар беришди. (Коммунизм бизнинг мамлакатга олиб келган иқтисодий инкиroz туфайли, Руминия ўзининг фуқароларини пул эвазига сотаяпти.) Менга «Ғарбга бор ва ўша ерда қанча хоҳласанг шунча Масихни тарғиб қиласвер, аммо биз ҳақимизда ҳеч нарса айтма! Биз ҳақимизда битта сўз ҳам айтма! Агар сен бизга қулоқ солмасанг, нима юз бериши ҳақида, биз сени очиқдан очиқ огоҳлантираяпмиз. Биринчидан биз минг долларга сени ўлдириши мумкин бўлган одамни (киллernerni) ёнлашимиз мумкин. Ёки биз сени ўғирлаб кетамиз» – деб айтишди. (Мен Австралиядан ўғирлаб, Руминияга олиб келинган проваслав нозири Василе Леул билан битта камерада ўтиредим. Унинг ҳамма тирноқлари юлиб олинган эди. Руминлар Берлиндан, ҳатто Рим ва Париждан ўғирлаб келишарди). «Сенинг ёшлигингдаги аёллар билан алоқаларинг, ўғирликларинг ёки бошқа гуноҳларинг ҳақида миш-мишлар тарқатган ҳолда, биз сени маънавий ҳам йўқ қилишимиз мумкин – дея қўрқитишни давом эттиришди. Ғарбда, айниқса Америкада, одамлар хаддан зиёд ишонувчан».

Мени қўрқитиб, Ғарбга кетиш учун менга рухсат беришди. Мен ҳам бир пайтлар бошимдан кечирган, «мияни тозалаш» нинг самарадорлигига, махфий полиция жуда катта умидлар қўйған эди. Бугунги кунда Ғарбда бундай нарсаларни бошдан кечирганлар оз эмас, аммо улар сукут сақлаш йўлини танладилар. Бу одамларнинг

баъзилар, коммунистларнинг азобларини бошдан кечирган ҳолда, ҳатто коммунизмни кўкларга қўтаришар эди. Коммунистлар мени ҳам жим бўлишимга ишонишарди.

1965 йил декабрь ойида бизнинг оиласиз чиқиб кетиш учун рухсат олди.

Йўлга чиқишдан олдин, мени қўлга олишга буйруқ берган ва у туфайли азобли йилларни бошимдан кечиришга тўғри келган, полковникнинг қабрига бордим. Мен унинг қабрига гул қўйдим. Мен буни қила туриб, ўзимни руҳан ўлик бўлган коммунистларга нажот хурсандчилигини етказишга қарор қилдим.

Мен коммунистик тузумни ёмон кўраман, лекин мен одамларни яхши кўраман. Мен гунохни ёмон кўраман, лекин гунохкорларни яхши кўраман. Мен бутун юрагим билан коммунистларни севаман. Коммунистлар масиҳийларни ўлдиришлари мумкин, лекин улар масиҳийлардаги севгини, ҳатто ўлдираётган одамларга нисбатан бўлган севгини ҳам ўлдира олмайдилар. Менда умуман коммунистларга нисбатан, жаллодларга нисбатан ҳам ҳеч қандай аччиқлик ёки ғазаб йўқ.

## Коммунизмни Масиҳнинг севгиси билан енган ҳолда

Яхудийларда шундай афсона мавжуд, қачон уларнинг ота-боболари мисрдан чиққанида, мисрликлар эса Қора денгизда чўкиб кетганида, фаришталар истроилликларнинг хурсандчиликдаги қўшиклирига қўшилишган. Ва шунда Худо фаришталарга шундай деди: «Истроилликлар – одамлар, улар ўзларининг озодлиги учун хурсанд бўлишлари мумкин. Сизлардан эса бундан каттароқ нарса кутган эдим. Наҳотки мисрликлар – Менинг ижодим эмас? Наҳотки, мен уларни севмасам? Нима учун сизлар уларнинг қайғули тақдири хақида гам чекмайсизлар?»

Ёшua китоби 5:13чи оятда шундай ёзилган: «Бир куни Ёшua Ериҳо шахрининг яқинида турганда қараса, ўзининг қаршисида қилич ушлаган бир киши турибди. Ёшua унинг олдига бориб: “Сен бизникимисан ёки душман тарафдамисан?” — деб сўради»

Агар Ёшua учратган одам, оддийгина одам бўлганида эди, у «Мен – сизникиман» ёки «Сизнинг душманларингизникиман», ёки ҳатто «Мен – ҳеч кимни эмасман» деб жавоб берган бўларди. Мана бу ушбу саволга нисбатан инсонайӣ жавоб. Аммо Ёшua учратган мавжудот, Худо томонидан юборилган эди, шунинг учун бу саволга жавоб умуман кутилмаган ва тушунарсиз бўлди: «Йўқ». Бу «йўқ» нимани билдиради?

Бу мавжудот, ҳеч ким ҳеч кимга қарши бўлмаган, ҳамма нарсани тушунадиган ва ҳамма нарса тушунарли бўлган, ҳаммага раҳм-шавқат ва ҳамдарлик билан қарайдиган, ҳаммани қаттиқ севадиган жойдан келган эди.

Инсоний даражада коммунизм билан курашиш керак. Бу даражада биз коммунистларга қарши, ҳамда бу даҳшатли, ноинсоний ғояларни тарғиб қилаётгандарга қарши курашишимиз керак.

Аммо масихийлар – оддийгина одамлар эмас, улар – Худонинг фарзандлари, Унинг муқаддаслигининг иштирокчилари. Шунинг учун, мен томонимдан коммунистик қамоқхоналарда бошимдан кечиргандарим, коммунистларни ёмон кўриб қолишга мажбур қила олмади. Улар ҳам Худонинг ижодидир, мен уларни ёмон кўриш учун қандай ҳуқуқим бор? Шундай бўлса ҳамки, мен уларнинг дўсти бўла олмайман. Дўстлик рухан бирликни англатади. Мен эса коммунистлар билан бир бўлишни хоҳламайман. Улар Худо билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани ёмон кўришади. Мен эса Худони яхши кўраман.

Агар мендан: «Сен коммунистлар томондамисан ёки уларга қарши?» – деб сўрасалар, менинг жавобим бир маъноли бўлмаган бўларди. Коммунизм – инсоният учун энг катта таҳдидлардан бири. Мен унга бутунлай қаршиман ва унинг устидан тўлиқ ғалаба қозонгунча курашишга тайёрман. Аммо рухан мен осмонда Исо билан биргаман, у ерда бундай саволга «йўқ» дея, жавоб беришади. У ерда коммунистларнинг барча жиноятларига қарамасдан, уларни тушунишади ва севишиди, у ерда фаришталар ҳаммага инсоний ҳаётнинг энг олий мақсадига эришишга, яъни Масихга ўхшаш бўлишга, ёрдам беришади. Шунинг учун менинг мақсадим – коммунистларни яхши кўрадиган, менинг Раббим, Исо Масих ҳақидаги Эзгу Хабарни уларга айтиб бериш ва коммунистлар орасида хушхабарни тарғиб қилишдан иборат. Унинг Ўзи ҳар бир инсонни севишини ва ҳатто фақатгина битта йўлдан адашган кўй ҳалок бўлмаслиги учун, тўқсон тўққизта солиҳ қўйни қолдириб, уни излашини айтган. Ҳамма ҳаворийлар, худди масихийликдаги барча кўзга кўринган ўқитувчилар каби, ҳар бир одамга нисбатан бўлган Унинг севгиси ҳақида ўргатишган. Муқаддас Макарий шундай деган: «Агар инсон ҳамма одамларни чин дилдан яхши кўрса, лекин фақатгина биттасини сева олмаслигини айтса, бу гапни айтган одам – бошқа масихий эмасдир, чунки унинг

севгиси – кенг қамровли севги эмас». Муқаддас Августин шундай ўргатган: «Агар ҳамма инсоният солиҳ бўлсаю, лекин битта одам гуноҳкор бўлса, Масих барибир ўша битта одам учун хочга михланиш учун келган бўларди, чунки У ҳар бир одамни алоҳида алоҳида яхши кўради. Масихий таълимот тушунарли таълимотdir. Коммунистлар –улар одамлар ва Масих уларни севади. Ҳар бир Масихнинг фикрига эга бўлган одам шундай ўйлаши керак. Биз гуноҳни ёмон кўрсакда, гуноҳкорни яхши кўрамиз».

Биз ўзимизнинг коммунистларга нисбатан бўлган севгимиз орқали, Масихнинг уларга нисбатан бўлган севгиси ҳақида биламиз.

Мен коммунистик қамоқхоналарда, оёкларида 25 килограммли занжир, қиздирилган дазмол билан азобланган, томогига бир ховуч туз қуиб, кейин сувсиз ушлаб турилган, совуқда оч, дўпосланган ҳолдаги масихийларни кўрдим ва улар ўзларининг жаллодлари учун ибодат қилас эди. Бу – инсоний севги эмас! Бу – уларнинг юраклари тўла бўлган, Масихнинг севгисидир.

Кўпинча бизларга азоб берган коммунистлар, ўзлари қамоқхоналарга тушишарди. Коммунизм давридаги коммунистлар, ҳатто катта мансабларга эга бўлганлари ҳам, худди уларнинг кўлида жабр кўрган одамлар қанчалик кўп қамоққа тушган бўлса, шунчалик тез улар ҳам қамоқхоналарга тушишарди. Ва улар бир камерага тушиб қолишарди. Агар имонсиз маҳбуслар, ўзларининг собиқ азоб берувчиларига нисбатан нафрат билан қарашган ва уларни хўрлашган бўлса, масихийлар ўзлари дўппосланиши ва коммунистлар билан ҳамкорликда айбланиш хавфи остида, уларнинг ҳимоячиларига айланарди. Мен ўзим, қандай қилиб масихийлар ўзларининг хаётини кутқариши мумкин бўлган охирги бўлак нонини (бизга ҳафтада бир бўлак нон беришарди) ва дори-дармонини, эндилиқда ўзи ҳам маҳбусга айланган, собиқ жаллодларига беришганига гувоҳ бўлганман.

Мана қамоқхонада ўлган масихий ва собиқ Руминиянинг бош вазири Юлиу Маниунинг охирги сўзлари:

«Агар бизнинг мамлакатимизда коммунизмни ағдариб ташлашганида эди, ҳар бир масихийнинг муқаддас бурчи, кўчага

чикиб ва ўз ҳаётини хавф остига қўйган ҳолда, коммунистларни улар азоб берган миллионлаб одамларнинг ғазабидан ҳимоя қилиш бўлган бўларди».

Мен эндиғина имонга келган кунларимда, мен яшашда давом эта олмасам керакдек туюларди. Мен кўчада юрганимда, менинг ёнимдан ўтган ҳар бир эркак ёки аёлга нисбатан жисмоний оғриқ сезар эдим Бу худди юракка қадалган пичоқ каби эди. Менга бир нарса азоб берарди: «у эркак ёки аёл нажотга эгами?». Агар жамоат аъзоси гуноҳ қилса, мен соатлаб йиғлардим. Менинг юрагимдаги ҳар бир жонни кутқаришга интилиш коммунистларга нисбатан ҳам эди – улар бундан мустасно эмас эдилар.

Бир кишилик камерада биз олдингидек ибодат қила олмасдик. Биз ҳаддан зиёд оч эдик; биз худди жиннилардек ўзимизни тутгинимизча, бизга наркотиклар беришардилар. Биз жуда заиф ва қуруқ суяқ бўлиб қолган эдик. Ҳатто Раббимизнинг ибодати ҳам биз учун жуда узундек туюларди – энди биз узоқ вакт дикқатимизни бир жойга қўя олмасдик. Менинг яна ва яна қайтарадиган ягона ибодатим ушбу сўзлар эди: «Исо, мен Сени севаман!»

Бир куни мен **Масихдан** жавоб олдим: «Сен мени яхши кўрасанми? Энди Мен сенга қанчалик сени яхши кўришимни кўрсатаман». Ўша захотиёқ, мен худди олов менинг юрагимни куйдириб юборгандек хис қилдим. Исо Ёммаус (ушбу шахар номи МКда шундай ёзилган) йўлида ўз шогирдлари билан гаплашганида, уларнинг юраклари оловланган эди. Худди шундай ҳолат мен билан ҳам юз берган эди. Мен ҳар биримиз учун хочда Ўзининг ҳаётини берган Кишининг севгисини таниб билдим. Бундай севги, коммунистлар қилган гуноҳлари туфайли, келтирилган азбларга қарамасдан, уларни бу севгидан ажратадилмайди.

Коммунистлар жуда даҳшатли нарсалар қилишган ва қилишмоқда, лекин «севги худди ўлим каби барқарордир; у худди жаҳаннамдек... Катта ҳажмдаги суввлар севгини ўчира олмас ва ҳатто дарёлар уни тўлдира олмас» (Қўшиқлар Қўшиғи 8:6-7). Худди камбағал ва бойлар ҳам, ёш ва қари ҳам, барча

ирқ, миллат ва сиёсий қарашлар вакиллари ҳам, мұқаддаслар ва гунохлорлар ҳам бирдек қабрга кирганидек, севги ҳам ҳаммага бирдек тегишилдири. Масиҳ – танада ерга келган Севги – ҳамма одамларнинг, жумладан коммунистларнинг ҳам Үнга келишини хоҳлайди.

Қаттиқ калтакланган хизматчини бизнинг камерага ташладилар. У ярим жон холатида эди, унинг юзидан ва бутун танасидан қон օқарди. Биз яраларини ювдик. Кимdir коммунистларни лаънатлай бошлади. Зўрга эшитиладиган овоз билан у шивирлаб, шундай деди: «Илтимос, уларни лаънатламанг! Жим бўлинг! Мен улар учун ибодат қўлмоқчиман».

## **Қандай қилиб биз ҳатто қамоқхонада ҳам хурсанд бўлишимиз мумкин эди**

Қамоқхонада ўтказган ўт тўрт йилга назар ташлаб, мен хурсандчиликли лаҳзаларни ҳам эсалайман. Бошқа маҳбусларни ва ҳатто қўриқчиларни, қандай қилиб масиҳийлар шундай даҳшатли шароитларда ҳам хурсанд бўла олиши жуда ҳайратлантиради. Ҳатто бунинг учун бизни қаттиқ дўппослашига қарамасдан, бизга қўшиқ айтишни ман қилиша олмасдилар. Менинг назаримда булбуллар ҳам, уларни ўлдиришини билса ҳам, барибир куйлашарди. Масиҳийлар қамоқхоналарда хурсандчиликдан рақсга тушишардилар. Қандай қилиб улар бундай қайгули шароитларда ҳам хурсанд бўлишлари мумкин эди?

Қамоқхонада мен Исонинг ўз шогирдларига қаратса айтган сўзлари устида кўп фикрлар эдим: «Сизлар кўраётган нарсаларни кўриб турган кўзлар саодатлидир!» (Луқо 10:23). Бу шогирдлар эндингина, Фаластиндан даҳшатли нарсаларни кўриб келишган эди. Фаластин жабр-зулм остида яшаётган эди. Ҳамма жойда камбагалчилик ва қайғу ҳукрон эди. Шогирдлар касалликлар, очлик ва азоблар билан дуч келган эди. Улар, рафиқаси ва болалари қаровсиз қолдирилиб, қамоқхоналарга олиб кетилган одамларнинг ўйларида бўлган эдилар. Бунга қараш жуда қийин эди.

Аммо Исо шундай айтган: «Сизлар кўраётган нарсаларни кўриб турган кўзлар саодатлидир!» Бу шунинг учун эдики, улар нафақат азобларни кўришган. Улар шунингдек Кутқарувчини ҳам кўришган. Ва биринчи марта кичкина арзимас бир қурт шуни тушуниб етдики, бундай аянчли хаётдан кейин ажойиб бир чиройли, гулдан гулга парвоз қилиб юрадиган, капалакнинг хаёти бошланади. Худди шу нарса биз билан ҳам юз берди.

Ҳамма томондан бизни «Аюблар» ўраб олди, айримлари Аюбдан кўпроқ, бошқалари эса камроқ азоб чеккан эди. Бироқ биз ҳаммамиз унинг тарихи якунини билардик. У охирида, бошида эга бўлган нарсадан кўпроқ нарсага эга бўлди. Бизнинг атрофимизда камбағал, оч ва қўтирия яра босган «Лазарлар» ҳам бор эди. Аммо фаришталар бу одамларни Иброхим отанинг ёнига қабул қилишини мен билардим. Мен уларга, худди улар аллақачон келажакдагидек қарап эдим. Менинг ёнимда яшаган, бу тапталган, ифлос, заиф азоб чекканларда, мен эртанги кундаги ажойиб, тож кийдирлган муқаддасларни кўрардим.

Бу одамларни ҳозирда ким эканлигини кўриб эмас, балки келажакда ким бўлишларини кўриб, бизни қувгин қилаётган одамларда Тарслик Шоулни, келажакдаги ҳаворий Павлусни кўрардим. Биз гувоҳлик берган, махфий полициядаги кўплаб зобитлар масиҳий бўлишдилар ва ўзларининг янги Кутқарувчиси учун хурсандчилик билан қамоқ азобларини бошдан кечирдилар. Худди Павлусни дўппослашгани каби, бизни ҳам дўппослашганига қарамасдан, ўзларимизнинг кўриқчиларимизда Худога ишонган Филиппилик кўриқчини кўрардик. Тез орада улар биздан: «Нажот топишим учун мен нима қилишим керак?» – деб, сўрашини орзу қиласдик. Хочга боғлаб ва ўзларининг чиқиндилари билан булғаб, масиҳийлар устидан мазах қилган одамларда, биз ўзлари қилган гунохидан кўрқиб, кўкракларига уришга тайёр бўлган Гўлгота оломонини кўрардик.

Айнан қамоқхонада, коммунистлар нажот топиши учун бизда умид пайдо бўлди. Айнан улар томонидан келтирилган азоблар, бизга уларни севишни ўргатди.

Менинг кўпчилик қариндошларим вафот этишидилар. Аммо менинг уйимда уларни ўлдирган одам Худони таниб билди. Бунинг учун бунданда кўра, лойикроқ жойни топиш қийин бўларди. Шунинг учун айнан коммунистик қамоқхоналарда, коммунистлар учун масиҳий ташколотлар фояси пайдо бўлди.

Худо ҳамма нарсани биздан кўра бошқачароқ кўради, шунингдек биз ҳам ҳамма нарсани ҳашоратлардан кўра бошқачароқ кўрамиз. Инсоний нуқтаи назардан, хочга боғлаб қўйишлиқ ва устингга ўз ахлатларини чиқаришиб булғашлари жуда даҳшатли. Шундай бўлсада, Муқаддас Китоб муқаддасларнинг азобларини «азобларнинг нури» деб атайди. Ўн тўрт йиллик қамоқ – мен учун етарлича узок давр Муқаддас Китоб эса буни «арзимас қайғу» деб атайди ва у «биз учун ҳаддан ташкари ажиб, катта ва абадий улуғворлик ҳосил қиласи» дея ишонтиради (2-Коринфликларга 4:17). Бу эса коммунистларнинг қилган оғир жиноятлари, Худонинг кўз ўнгида бизнинг жиноятларимиздан кўра енгилроқ деб тахмин қилишга имкон беради. Уларнинг деярли бир аср давом этган золимлиги, минг йил худди бир кундек бўлган Худо учун фақатгина бир лаҳзалик йўлдан адашишдир. Уларда ҳар доим нажот топиш учун имконият бор.

Осмон дарвозалари коммунистлар учун ёпилмаган. Шунингдек, улар учун ҳали умид чироқлари ҳам ўчгани йўқ. Улар ҳам ихтиёрий бошқа одамлардек тавба қилишлари мумкин. Бизнинг вазифамиз эса – уларни тавбага чақиришдир.

Коммунистни ва террорчини фақатгина севги ўзгартириши мумкин (бу севгини, кўплаб жамоат етакчилари тажриба қиласиган, масиҳга хос бўлмаган фалсафа билан уйғунлашиб кетган севгидан аниқ ажратиш керак). Нафрат кўр қиласи. Гитлар ҳам коммунистларга қарши бўлган, лекин уни нафрат бошқарган. Шунинг учун, уларни эгаллаш ўрнига, у уларга дунёning учдан бир қисмини эгаллашга ёрдам берди.


Қамоқхонада биз коммунистларни орасида севги билан ишлаш учун, элчилик қилиш ишини режалаштиридик. Ва биринчи навбатда биз коммунист раҳбарлар хақида ўйладик.

Айрим ташкилотларнинг раҳбарлари, менинг назаримда умуман жамоат тарихини ўрганишмайдилар. Норвегия Масих учун қандай эгалланган эди? Қирол Олафнинг имонга келиши орқали. Киев Руси ҳам княз Владимирнинг имонга келиши туфайли Хушхабарга эга бўлган. Хушхабар Венгрияни ҳам, уларнинг қироли Стефан имонга келиши орқали эгаллади. Польша ҳам худди шундай. Африкада қабила бошлиқларининг имонга келиши орқали бутун қабила имонга келган.

Шунинг учун биз хукмдорларни, сиёсий арбобларни, иқтисодчиларни, олимларни, санъат арбобларини эгаллашимиз керак эди. Айнан улар бошқа одамларнинг ақлига ва юрагига таъсир кўрсатишар эди. Уларни имонга олиб келсак, уларнинг орқасидан эргашаётганларни ҳам имонга олиб келган бўлардик.

Элчилик нуктаи назаридан, коммунизм бошқа марказлашган тизимлар олдида ўз устунлигига эга эди. Агар Америка Қўшма Штатларининг президенти мормон бўлса, бу туфайли бутун Америка мормон бўлмас эди. Бироқ коммунистик ҳукуматнинг раҳбарлари масиҳий бўлса, бутун мамлакат масиҳий мамлакатга айланарди. Коммунистик раҳбарларнинг таъсири шунчалик катта эди.

Бу раҳбариятни имонга олиб келиш мумкинми? Албатта, чунки улар ҳам уларнинг қўлидаги жабр дийдалари каби эртанги кунига ишончи йўқ ва баҳтсиз кишилардирлар. Россиянинг деярли барча коммунистик раҳбарлари ўз ҳаётини ёки қамоқхоналарда яқунлаган, ёки бўлмаса ўз сафдошлари томонидан ўлдирилган. Хитойда ҳам худди шундай бўлган. Ҳатто чегарасиз ҳокимиятга эгадек туюлган Ягода, Ежов, Берия каби ташқи ишлар вазирлари ҳам, худди охирги контролреволюциячилар каби – пешонасидан ўқ еган ҳолда, ўз ҳаётларига яқун ясаган. Совет Иттифоқи давлат хавфсизлиги қўмитаси раиси Шелепин ва Югославия давлат хавфсизлиги қўмитаси раиси Ранковичларни, худди ифлос кийим-кечакдек ирғитиб юборишган.



## Қандай қилиб коммунизмга қарши руҳий зарба бериш

Коммунистик режим ҳеч кимни, ҳатто ўз издошларини ҳам баҳтли қилмайди. Партияning сиёсати ўзгаргани учун, уларни олиб кетиб қолишларидан кўрқиб, ҳатто кечалари ҳам титрашадилар.

Мен коммунистик партияning раҳбарларини яхши биламан. Улар юракларида оғир юқ билан яшашадилар ва уларга факатгина Исо тинчлик бериши мумкин.

Коммунистик сиёсий арбобларни Масихга олиб келиш, бу дунёни ядро хавфидан, одамзодни эса очликдан қутқаришни англашиб мумкин, чунки улар қимматбаҳо янги қуролларга жуда кўп микдорда моддий маблағ сарфлайдилар. Коммунистларни Масихга олиб келиш, «совуқ урушга» барҳам беришни англалади. Бу эса Масихнинг ва фаришталарнинг хурсандчиликка тўлишини англалади. Худонинг хизматкорлари зўр бериб хизмат қилаётган, Янги Гвинея ва Мадагаскар каби, кўплаб бошқа элчилик қилинаётган жойлар, масихийликни фақатгина коммунистлар қабул қилгани учун қабул қилишлари мумкин.

Мен ўзим шахсан имонга келган коммунистларни биламан. Ёшлиқ даврларимда менинг ўзим жанговор атеист бўлганман. Имонга келган коммунистлар ва атеистлар Масихни кўпроқ яхши кўрадилар, чунки улар Унга қарши кўпроқ гуноҳ қилганлар.

Элчилик ишида стратегик фикрлаш жуда зарур. Нажот топиш нуқтаи назаридан ҳамма жон бир хилдир, элчилик нуқтаи назаридан эса улар бир хил эмаслар. Масихга ўрмонда яшайдиган ёввойи одамни олиб келгандан кўра, атрофдагиларга кўпроқ таъсир кўрсата оладиган, ҳокимиятга эга одамни олиб келиш анча афзалроқдир, чунки вақт ўтиши билан у минглаб одамларни имонга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Исо ўз хизмати охирини кичкина бир шаҳарчада эмас, дунёнинг руҳий маркази бўлган Қуддусда ўтказишга қарор қилди. Худди шундай мақсад билан ҳаворий Павлус ҳам Римга интилган.

Мұқаддас Китобда, хотиннинг уруғи илоннинг бошини эзиб ташлайди, деб ёзилган (Ибитдо 3:15). Биз эса уни кулдириш учун, корнидангина қитиқлаймиз. Ҳозирда илон Хитой, Шимолий Корея,

Ветнам ва Лаосда судралиб юришда давом этмоқда. Яқин Шарқда эса ўз худудида жамоатлар мавжуд бўлиши тақиқланган халқлар яшайди. Зулм чекаётган миллатларнинг бундай оғир шароитига нисбатан, жамоат раҳбарлари, масиҳий ташкилотлар раҳбарияти ва ҳар битта онгли масиҳий қарши чиқиши керак.

Биз мұхим бўлмаган машгулотлардан воз кечишимиз керак. Чунки шундай ёзилган: «Худованднинг ишини бепарволик билан қылган киши лаънатидир» (Еремиә 48:10). Жамоат зулм чекаётган халқларнинг истеҳкомига нисбатан тўппа-тўғри руҳий зарба бериши керак. Жангчилар химоя қилиш стратегияси туфайли эмас, балки хужум қилиш стратегияси туфайлигина ғалаба қозонадилар.

Забур 106:16чи оятда Худо «бронза дарвазаларни синдирап, темир тамбаларни иккига бўлиб ташлар» – деб айтган. У учун «Темир парда» унчалик қийинчилик келтирмайди.

Илк жамоат ўз фаолиятини яширин тарзда ва қонундан ташқарида олиб борган ва зафар қозонган. Биз ҳам шундай ишлашга ўрганишимиз керак.

Коммунизм даври бошлангунга қадар, мен нима учун Янги Аҳддаги кўп одамлар лақабларга эга бўлишганини умуман тушунмас эдим: Симунни «қорача», Юҳаннони – Марк ва х.к. деб аташган. Қарамлиқдаги давлатларда биз ҳали ҳам уларни ишлатамиз.

Олдинлари, нима учун Исо охирги кечликка таёргарлик кўриш учун, шогирдларига аниқ манзил бермасдан, лекин: «Шаҳарга боринглар, сизларга кўзада сув кўтариб кетаётган одам учрайди; унинг орқасидан боринглар» (Марк 14:13) деб айтганини ҳеч тушуна олмасдим. Энди эса тушунаман. Яширин жамоатнинг ишида биз ҳам шундай белгиларни ишлатамиз.

Илк жамоатнинг усуллари билан қуролланиб, биз жабр чеккан халқлар орасида самарали хизмат қилишимиз мумкин.

Аммо мен Гарбга келиб, жамоатнинг айрим раҳбарларида аллақачон коммунистик мамлакатларда элчилик ишини ташкил қилишга олиб келиши мумкин бўлган, коммунистларга нисбатан севги кўрмадим. Мен раҳмдил самарияликнинг Карл Маркс томонидан адашган жонларга нисбатан ҳамдардлигини кўрмадим,

уларда фақатгина коммунистлар билан дўст бўлиш истаги бор эди ҳалос.

Аслида одам «Имон рамзини» ўқий туриб, ўзи эълон қилган нарсага эмас, балки нима учун у жонини беришга таёр бўлса, ўшанга ишонади. Яширин жамоатдаги масиҳийлар ўз имонлари учун ўлишга тайёр эканлигини исботладилар. Бизнинг халқаро әлчилик ташколотларимиз, хозир ҳам қарамлика яшаётган, әлчилик хизмати учун қамоқ жазоси, қийнок ва ҳатто ўлим хавфи бўлган, халқлар орасида ишлашни давом эттираяпти. Мен нима ҳақида ёзаётганимни, ўз тажрибамдан биламан.

Шунинг учун мен коммунистлар билан дўстона муносабат ўрнатган, америка жамоатининг етакчиларидан, ўз имони учун ўлишга тайёрмисизлар? – дея сўраяпман. Ғарбдаги ўзларининг юкори мансабларидан кечиб ва Шарқда коммунистлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда, чўпон бўлишига нима халақит беради? Ҳали Ғарбдаги битта ҳам жамоатнинг раҳбари, ўз эътиқодини ишлари билан тасдиқлагани йўқ.

ИНсоний сўзлар одамларнинг бир-бирларини тушунишга муҳтожлик сезгани учун ва ўз хиссиётини ифодалаш учун пайдо бўлади. Ҳали Худонинг сирларини ва руҳийлик чўққисини тўла ифодалаб берадиган инсоний сўзлар мавжуд эмас. Худди шунингдек, шайтонга ҳос бағри тошликтининг чуқурлигини ифодалайдиган инсоний сўзлар ҳам мавжуд эмас. Тез орада фашистлар ўчоққа ташлайдиган одамнинг ҳолатини ёки боласи ўчоққа ташланаётган одамнинг хиссиётини сўз билан таърифлаш мумкинми?

Шунинг учун коммунистик мамлакатларда масиҳийлар бошдан кечирган ва кечираётган нарсаларни таърифлашга ҳаракат қилишнинг кераги ҳам йўқ.

Мен коммунизмни Руминияда ҳокимият тепасига олиб келган одам, Лукрециу Патрашчану билан бирга қамоқда бўлдим. Унинг сафдошлари унга кишанлар билан миннатдорчилек билдиришдилар. Ақли расо бўлган ҳолда уни руҳий касал беъморлар билан бирга руҳий касалликлар шифохонасига ётқизиши ва у то ақлини йўқотгунча ўша ерда қолди. Худди шундай нарсани, Руминия ташки ишлар вазири ва Руминия коммунистик партиянинг раҳбари

Анну Паукерни ҳам кутарди. Масихийлар билан ҳам худди шундай қилишдилар. Уларга нисбатан электрошок қўллашар ва эсини жойига келтирадиган кийимлар кийгизишар эдилар.

Дунёни Хитой кўчаларида юз бераётган нарсалар ҳайратга солди. Ҳеч ким Қизил армия террорга қўл ургани хақида шубҳаланмас эди. Энди хитой масихийлари билан қамоқхоналарда, ҳеч ким кўрмаганида, нима юз бераётганини бир тасавур қилиб кўринг! Бир машҳур хитойлик ёзувчи – хушхабарчи ва бошқа масихийлар ўз имонларидан воз кечмаганларида, жаллодлар уларнинг кулоқ, тил ва оёқларини кесиб ташлаганлар. Ҳозиргача хитой қамоқхоналарида масихийлар ўтиришибди.


Аммо қийноқ ва ўлим – коммунистлар қилган ёвузиликлар ичida энг ёмони эмас. Улар одамларнинг фикрларини қалбакилаштиришади, ёшлар ва болаларни заҳарлашадилар. Улар ўзларининг одамларини, масихийларнинг имонига таъсир кўрсатадиган ва жамоатни ичидан барбод қилишга имкон берадиган жойларга тайинлашган. Улар ёшларни Худога ва Масихга ишонмасликка, уларни ёмон кўришга ўргатадилар.

Кўп йилларини қамоқхонда ўтказиб, уйларига қайтгандан кейин, болалари жангавор атеистларга айланганини кўрган, азоб чеккан масихийларнинг кулфатларини қандай сўзлар билан ифодалаш мумкин?

Бу китоб нафақат сиёҳлар билан, балки эзилган юракларнинг қони билан ҳам ёзилган.

Худди Дониёр пайғамбарнинг китобида учта ёш йигитларни ўтга ташлашганида, кейин эса улардан ҳатто ёнган нарсанинг ҳиди ҳам келмаганидек, коммунистик қамоқхоналарда ўтириб чиққан масихийлардан, коммунистларга нисбатан нафратнинг ҳиди келмасди.

Агар гулни оёқларингиз билан эзиб ташласангиз, у сизга ўз ҳидини совға қиласди. Худди шунингдек, коммунистлар томонидан қийналган масихийлар, ўз жаллодларига севги совға қиласдилар. Айнан мана шу севги туфайли, Масихни таниб билган назоратчилар оз эмас. Бизни биргина истак қамраб олган: бизларни қийналишга



мажбур қилган коммунистларга, ўзимида бор бўлган энг яхши нарса – Раббимиз Исо Масихнинг нажотини бериш.

Менинг имоним бўйича биродарларим эга бўлган шарафга, яъни қамоқхонада азобли ўлим кўриш шарафига мен муюссар бўла олмадим. Мени озод қилишдилар ва ҳатто Руминияни колдириб, Фарбга кетишга руҳсат бердилар.

Мен Фарбдаги кўплаб жамоат раҳбарларида, «темир» ва «бамбук» парда ортидаги яширин жамоатга хос бўлган нарсани бутунлай тескарисини кўрдим. Фарбдаги кўплаб масиҳийлар қарамлиқдаги халқларга нисбатан севгига эга эмаслар. Бунга исбот шуки, улар бу халқларни имонга олиб келиш учун ҳеч нарса қилмаяптилар. Улар одамларни битта конфэссиядан бошқасига оғдириб олиш учун, бутун бир ташкилотни ташкил қилишдилар. Аммо улар қарамлиқдаги халқларни имонга олиб келувчи вазифага, мақсадга эга эмаслар. Буни улар шу билан оқлайдиларки, бу «ноқонуний» иш бўлган бўларди. Улар оддийгина қилиб, айтганда бу халқларни севмайдилар. Акс ҳолда улар вазифаси бир қарашда бажариб бўлмайдиган, аммо аслида бундай бўлмаган, ташкилотни ташкил қилган бўлардилар. Мисол учун, индейцларни яхши кўрган Уильям Кэри ёки хитойликлар билан ишлаган Хадсон Тейлорга ўхшаб.

Бироқ улар нафақат бу қарамлиқдаги халқларни севишмайдилар, балки уларнинг Исога келиши учун ҳеч нарса қилишмайдилар ҳам. Ўзларининг бепарволиги ва бефарқлиги туфайли айрим гарб жамоатининг етакчилари, имонсизларни ўз имонсизликларида қўллаб-куватлайдилар, айрим ҳолларда эса уларнинг ҳамкорлари сифатида чиқишдилар. Улар коммунистларга гарб жамоатларига кириб олишга ва дунё жамоатларида раҳбарлик лавозимларини олишга ёрдамлашдилар. Улар масиҳийларга коммунизмнинг ҳавфхатари масаласида билимсиз бўлиб қолишига ёрдамлашдилар.

Коммунистларни ва бошқа золимлик қилувчиларни севмаган ҳолда, уларни Масихга келтириш учун ҳеч нарса қилмаган ҳолда (худдики илк масиҳийлар Хушхабарни тарқатиш учун Нерондан руҳсат сўрагандек, бунга уларнинг ҳақлари йўқ дея ўзларини оқлайдилар), гарб жамоатларининг раҳбарлари, агар ўз сурувини


бошқа мамлакатда юз бераётган рухий жангда иштирок этишдан ушлаб қолса, демак уларни ҳам севмайдилар.

## Тарихнинг ўргатган дарслариға берфарқлиқ

Биринчи аср мобайнида масиҳийлик Шимолий Африкада гуллаб яшнаган. Ўша ердан муқаддас Августин, Киприан, Афанасий ва Тертулианлар чиққишиган. Шимолий Африкадаги масиҳийлар ўзларининг фақат биттагина бурчига эътибор беришмаган, бу ҳам бўлса мусулмонларни Масихга келтириш. Бунинг оқибатида, мусулмонлар Шимолий Африкани тўлдириб юборди ва қўп асрларга масиҳийликни йўқ қилишдилар. Шимолий Африка ҳозиргача мусулмонларга тегишли, масиҳий ташкилотлар (миссия)лар эса уни «имонга келмайдиганлар блоки» дея атайдилар. Келинглар тарих ўргатган дарслардан хулоса чиқарайлик!

Реформация даврида Гус, Лютер ва Кальвиннинг рухий интилишлари, Европа халқларининг интилиши билан мос тушди. Уларнинг ҳар иккаласи сиёсий ва иқтисодий зулм кўрсатувчи ҳокимият берилган рим папасининг зулмидан озод бўлишни хоҳлаган. Худди шунга ўҳшаб, ҳозир ҳам яширин жамоатнинг мақсади, эркин шароитда яшаётган барча халқларнинг мухим мақсади билан мос келади, яъни мақсад, Хушхабарни зулмкор режим вакиллари ва уларнинг қўлидан жабр кўрганлар орасида тарқатиш.

Кўпчилик зулмкор режимлар ядро қуролига эгалар; уларга нисбатан ҳарбий ҳужум қилиш – бу юз миллионлаб қурбонлар келтирувчи, учинчи жаҳон урушини бошлаш демақдир. «Мияни тозалаш» қурбонлари бўлган, кўплаб ғарб ҳукумати раҳбарлари, ҳатто дунёдаги тоталитар режимни ағдаришга интилмайдилар ҳам. Улар гиёхвандлик, босқинчилик, рак ва сил касалликлари йўқ бўлишини хоҳлайдилар, лекин улар коммунизм каби тизимни одамларга олиб келадиган, ёвузликни эсдан чиқаришдилар. Бунинг оқибатида босқинчилик, рак ва сил касалликларининг ҳаммасини биргаликда олганда ҳам, ундан кўпроқ одам бу ёвузликнинг қурбонларига айланишиди.



Совет ёзувчиси Илья Эренбург, агар Сталин ўз ҳаёти мобайнида ҳеч иш қилмасдан, фақатгина ўзининг бегуноҳ қурбонлари исмини ёзиш билан шуғулланса ҳам, бу ишни тугатиш учун унинг умри етмаган бўларди, деб ёзган. Коммунистик партияниң XX съездида Хрущев шундай деган: «Сталин минглаб ҳалол ва бегуноҳ коммунистларни йўқ қилди... XVII съездда сайланган, ЦК нинг бир юз ўттиз тўққиз аъзоси ва номзодларидан, тўқсон саккизтаси, яъни етмиш фоизи кейинчалик қўлга олинган ва отиб ташланган».

Энди эса бир тасаввур қилинг-а, у масиҳийлар билан нима иш қилган! Хрущев Сталиндан воз кечди, лекин унинг ишини давом эттириди. 1959 йилдан бошлаб Совет Иттифоқида, ўша пайтгача очик бўлган жамоатларнинг ярмиси ёпилиди.

Бизнинг давримизда Хитойда ёввойиларча муносабат, сталин давридагидан кўра, янада гуллаб яшнамокда. Очик жамоат ҳаёти бутунлай йўқ қилинди. Россия ва Руминияда яна қўлга олишлар бошланди. (Совет Иттифоқида коммунизм қулаганидан кейин, хукумат Россияда оммавий тарзда масиҳийлар қўлга олинганини тан олди).

Миллиард аҳолиси бор бўлган мамлакатда, қўрқув ва ёлғон ичида, бутун бир ёшларнинг авлоди, ғарбдаги ҳамма нарсага, айниқса масиҳийликка нисбатан нафрат билан тарбияланмокда.

Коммунистик Россияда, маҳаллий раҳбарлар ва полиция жамоат олдида туриб, болаларни унга киритмаслиги бу оддий ҳолга айланган эди. Жамоат эса келганларни ҳайдардилар. Шу тарзда, масиҳийликнинг келажақдаги нафратгўйлари синчковлик билан ва мунтазам равишда тарбияланган!

Ёвуз хукуматларни ўзгартириши мумкин бўлган, фақатгина битта куч мавжуд. Бу ўша маъжусий Рим империяси ўрнида, масиҳий давлат пайдо бўлишига олиб келган, ёввойи германларни ва викингларни масиҳийларга айлантирган, қонли инквизицияни тўхтатган кучdir. Бу куч – Хушхабар кучидир. Бу куч, зулм остида яшаётган халқлар орасида ишлаётган яширин жамоатга берилган.

Бу жамоатни қўллаб қувватлаш ва унга ёрдам бериш – бу нафақат бизнинг азоб чекаётган биродарлар билан бирлашишдир. Бу яна, бизнинг мамлакатиммиз ва сизнинг жамоатингиз учун

ҳаёт ёки ўлим масаласидир. Бу жамоатни қўллаб қувватлаш нафақат эркин масиҳийларнинг иши бўлиши керак, балки озодликдаги ҳокимиятларнинг сиёсати ҳам бўлиши керак. Яширин жамоат аллақачон коммунистик ҳокимиятнинг юқори лавозимли кишиларини Масихга олиб келган. Георге Георгиу-Деж, Руминиянинг бош вазири, ўз гуноҳларини эътироф этиб ва гуноҳли ҳаётидан воз кечгандан кейин имонли одам сифатида оламдан ўтди. Кўплаб зулм остида яшаётган мамлакатлардаги ҳукумат аъзолари орасида ҳам яширин масиҳийлар бор. Йиллар ўтиши билан уларнинг сони ошиб боради. Ушбу шароитдагина биз бу мамлакатларнинг ҳукумат сиёсати ҳақиқатдан ўзгаришига умид қилишимиз мумкин. Яъни Тито ва Гомулканинг келиши билан, ҳеч қандай ўзгаришсиз, ёвуз атеистик партия диктатураси олдингидек давом этиши эмас, балки масиҳийликка ва эркинликка юз бурушига умид қилишимиз мумкин.

Бунинг учун эса айнан ҳозир қулай имконият мавжуд.

Коммунизмга ишонувчилар ҳам, худди масиҳийлар ўз эътиқодига қандай самимий ишонсалар, шундай самимий ишонадилар. Шунинг учун ҳам ҳозир улар жуда чукур инқирозни бошдан кечирмоқдалар. Улар ҳақиқатдан, коммунизм халқлар ўртасида биродарликка олиб келишига ишонардилар. Энди улар кўраяптики, коммунистик мамлакатлар, мисол учун, Шарқий блокка кирувчи мамлакатлар, бўлиниб кетаяптилар.

Улар коммунизмнинг ерда жаннат яратишига чин дилдан ишонишган эдилар, бунинг акси сифатида эса улар осмондаги жаннатни бир хом ҳаёл деб аташардилар. Аммо энди улар очликни бошдан кечираяптилар. Буғдоини капиталистик мамлакатлардан сотиб оляяптилар. Дунёнинг энг яккаланиб қолган мамлакатларидан бири бўлган, Шимолий Кореяда айнан шундай нарса юз бермоқда. Ҳозирда Шимолий Корея тўлиқ жисмоний ўлим ёқасида турибди. Сув босиб кетиб, қишлоқ хўжалик экинларини йўқ қилди ва мамлакат озиқ-овқат заҳираларисиз қолди. Энди эса умидсизликдан Шимолий Корея дунёга ўз эшикларини қарсиллатиб оча бошлади ва дунё тиканли симлар орқасида нима яшириб қўйилганини кўра олди.

Коммунистлар ўз етакчиларига ишонган эдилар. Энди эса улар Сталин оммавий одам ўлдирувчи, Хрушчев эса – ахмоқ бўлганини билиб олдилар. Худди шундай нарса, уларнинг миллий қаҳрамонлари – Ракоши, Гере, Ана Паукерлар билан ҳам юз берди. Коммунистлар энди ўз етакчиларининг беайблигига ишонмайдилар. Улар худди католиклар папасиз қолгандек бўлиб қолишдилар.

Коммунистларнинг юракларида ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган бўшлиқ мавжуд. Уни фақатгина Масих тўлдириши мумкин. Инсониятнинг юраги, Худони излаш учун яратилган. Бу нарса коммунистлар учун ва бошқа зулм остида яшаётган ҳалқларнинг вакиллари учун ҳам ҳақиқатдир. Хушхабар уларни ўзгартиришга қодир бўлган, севиш кучига эга. Мен бу қандай юз беришига гувоҳ бўлганман. Мен бунинг имкони борлигини биламан.

Коммунистлар томонидан мазах ва қувгин қилинган масиҳийлар, шахсан ўзларига ва уларнинг оиласларига келтирилган азобларни унутишга ва кечиришга тайёрдирлар. Улар коммунистлар бошдан кечираётган инқизозни енгиб ўтиш учун ва Масихга томон йўлни кўрсатиш учун, ёрдам бериш ўйлида ҳамма нарсани қилишадилар. Аммо бу ишда улар бизнинг ёрдамилизга муҳтождирлар.

Масиҳий севги – кенг камровлидир. Масиҳийлар одам ажратишмайди. Исо, Худо қуёшли яхши ва ёмон одам устидан бирдек сочади, дея айтган. Худди шу нарсани масиҳий севгига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Коммунистлар ва дунёнинг бошқа зулмкор режимлари билан дўстлашиб келаётган, Гарбнинг масиҳий етакчилари, ўзларини Исонинг биз душманларимизни ҳам севишимиз керак деган таълимоти билан оклашга уринмоқдалар. Аммо Исо ҳеч қачон, ўз биродарларингизни унутиб, душманларингизни севинглар деб айтмаган.

Улар ўзларининг «севгисини» Масих ҳақида гувоҳлик бермасдан, қўллари масиҳийларнинг қонига булғанган кишилар билан еб-ичган ҳолда кўрсатмоқдалар. Аммо улар зулмкорлар томонидан жабр чекканларни унутиб қўйишган. Уларга нисбатан севги кўрсатишмаяптилар.

Бир неча ўн йиллар олдин, Германиядаги хушхабарчи ва католик жамоатлар оч қолганлар учун 125 миллион доллар йиғишган, америкалик масихийлар эса – анча күпроқ йиғишган.

Бизнинг атрофимизда оч қолган одамлар оз эмас, лекин мен азоб чеккан масихийдан кўра кўпроқ оч қолган ва ҳамма нарсасидан маҳрум бўлган одамни тасаввур қила олмайман. Айнан улар ҳаммадан кўра кўпроқ озод мамлакатларнинг ёрдамига ҳақлидир. Агар германиялик, британиялик, америкалик ва скандинавиялик жамоатлар мухтожларга ёрдам кўрсатиш учун пул йиғсалар, бу маблағ биринчи навбатда азоб чеккан масихийлар ва уларнинг оиласаларига йўналтирилиши керак.

Хозир шундай бўляяптими?

Мен масихийларни сотиб олиш мумкинлигини исботлаган, масихий ташкилотлар томонидан сотиб олинганман. Бироқ мен – Руминиядан сотиб олинган масихийлардан деярли ягонасиман. Ва мени сотиб олинишим ҳақидаги далил – бу Ғарбдаги масихий ташкилотларнинг, бошқа азоб чекканларга нисбатан бурчини бажармаганлиги ҳақидаги айбланишидир.

Илк масихийлар ўзларидан янги жамоат факат яхудийлар учунми ёки маъжусийлар учун ҳамми, дея сўраганлар. Улар ўзларининг саволига тўғри жавоб топишган. Озгина бошқачароқ кўринишида, бу савол яна йигирманчи асрда ўртага чиқди. Масихийлик – нафақат Ғарб учун. Масих нафақат Америкага, Англияга ва бошқа демократик давлатларга тегишилди. Масихни хочга михлашганида, Унинг битта кўли Ғарбга, бошқаси эса – Шарққа чўзилган эди. У нафақат яхудийларнинг, балки маъжусийларнинг, коммунистларнинг ва ғарб дунёсининг Шохи бўлишни хоҳлайди. Исо шундай деган: «Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб килинглар» (Марк 16:15).

У Ўз қонини ҳамма учун тўқди, шунинг учун Хушхабарни ҳамма эшлитиши ва Үнга ишониши керак.

Зулм чекаётган халқлар орасида Хушхабарни ваъз қилиш учун бизни нима уйготади? Масихга имон келтирсанларнинг севгига тўлалиги ва қувғинлари. Мен ҳеч қачон, ҳеч бир «илик»

rossиялик масиҳийни учратмадим. Собик ёш коммунистлар ва мусулмонлар фақатгина Масихнинг шогирдларига айланмоқдалар.

Масих бу одамларни севади ва уларга эркинлик бериши хоҳлайди. У барча гуноҳкорларни яхши кўради ва уларни гуноҳдан озод қилишга интилмоқда. Айrim гарб жамоатининг раҳбарлари бу ягона тўғри муносабатни бошқасига алмаштирилар, яъни масиҳийларни қувгин килувчиларга нисбатан лаганбардорлик қилишга ўтдилар. Уларга ўз ҳокимиютини сақлаб қолишга ёрдам берган ҳолда, улар ва уларнинг қўлидан жабр кўрганларнинг нажот топишига тўсқинлик қилган ҳолда, гуноҳкорларнинг кўнглини топишига ҳаракат қилишмоқдалар.

## **Озод бўлганимдан кейин мен нима ҳақида билиб олдим**

Қамоқхонадан озод бўлганимдан кейин, мен яна ўз рафиқам билан учрашдим ва у мендан келажакка нисбатан режаларим ҳақида сўради. Мен «Аслида рухан одамларга қўшилмасдан ҳаёт кечиришни хоҳлардим» – дея, жавоб бердим. Менинг рафиқам, менинг истагим билан рози эканлигини билдириди.

Ёшлигимда мен ҳаддан зиёд одамлар билан тез киришиб кетадиган бола эдим. Аммо қамоқхона ва айниқса кўп йиллар қамоқда ёлғиз камерада ўтиришим, мени ёлғизликка ўрганган, ўйчан кишига айлантириб қўйди. Юракдаги барча шамол-бўронлар аллақачон тинчланган эди. Мен ҳатто коммунизмга эътибор бермай қўйган эдим. Мен аллақачон Осмондаги Күёвнинг қучогида эдим. Мен бизни қийнаганлар учун ибодат қилдим ва уларни бутун юрагим билан севдим.

Менда озод бўлишим учун умид жуда кам эди. Вақти-вақти билан, агар мени озод қилиб қолишиша, нима қиласман деб ўйлардим. Мен ҳар доим пенсияга чиқиб, ўз ҳаётимни қаердадир бир чўлда Самовий Күёв билан биргаликда ўтказишни ҳавас қилардим.

Худо – бу «Ҳақиқатдир». Муқаддас Китоб – «ҳақиқат ҳақидаги ҳақиқатдир». Теология эса – бу «ҳақиқат ҳақидаги ҳақиқат ҳақидадир». Айrim пайтда масиҳийлар ҳақиқат ҳақидаги

ҳақиқатга эътиборини қаратиб, асл Ҳақиқатни йўқотиб қўйишади. Очлар, дўппосланганлар ва гиёхвандликка берилганлар билан банд бўлиб, биз Муқаддас Китоб ва Худо ҳақида ўрганишни унугиб кўйдик. Биз «ҳақиқат ҳақидаги ҳақиқат» ни эсдан чиқардик, лекин «Ҳақиқат»да яшадик. Шундай деб ёзилган: «...Чунки Инсон Ўғли сизлар ўйламаган соатда келиб қолади» (Матто 24:44). Биз бошқа фикрлай олмас эдик. Қийноқларнинг энг оғир пайтида, Инсон Ўғли бизларнинг ёнимизга келиб, қамоқхона деворларини нурга тўлдириб, мисоли бриллиантга ўхшаб чараклатиб юборарди. Азоб берувчилар биз учун шу ондаёқ биздан пастда, қаердадир жисмоний қатламда бўлиб қолардилар. Рухимиз Худовандда хурсанд бўларди. Биз бу хурсандчиликни, қирол саройига хам алмаштирган бўлардик.

Кимгadir ёки нимагадир қарши курашиш хоҳиши, хали ҳеч қачон менинг онгимдан шунчалик узоқда бўлмаган. Мен ҳеч бир урушда, ҳатто энг адолатли урушда ҳам қатнашишни хоҳламасдим. Бунинг ўрнига мен Масих учун ҳаёт маъбадларини куришни хоҳлардим. Мен қамоқхонани келажакда тинч-тотув ўиллар ўтказиш умидида тарк этдим.

Аммо менинг биринчи озод бўлган кунимдан бошлаб, коммунизмнинг қамоқхонада ўтказган ҳамма азобларимдан кўра, янада кўримсиз бўлган қирралари билан тўқнаш келдим. Бирин кетин мен ҳар хил жамоатнинг руҳонийлари ва чўпонларини учратса бошладим. Улар афсус ва надоматлар билан, ўз жамоати аъзолари ҳақида махфий полицияга маълумот бериб турганини тан олардилар. Мен улардан, қамалишдан хавфи бўлишдан қатъий назар, маълумот беришни тўхтатишга тайёрмисизлар дея, сўрадим. Ҳаммаси «йўқ» – дея, жавоб берардилар ва уларни ўз ҳаётлари учун бўлган қўркув ушлаб турмаганини тушуниришар эдилар. Улар менга, қамалгунимча мавжуд бўлмаган нарса ҳақида айтишдилар, яъни маълумот беришни тўхтатиш, жамоатни ёпишни билдирав эди.

Ҳар бир шаҳарда ҳукуматнинг вакили, махфий полиция агенти бор эди. Унинг вазифасига «диний» фаолият устидан назорат килиш кираб эди. У ўзи хоҳлаган вақтда, ихтиёрий руҳонийни

ёки чўпонни чақиришга, ким жамоатда бўлгани, ким тез-тез нон синдиришда қатнашиши, ким – жуда фаол масиҳий эканлиги, ким одамларни Худога олиб келиши, жамоат аъзолари нимадан тавба қилганликлари ва бошқалар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга хукуки бор эди. Агар улар етарлича аниқ маълумот бермасалар, уларни ҳайдашар ва ўрнига ундан кўра кўпроқ маълумот берадиган хизматчини қўйишар эдилар. Агар хукумат вакили бундай ўринни эгаллаши мумкин бўлган одамни топмаса (бу эса деярли хеч қачон юз бермаган), оддийгина жамоатни ёпиб қўйишардилар. Ҳозир бу нарса Хитойда юз бермоқда.

Кўплаб хизматчилар махфий полицияга керакли маълумотларни етказиб беришган. Кўпчилиги бу ишни муҳим нарсаларни айтмасдан ва ўзлари унча хоҳламасдан қилишган. Аммо шундайлар ҳам бор эдики, бу нарса улар учун одатта айланган, уларнинг виждони эса қотиб қолган эди. Учинчи хилдагилари эса бу ролга шунчалик берилиб кетишдикси, ҳамма билган нарсасини айтиб беришар, ҳатто улардан талаб қилинганидан ҳам кўпроқ нарсани айтиб беришардилар.

Мен азоб чеккан масиҳийларнинг болалари тан олган иқрорини эшитганман. Улар ўз оиласлари ҳақида маълумот бериб туришлари керак эдилар. Уларни ҳамдарлик билан қабул қилишганлар. Акс ҳолда уларни ўкув даргоҳларидан четлатиш хавфи бўлган.

Мен қизил байроқлар остида ўтган баптистларнинг конгрессида бўлганман. У ерда коммунистлар «жамоат раҳбарлигига ким сайданиши керак» лиги ҳақидаги масалани ечишган. Ҳамма расмий жамоатларни, Коммунистик партия томонидан тайинланган руҳонийлар бошқаришини билардим. Мен ўшанда, Масих огоҳлантирган қабиҳликни кузатиб ўтирганимни тушуниб етдим.

Ҳар доим яхши ва ёмон чўпонлар ва воизхонлар мавжуд бўлган. Аммо жамоат тарихида биринчи марта, умумий равишида тан олинган ва мақсади динни йўқ қилишга йўналтирилган, атеистик партиянинг Марказий Қўмитаси, жамоатни ким етаклаши ҳақидаги масалани ечарди. Уни қаерга етаклаш учун? Албатта – йўқ қилиш учун.

Ленин: «Ҳар битта диний гоя, ҳар битта Худо ҳақидага гоя, ҳатто Худо ҳақидаги гоялар билан ўйнашиш ҳам – бу энг хавфли кўринишдаги, тарифлаб бўлмайдиган тубанлик, энг ярамас кўринишдаги юқумли касалликдир. Миллионлаб гуноҳлар, ифлос ишлар, зўравонлик, ҳамда жисмоний касалликлар, кичкинагина Худонинг мавжудлиги ҳақидаги руҳий гоядан кўра хавфсизроқдир» – деб ёзган.

Совет Иттифоқининг Коммунистик партияси ленинчилар партияси эди. У динни рак, сил ёки заҳм касаллигидан кўра ёмонроқ деб ҳисоблаган. У ким диний етакчи бўлиши кераклигини ҳал қилган. Расмий жамоатнинг раҳбарлари партия билан ҳамкорлик қилишган.

Мен болалар ва ўсмирларнинг атеизм билан заҳарланиши ва расмий жамоатнинг бунга нисбатан энг кам даражада қаршилик кўрсатганига гувоҳ бўлганман. Бизнинг мамлакатимизнинг пойтахти, Бухарест шаҳридаги битта ҳам жамоатда, на ёшлар гурухи, на болалар учун якшанба мактаблари бўлган. Масиҳийларнинг болалари мактабларда нафрат билан тарбияланган.

Ва ўшанда мен коммунизмни шунчалик ёмон кўриб қолдимки, ҳатто энг оғир азоб чеккан кунларимда ҳам уни бунчалик ёмон кўрмаган эдим.

Мен коммунизмни у мен билан қилган иши учун эмас, балки Худонинг шон-шуҳратига, Масиҳнинг номига ва ўз ҳокимияти остидаги миллиардлаб жонларга қарши қилаётган иши учун ёмон кўрдим.

Мамлакатнинг ҳар хил бурчагидан, мени кўриш учун келган дехқонлар, колхозлаштириш қандай қилиб ўтказилгани ҳақида айтиб беришдилар. Қачонлардир ўзларининг шахсий ерлари ва узумзорлари бўлган жойларда, энди ўзлари оч куллар каби ишлаётган эдилар. Уларнинг noni йўқ эди. Уларнинг болалари на сут, на ернинг ҳосилини кўришарди. Буларнинг ҳаммаси табиий бойликларини Ханаан водийси билан солишириш мумкин бўлган мамлакатда юз берётган эди.

Лениннинг Коммунистик тузуми, биродарларни ўғри ва ёлғончиларга айлантирганини тан олдилар. Очарчилик туфайли

улар қачонлардир ўзлариники бўлган, эндиликда эса жамоа хўжалигига тегишли бўлган нарсаларни, ўғирлашга мажбур эдилар. Кейин эса улар ўз ўғирликларини ёпиш учун, ёлгон гапиришига тўгри келарди.

Ишчилар менга заводлардаги шундай қўрқитишлар ва ишчиларни кучидан фойдаланишлар ҳақида айтиб беришдики, ҳатто бундай нарсалар капиталистларнинг тушига ҳам кирган эмас. Ишчилар ҳатто иш ташлаш қилишга ҳақлари йўқ эди.

Ўқитувчилар ўзларининг ички эътиқодларига қарамасдан, Худо мавжуд эмас деб ўқитишлари керак эди.

Дунёнинг учдан бир қисмининг бутун ҳаёти ва фикри хонавайрон бўлган ёки алмаштирилган эди. Бу нарса ҳозиргacha зулм чекаётган халқларда юз бермоқда.

Ёш кизлар, уларни комсомол ташкилотларга чақираётгани ва масиҳий йигитлар билан муносабат қилгани учун уларни урушаётгани, бунинг эвазига эса ким билан учрашиш мумкинлигини кўрсатаётганлигини айтиб арз қиласдилар!

Ҳамма нарса умидсизларча сохта ва беъмани эди.

Кейин мен собиқ дўстларим билан, яширин жамоатнинг курашчилари билан учрашдим. Уларнинг айримлари шу пайтгача қўлга тушмаган эдилар, бошқалари эса озодликдан маҳрум бўлган жойлардан қайтганларидан кейин яна курашишни бошладилар. Улар мени курашишга чорладилар. Улар мени ўзларининг яширин учрашувларига таклиф қилишдилар ва биз у ерда қўлда ёзилган тўпламлардан масиҳий қўшиқларни айтдик.

Мен ўз ҳаётининг ўттиз йилини чўлда ўтказган, муқаддас Буюк Антонийни эсладим. У бу дунёни қолдириб, доимо ибодатда ва рўзада бўлган. Аммо муқаддас Афанасий ва Арий ўртасидаги Масиҳнинг илоҳийлиги ҳақидаги баҳсни эшитиб, у ўзининг тарки дунё ҳаётини қолдирган ва ҳақиқат ғалаба қозониши учун Александрияга жўнаб кетган. Мен роҳиб бўлиб, баланд тоғларда яшаган Сен-Бернар Клервоскийни эсладим. У бўм-бўш қабр учун бўлган, хоч юришларининг беъманилиги ҳақида, масиҳийларнинг арабларни, яхудийларни ва бошқа эътиқод вакилларини ўлдираётгани ҳақида эшитган. У ўзининг

монастирини ва баланд төгларини қолдириб, хоч юришларини түхтатишга чорлаш учун кетган.

Мен ҳар бир масихий килиши керак бўлган нарсани қилишга қарор қилдим: Масихнинг ва ҳаворий Павлуснинг намунасига эргашиб, ўзимнинг тинч нафақада ҳаёт кечириш фикримдан воз кечиб, курашишга киришдим. Бу кураш ўзи нима эди?

Қамоқхонада масихийлар ҳар доим ўз душманлари ҳақида ибодат қилас ва уларга гувоҳлик берардилар. Бизнинг юрагимизнинг хоҳиши, улар ҳам нажот топиши эди. Бу нарса юз берганда эса биз хурсанд бўлардик. Аммо мен бадбахт коммунистик тузумни ёмон кўйардим ва бу даҳшатли зулмни Хушхабарнинг кучи билан ағдаришга қодир бўлган, яширин жамоатни мустаҳкамлашга интилдим.

Мен нафақат Руминия ҳақида, балки бутун коммунистик дунё ҳақида ўйладим. Аммо Ғарбда мен бефарқлик девори билан дуч келдим.

Иккита ҳамкасб-коммунистлар Синявский ва Даниэлларни, уларнинг ўз ўртоқлари қамоққа маҳкум қилганларида, бутун дунё ёзувчилари қарши чиқдилар. Аммо масихийларни ўз имони учун камашганида, ҳатто жамоат ҳам қарши чиқмади.

Муқаддас Китобдан ва Тавротдан парчалар келтирилган, «захарлайдиган» масихий нашрни тарқатиб, жиноий иш содир қилган биродар Кузик билан кимнинг иши бўлди? Биродар Прокофевни ёзма ваъзни тарқатгани учун ҳукм қилишганини ким билади? Яхудий-масихий Грюнвальдни, худди шундай жиноят учун Россияда ҳукм қилишгани ва унинг ўғлини бутунлай ундан тортиб олишганини ким билади? Мендан менинг Михаимни тортиб олишганида, нима ҳис қилганимни, ўзим биламан. Латвиялик биродарларимиз, Грюнвальд, Иваненко, Шевчук бувимиз, опаларимиз Таиса Ткаченко, Екатерина Веказин, биродар Георгий Веказин ва рафиқаси Пилатлар билан бирга мен ҳам азоб чекаяпман. Бу йигирманчи асрдаги муқаддасларнинг ва имон қаҳрамонларининг рўйхатини тўхтовсиз давом эттириш мумкин! Худди биринчи масихийлар, ёввойи ҳайвонларга ташлаш учун олиб кетилаётган имондошларининг занжирларидан ўпгани

каби, мен ҳам уларнинг олдида бошимни эгаман ва уларнинг кишинларини ўпаман.

Уларга нисбатан айрим Ғарб жамоатларининг раҳбарлари бефарқидирлар. Вафот этганларнинг номлари – уларнинг ибодат рўйхатида эмас. Муқаддасларни кўлга олишганда ва қийнашаётган пайтда, улардан юз ўғирган ва уларни алдаган, россиянинг расмий православ ва баптист жамоатлари раҳбарларини хурмат билан Женевада, Янги Дехлида ва турли хил ғарбдаги конференцияларда қабул қилишган. У ерда улар иштирок эттаётганларни Россияда эътиқод масаласида тўлиқ эркинлик мавжудлигига ишонтирадилар.

Бутун дунё жамоат уюшмаси етакчиси, уни бунга ишонтиргани учун, большевистик архиепископ Никодимни ўпган. Кейин эса улар биргаликда Бутун дунё жамоати уюшмаси шарафига байрам ўтказишган, қамоқхонадаги муқаддаслар эса бу пайтда ювилмаган карамни пўстлоги билан бирга ейишган. Мен ҳам бир пайтлар уни Исо Масиҳ учун еганман.

Буни шундай қолдириб бўлмас эди. Яширин жамоат, агар менда Ғарбдаги жамоатларга нима юз бераётгани ҳақида айтиш имконияти пайдо бўлса, мамлакатдан кетиш зарур деб қарор қилишди.

Мен коммунистларни яхши кўрсамда, коммунизмни ҳукм қиласман. Мен коммунизмни ҳукм қилмасдан, Хушхабарни ваъз қилиш нотўғри деб биламан.

Айрим пайтларда менга: «фақатгина Хушхабарни ваъз қил» деб айтишидилар. Бу менга Ғарбга кетишимдан олдин, коммунистик маҳфий полициянинг вакили менга Масиҳни ваъз қилишга, аммо коммунизм ҳақида оғиз очмасликка ишонтирганини эсимга туширади. Наҳотки, «фақат биргина Хушхабар» ни ваъз қилиш тарафдорларини, ўша маҳфий полиция вакилининг руҳи илҳомлантираётган бўлса?

Мен ўша «фақат биргина Хушхабар» деб айтиладиган, хушхабарни билмайман. Яхё Чўмдирувчининг ваъзи «фақат биргина Хушхабар» дан иборат бўлганми? У нафақат: «Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашди» (Матто 3:2) деб айтган. У шунингдек, фош ҳам қилган: «Вилоят ҳокими

Хирод хам Яхё тарафидан фош бўлиб қолди» (Луко 3:19). Яхё фақатгина мавхум таълимот билан чегараланиб қолмагани учун, у ўлдирилган эди. Исо Ўзининг тогдаги ваъзида «фақат биргина Хушхабар» ваъзи билан чегараланиб қолмаган. Унинг ваъзини хозирги айрим раҳбарлар салбий ваъз деб атаган бўлардилар: «Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой!... Ҳой илонлар, захарли илон зотлари-ей!» (Матто 23:27,33). Айнан мана шундай «салбий» ваъз учун Уни хочга михлашганлар. Акс ҳолда, Тогдаги ваъз фарзийларни ҳавотирга солмаган бўларди.

Гуноҳни ўз номи билан айтиш керак. Коммунизм – ҳозирги замоннинг энг хавфли гуноҳларидан биридир. Уни ҳукм қилмайдиган ҳар бир Хушхабар – бу ҳақиқий Хушхабар эмас. Яширин жамоат ўзининг ҳаёти ва эркинлигини хавф остига қўйган ҳолда, коммунизмни ҳукм қиласди. Шунинг учун хам бу ерда, Ғарбда, биз бу ҳақида жим бўлишга умуман ҳақкимиз йўқ.

Мен коммунизмни, худди ўзларини «антикоммунистлар» деб атайдиганлар каби ҳукм қилмайман. Гитлар антикоммунист бўлган, лекин барибир у хам, зулмкор золим бўлган. Биз гуноҳни ёмон кўрамиз ва гуноҳкорларни севамиз.

Мен нима учун Ғарбда азоб чекаяпман

## **Ғарбда мен коммунистик мамлакатдагидан кўра қўпроқ азоб чекаяпман.**

Менинг азоб чекишим биринчи навбатда, яширин жамоатнинг таърифлаб бўлмас гўзаллигига интилишимдан иборат. Бу жамоат эски лотинча «Nudisnudum Christi sequi» («Ҳеч нарсасиз Масихнинг орқасидан, ҳеч нарсасиз эргаш») – деган мақолга мос келади.

Зулм остидаги халқлар орасида, Инсон Ўғлига ва унинг орқасидан эргашаётганлар учун бош суқадиган жойнинг ўзи йўқ. Кўпчилик масиҳийлар ўзлари учун уй қурмайдилар. Нима учун? Уларни барибир биринчи марта қамоққа олингандаёқ, давлат ҳисобига мусодара қилиб юборишади. Агарда уни кимдир тортиб олишни хоҳласа, янги уй борлигининг ўзи қамоққа олиниш учун

етарли сабаб бўлиши мумкин. Бу мамлакатларда Масиҳнинг орқасидан юришдан олдин, отасини кўмишга ёки оиласи билан хайрлашишга тўхтаб колишмайдилар. Сенинг онанг, уканг, синглинг ким? Бунда биз Масиҳга ўхшаймиз. Биз учун Осмондаги Отанинг иродасини бажараётганлар онамиз ва укамиздир. Қариндошлик алоқаларига келсак, агар келин ўзининг куёвини, болалар – ота-онасини, хотинлар – болаларини қолдираётган бўлса, қандай қилиб уларга умид қилишимиз мумкин? Яна ва яна кўпроқ фақатгина руҳий алоқалар сақланиб қолмоқда.

Яширин жамоат – камбағал ва кўп азоб чеккан жамоат, аммо унда ҳам «на совуқ ва на илиқ» бўлган аъзолар ҳам эмас.

Яширин жамоатдаги хизмат, худди икки минг йил олдинги илк жамоатдаги хизматдек. Воизхон синчилаб ишлаб чиқилган илохиёт тизимиға (теологияга) эга эмас. Худди Бутрус ҳам ўрганмагани каби, у ҳам қандай ваъз қилиш усусларини (гомилетика) ўрганмаган. Ихтиёрий илохиётчи профессор Бутрусга Эллигинчи кундаги ваъзи учун ёмон баҳо қўйган бўларди. Кўплаб мамлакатларда, Муқаддас Китобдаги оятлар учналик ҳам машҳур эмас, чунки Муқаддас Китоб тақиқланган. Бундан ташқари, воизхоннинг йил мобайнида, Муқаддас Китобни ўқиш имконияти чекланган ҳолда, қамоқда ўтирган бўлиш эҳтимоли ҳам кўп эди. Бундай одам ўзининг Отага бўлган имонини ифодалаганда, бу кўп аҳамиятга эгадир, чунки бундай тасдиқнинг орқасида унинг ҳаётий кечинмаси туради. Қамоқхонада биз ҳар куни Осмондаги Отадан нон сўрардик ва ўрнига айтиш учун ҳам жирканчли бўлган, ички нарсалари олинмаган карамни олардик. Аммо биз Худони ўзимизнинг севувчи Отамиз деб билардик. Биз худди, ҳатто Худо уни ўлдирса ҳам, Унга ишонаман, деб айтган Аюбга ўхшаймиз. Биз, ҳатто Худо Уни хочда ўлиш учун қолдириб кетгандек туюлган пайтда ҳам, «Ота» деб атаган Исога ўхшаймиз.

Яширин жамоатнинг руҳий гўзаллигини таниб билган одам, айрим гарб жамоатларида бўйм-бўшлик билан қониқа олмайди.

Мен коммунистик қамоқхонадагидан кўра кўпроқ, Гарбда қийналаяпман, чунки ўз кўзларим билан гарб маданий тараққиётининг барбод бўлаётганини кўраяпман.

Ўзининг «Европа инқирози» китобида Освальд Шпенглер шундай ёзган: «Сен ўлајапсан. Мен сенда бўлинишнинг ҳамма белгиларини кўраяпман. Мен сенинг бойлигинг ва катта камбағалчилигинг, сенинг капитализминг ва социализминг, сенинг урушларинг ва сенинг инқилобларинг, сенинг атеизминг ва сенинг умидсизлигинг, сенинг ҳаёсизлигинг, сенинг аҳлоқсизлигинг, сенинг бузилган никохларинг, сенинг туғилишни назорат қилишларинг, пастдан қон оқишларинг ва юқоридан миянгдаги ўлдираётган нарсаларинг, сенда қадимий давлатлар – Александрия, Греция ва асабий Римга хос бўлган ўлишнинг барча белгилари борлигини тасдиқлаётганини исботлаб беришим мумкин.

Бу 1926 йилда ёзилган. Ўшандан буён Европа мамлакатларининг ярмида ва ҳатто Кубада ҳам демократия ва тараққиёт ўлиб бўлди. Гарбнинг катта қисми уйқуда.

Фақатгина битта куч сергак турибди. Шарқда коммунистларнинг орзу – ҳаёллари барбод бўлганидан хафсаласи пир бўлган бир пайтда, Гарбда «инсонпарвар коммунизм» худди шундай заҳарловчи бўлиб қолмоқда. Гарбдаги инсонпарварлар /коммунистлар, коммунистик мамлакатлардан келаётган ёвузиликлар, азоб чекишилар ва қувғин қилишлар ҳақидаги хабарларга оддийгина ишонмаяптилар. Улар ўзларининг имонини чарчамасдан, иштиёқ билан ҳамма жойда: аҳолининг юқори табақалари орасида, ақлзаковатли одамлар доирасида, коллежларда, ҳароба жойларда ва жамоатларда тарқатмоқдалар. Биз масиҳийлар кўпинча ярим куч билан зўрга ҳақиқат ҳимоясига тура оламиз. Улар эса ёлғонни тарғиб қилиш учун бутун кучини берадилар.

Айни пайтда Гарб илохиётчилари ўзларининг қўлга киритган ўлжалари билан мақтанаяптилар. Бу эса менга, худди 1493 йилда Муҳаммад II нинг жангчилари Константинополни қуршаб олиб, Болқон ярим ороли масиҳий ёки исломий бўлишини ҳал қилаётган бир пайтда, қуршовдаги маҳаллий жамоатлар умуман бошқа муаммоларни, мисол учун, Бокира қиз Марямнинг кўзлари қайси рангда эди? Фаришталарнинг жинси қанақа эди? Муқаддасланган сувга пашша тушиб кетса, у муқаддас бўладими ёки ҳаромга айланадими?, каби муаммоларни мухокама қилиш

билин овора бўлганини эсимга солади. Эҳтимол бу ўша қадимги даврлар ҳақидаги фақатгина афсонадир, лекин ҳозирда доимий равишда чиқаётган нашрларни синчковлик билан ўқинг ва сиз жамот ҳозирда худди шундай масалаларни мухокама қилиш билан овора эканлигини кўрасиз. Яширин жамоатнинг азоб чекиши ва қувгин қилиниши таҳди迪 ҳақида ҳеч ким деярли эсламаяпти.

Худди маросимлар ва иккинчи даражали нарсалар каби Илохий масалаларда тўхтовсиз сухбатлар олиб борилмоқда.

Кечки ўтиришларнинг бирида бир одам иштирокчилардан: «Агар сиз чўкаётган кемада бўлиб қолсангиз ва кема кутубхонасидан фақат битта китоб олиш имконияти билан, одам яшамайдиган оролда кутқарилиб қолишингиз мумкин бўлганида, сиз қайси китобни танлаган бўлардингиз?» – дея, сўрабди. Бирлари «Муқаддас Китоб», бошқалари эса – «Шекспир» деб, жавоб беришибди. Аммо тўғри жавоб шундай бўлган: «Мен қандай қилиб қайиқ қилишни ва қирғокқа етиб олишни ўргатадиган китобни танлаган бўлардим».

Эркинликни саклаш ёки уни диний қувғинлар кучайгани туфайли, йўқотилган жойларда қайта тиклаш, ҳамма диний йўналишдагилар ва илохий таълимотдагилар учун, қандайдир айрим илохий фикрлар тўғрисидаги баҳслардан кўра мухимроқдир.

«Ҳақиқат сизни озод қиласди» – деб айтган эди Исо (Юханно 8:32). Аммо озодлик ва фақатгина озодлик ҳақиқатни очиб бериши мумкин. Шунинг учун арзимаган нарсалар ҳақида баҳс қилишдан кўра, биз озодлик учун ва дунёдаги барча зулмкорларга қарши курашиш учун бирлашишимиз керак.

Зулм остида яшаётган мамлакатлардаги доимий кўпайиб бораётган азоблар ҳақида гапирганимда, ўзим ҳам қийналаман. Бу қийинчиликларни шахсан ўзим бошдан кечирганим учун, мен бошқалардан кўра кўпроқ уларни аниқ тасаввур қила оламан.

1966 йил июнь ойида «Хабарлар» («Известия») ва «Қишлоқ ҳаёти» («Деревенская жизнь») газеталари россия баптистларини, гуноҳ эвазига қурбонлик қилиш учун, болаларни

ўлдираётганликда айблашган. Бу –эскитдан келаётган маросимларда одам қурбонлик келтириш айби эди, яъни бу яхудийларга нисбатан олдинлари қўлланилган.

Аммо мен бунинг нима эканини биламан. 1959 йилда мен кизни ўлдирғанликда айбланиб қамалган Лазаревич билан бирга Клуж шаҳридаги қамоқхонада бўлганман. Унинг ёши ўттизда эди, аммо соchlари бир кунлик азоблашлардан кейин оқариб кетган эди. Унинг юзи қарига ўхшаб қолган эди. У ўзи содир қилмаган жиноятни тан олдиришлари учун, унинг тирноқларини суғириб олишган. Бир йиллик азобланишлардан кейин, Лазаревичнинг айбисиз эканлиги аниқланди ва уни озод қилишиди. Аммо озодлик учун ҳеч қандай аҳамият касб этмас эди. У бир умрга синган эди.

Кўп одамлар, коммунизм даврида совет нашриёти томонидан баптистларга қарши келтирилган, беъмани айбларини, газетадаги мақолалардан ўқиб қулишардилар. Аммо бу айблар, айбланувчи учун нима англатишини мен билардим.

Мен учун Ғарбда яшаб, ҳар доим мана шундай хақоратларни эшлиши жуда қийин.

Коммунистларнинг қўлида қурол бўлган, патриарх Алексей ва архиепископ Никодимлар каби совет тузумининг тарафдорлари билан ҳамкорлик қилишга қарши чиққан Калуж архиепископи Гермоген ва бошқа еттита архиепископлар билан нима содир бўлди? Агар мен Руминияда қаршилик кўрсатган ва қамоқхонада мен билан бирга ўлаётган епископларни кўрмаганимда эди, мени шу даражада, бу художўй одамларнинг тақдири хавотирлантирмаган бўларди.

Хизматкорлар Николай Ешлиман ва Глеб Якунинлар жамоатлар учун диний эркинлик сўраганлари учун, патриарх томонидан жазоланганд. Ғарб бундай воқеаларнинг кўпини эшитган. Мен қамоқхонада, хаётида худди шундай воқеа юз берган, Руминиянинг Владимишти шахридан бўлган ота Иоанн билан бирга бўлдим. Юзаки томондан биз фақатгина жамоатнинг жазосини кўрамиз. Аммо румин жамоатининг расмий раҳбарлари, худди кўпчилик коммунистик мамлакатлардаги расмий жамоатнинг етакчилар каби, махфий полиция билан ёнма-ён ишлардилар. Кимни жазолаш

керак бўлса, самаралироқ жазолаш йўлларини, яъни азоб бериш, дўппослаш ва гиёхванд ҳам қўллашган.

Турли хил мамлакатлардаги қувгин қилинаётганларнинг чекаётган азоблари ҳақида ўйласам, мен титраб кетаман. Мен ўзларининг қувгин қилинаётган биродарларига ёрдам бермаётган, гарбий масиҳийлар ҳақида ўйласам ҳам титраб кетаман.

Юрагимнинг тўрида, мен бундай қақшатгич курашда иштирок этишни эмас, балки ўз узумзоримнинг чиройини сақлашни хоҳлардим. Қаердадир бир тинч ва осоийшта жойда ҳаёт кечиришни хоҳлардим. Аммо ҳозир бунинг иложи йўқ. Коммунистлар Тибетга бостириб киришганида, улар фақатгина ўткир руҳий масалалар билан қизиқсан одамларни йўқ қилишган. Бизнинг мамлакатимизда, улар ўзларини бу дунёдан узоқлаштирганларни йўқ килишдилар. Жамоатлар ва монастырлар тарқатиб юборилди, аммо чет элликларни алдаш учун керак бўладиган сондагиси қолдирилди, холос. Мен интилаётган тинчлик ва осоийшталиқ, борлиқдан четлашиш ва менинг руҳим учун хавфли бўлган бўларди.

Мен учун бу жуда хавфли бўлса ҳамки, мен бу курашни олиб бордим. 1948 йилда мени ўғирлаб кетишиди ва номи ўйлаб топилган қамоқхонага жойлаштиришди. Руминиянинг ўша вақтдаги котиби Анна Паукер, Швеция элчиси Патрик фон Рютерсвердга шундай деган: «Ҳа, Вурмбранд ҳозир Копенгаген кўчалари бўйлаб кезиб юрибди». Швед элчинининг ҳамёнида, менинг қамоқхонадан бериб юбориш уддасидан чиқсан ҳатим бўлган, шунинг учун у ҳақиқатни гапирмаётганини билган. Шундай воқеалар ҳар доим юз бериб турган. Агар мени ўлдиришса, қотил албатта коммунистлар томонидан юборилган бўлади. Бошқа ҳеч кимда мени ўлдириш учун сабаб йўқ. Агар менинг аҳлоқсиз ҳатти-ҳаракатим, ўғирликларим, баччабозлигим, эр-хотинлик муносабатимдаги садоқатсизлигим, сиёсий ишончсизлигим, ёлғончилигим ва ҳ.к. ҳақидаги мишишлар сизгacha етиб борган бўлса, бу маҳфий полициянинг менга қилган таҳдиди, яъни «Биз сени аҳлоқий йўқ қиласиз» деган таҳдидининг бажо бўлишидан бошқа ҳеч нарса эмас.

Ишончли маълумотга эга бўлган манбаларнинг менга хабар қилишича, 1960 йилда АҚШ Сенатида мен берган кўрсатмадан

кейин, румин коммунистлари томонидан мени ўлдириш түгрисида қарор қабул қилинган. Аммо мен жим бўла олмайман. Сизнинг мажбуриятингиз эса – мен гапираётган нарсалар хақида ўйлаб кўришдан иборатdir. Хатто сиз менинг бошимдан кечиришимга тўғри келганлар туфайли, шундай кувғин касали билан азоб чекаяпти деб ҳисобласангиз, ўзингиздан сўранг, бу коммунизм қандай кучки, у ўзининг фуқароларини шундай касаллар билан қийналишга мажбур қилмоқда. Бу қандай ҳокимиятки, коммунистик Шарқий Германиядан бўлган оилани, ўз боласини бульдозерга ўтиргизиб, бутун оиласи отиб ташланиш хавфига қарамасдан, чегарадаги тиканли симларни босиб ўтишга мажбур килган?

Гарб ухляяпти ва у зулм чекаётган халқларнинг оғир ҳолатини кўриши учун, уни уйғотиш керак.

\* \* \*

Азоб чекаётган одамлар, кўпинча ўзларининг азобларида айблаш мумкин бўлган, айбдорларни қидирадилар. Бу эса уларнинг оғирликларини анча енгиллаштиради. Мен эса буни кила олмайман.

Мен масиҳийларнинг душмани ҳисобланганлар билан муросага бораётган, гарб жамоати етакчиларини айблай олмайман. Ёвузлик улардан чиқмаяпти. Уларнинг ўзлари, эскироқ ёвузликнинг қурбонлари ҳисобланади. Улар жамоатда тартибсизликлар келтириб чиқармаяпти, балки уни қўллаб кувватлаяптилар.

Мен Гарбда яшаётганимдан бери, кўплаб руҳий семинарларда бўлдим. У ерда мен қўнғироқлар ва литургия (черковлардаги энг катта ибодат) қўшиқлар тарихи, аллақачон бекор қилинган каноник (қоидага айланган) қонунлар ва эндилиқда қўлланилмаётган жамоат жазоси ҳақидаги дарсларни тингладим. Мен эшитдимки, айрим илохиёт талабаларини, худди Муқаддас Китобдаги дунёнинг яратилиши ҳақидаги ҳикояга ўхшаган ҳикояларни, яъни Одам Ато ҳақидаги, тўфон ҳақидаги, Мусонинг мўъжизалари ҳақидаги ҳикояларни – ёлғон деб ўқитишаётган экан. Кимлардир

пайғамбарчиликлар бажо бўлинганидан кейин ёзилган деб, гуноҳсиз туғилиш – бу Исонинг тирилиши каби афсонадир ва Унинг суюклари қаердадир қабрда ётибди деб, жамоатларга ёзилган мактублар хақиқий эмас ва Вахий – бу ахмоқларнинг китоби деб таъкидлашмоқдалар. Қолган нарсаларда Муқаддас Китоб – хақиқатдан муқаддас китоб! (Демак бу муқаддас китобда, хитой коммунистларининг газетасидагидан кўра, кўпроқ ёлғон бор экан-да).

Айрим хозирги ғарб жамоатининг раҳбарлари мана нимани ўрганишган. Бу улар яшаётган мухит. Демак У хақида мана шундай нарсаларни эшиштан Худовандга содик бўлиш нимага керак? Худо ўлди, деб ўргатаётган жамоатга нима учун содик бўлиш керак?

Айрим диний йўналишларнинг раҳбарлари Масихнинг келини эмаслар. Улар аллақачон ўз содиклигини ўқотган – жамоатнинг раҳбарлари. Яширин жамоатнинг азоб чекувчиси билан учрашиб, улар унга ҳайрат билан қарайдилар.

Биз ҳар доим ҳам одам хақида, уни эътиқодининг бир киррасига қараб баҳо беролмаймиз. Агар биз шундай қилганимизда эди, у ҳолда биз ҳам уларнинг кўз ўнгига ҳатто Исо ёмон одам бўлиб кўринган, фарзийлардек бўлган бўлардик. Чунки У шанба ҳақидаги қонунга итоат қилмади. Фарзийлар ҳатто кўз ўнгига хурматга лойиқ иш бўлган нарсаларга ҳам, кўз юмишган.

Коммунизмга нисбатан нотўғри муносабатда бўлган жамоат раҳбарлари, эҳтимол, бошқа кўплаб жабҳаларда ҳақдирлар ва ҳақиқатдан самимий одамлардирлар. Ва ҳатто улар хато қилаётган нарсаларда, ҳали ўзгаришлари ҳам мумкин.

Бир марта Руминияда мен провослав епископини учратдим. У ўз сурувини сотган чўпон, коммунист эди. Мен унинг қўлидан ушлаб туриб, дарбадар ўғил ҳақидаги масални айтиб бердим. Бу кечки пайт менинг богимда юз берган эди. Мен унга: «Қаранг, Худо дарбадар гуноҳкорни қандай севги билан қабул қиласи. Агар у тавба қилса, ҳатто епископни ҳам хурсандчилик билан қабул қиласи» – деб айтдим. Мен унга бир нечта масихий қўшиқларни айтиб бердим. Бу одам яна Худога қайтиб келди.

Қамоқхонада мен битта камерада озодликка чиқишига умид қилиб, атеистик дарслар ёзган провослав рухонийси билан бирга ўтирдим. Бизнинг сұхбатимиздан кейин, у ўзининг дарсаларини, ҳеч қачон озод бўлмаслик хавфига қарамасдан, бўлак-бўлак қилиб ўиришиб ташлади.

Менинг юрагимни эзиб турган оғирликларни енгиллаштириш учун, мен кимнидир айбдор қила олмайман.

\* \* \*

Менда бошқа бир оғриқ ҳам бор. Ҳатто энг яқин дўстларим ҳам мени тушуммадилар. Кимлардир мени коммунистларга қарши аччиқланышда ва норозиликда айбладилар. Мен эса бунинг хақиқат эмаслигига ишончим комил.

Ёзувчи Клод Монтефиоре, Исонинг уламо ва фарзийларга нисбатан бўлган муносабати ва уларни оммавий тарзда ҳукм қилиши, Унинг душманларни севиш ва лаънатлаганларни марҳаматлаш ҳақидаги амрига қарама-қарши дея таъкидлайди. Лондондаги мукаддас Павлус соборининг собиқ рухонийси, доктор Вальтер Мэтьюз ҳам Исонинг сўзлари – мантиқсиз ва бир-бирига қарама-қаршидир, деган хуносага келган. У буни Исо илмли одам бўлмаганилиги билан тушуниради.

Монтефиоренинг Исо ҳақидаги тасаввури – ёлғондир. Исо фарзийларни оммавий тарзда ҳукм қилишига қарамасдан, уларни яхши кўрган. Ва мен ҳам коммунистларни, жамоатдаги маълумот етказувчиларни ҳукм қилишимга қарамасдан, уларни севаман.

Менга ҳар доим «Коммунистларни унут! Фақатгина руҳий ишлар билан шугуллан» – дея уқтиришадилар.

Мен нацистлар пайтида азоб кўрган масиҳий билан учрашдим. Мен Исо ҳақида гувоҳлик берганимда, у тўлиқ мен томонда эканини, аммо мен коммунизм ҳақида ҳеч бир сўз тилга олмаслигим кераклигини айтди. Мен ундан, Германияда нацизмга қарши курашган масиҳийлар ноҳақ бўлганмилар ёки улар Гитлернинг золимлиги ҳақида ҳеч бир сўз билан ҳукм қилмасдан, фақатгина Исо ҳақидаги гувоҳлик билан чегараланишлари керакмиди, дея

сўрадим. У менга: «Аммо Гитлер олти миллион яхудийларни ўлдириган! Бу ҳақида айтиш керак эди». Мен эътиroz билдириб: «Коммунистлар эса ўттиз миллион русларни, миллионлаб хитой ва бошқа ҳалқларни ўлдиришган. Улар яхудийларни ҳам ўлдиришган. Ёки биз рус ва хитойликларни ўлдирганида жим бўлиб, фақатгина яхудийларни ўлдиришганида қарши чиқишимиз керакми?» – дедим. «Бу умуман бошқа иш» – дея менга ўз эътирозини билдириди.

Полиция мени Гитлер вақтида ҳам ва коммунистлар вақтида ҳам дўппослашган. Мен бу иккала дўппослашлар орасдида ҳечам фарқ кўрмайман – уларнинг ҳаммаси жуда оғрикли бўлган.

Масиҳийлик нафақат коммунизм билан, балки гуноҳнинг ҳамма кирралари билан курашиши керак. Биз фақатгина бу муаммога боғланиб қолмаганмиз. Аммо коммунизм – масиҳийликнинг энг хавфли ва ёвуз душмани. Унга қарши биз бирлашишимиз керак.

Шунинг учун мен яна қайтараман, ҳар битта одамнинг олий мақсади – Масиҳга ўхшаш бўлишдир. Бунга қаршилик кўрсатиш эса – коммунистларнинг асосий мақсади. Улар одам ўлганидан кейин туз ва ўғитга айланади, бошқа нарсага эмас, дея ҳисоблаб, биринчи навбатда динга қарши чиқадилар. Уларнинг бутун хаёти моддийлик даражасида кечишини хоҳлайдилар.

Улар фақат моддий нарсаларни биладилар. Улар ҳам, худди Янги Аҳдда ёвуз руҳдан исмини сўрашганида, «Биз – тумонатмиз» деганига ўхшаб номланишадилар. Улар ҳар битта шахсиятни, яъни Худонинг одамзодга берган энг улуғ инъомини – йўқ қилиши керак. Улар битта эркакнинг ёнидан Альфред Адлернинг «Шахсий психология» китобини топганлари учун қамашган. Махфий полициянинг терговчиси: «Эҳ, шахсий, ҳар доим шахсий. Нима учун жамоавий эмас?» – дея қичкирарди.

Исо бизнинг шахсият бўлишимизни хоҳлайди. Шунинг учун коммунизм ва биз ўртамиизда муроса бўлмаслиги керак. Коммунистлар яхши билишади. Ўзларининг «Фан ва дин» журналида улар шундай ёзишган: «Дин коммунизм билан мос келмайдиган нарса. У коммунизмга душман... Коммунистик партия дастурининг мазмуни – динга қарши қақшатгич зарбадир... Бу

дастур одамларни диний қулликдан батамом озод қиладиган, атеистик жамиятни қуришдан иборат»

Коммунизм масиҳийлик билан бирга мавжуд бўла оладими? Бу саволга коммунистларнинг ўзлари жавоб берадилар: «Коммунистик партия – бу динга нисбатан қақшатгич зарбадир!»

## Енгилмас ва ўсиб бораётган яширин жамоат

Яширин жамоат жуда қийин шароитларда ишламоқда. Атеизм барча коммунистик мамлакатларда давлат дини хисобланади. У қарияларга нисбатан эркинлик беради, аммо болаларга ва ёшларга Худога ишониш тақиқланган. Бу мамлакатлардаги радио, телевидения, кино, театр, нашриёт ва газета – хаммаси битта мақсадга, Исо Масихга бўлган имонни йўқ қилишга йўналтирилган.

Яширин жамоат бу зулмкор давлатдаги катта кучга қарши турға олиш учун деярли маблағга эга эмас. Совет Иттифоқидаги яширин жамоат хизматчилари ҳеч қандай илохий тайёргарликка эга эмас эдилар. Кўпчилик ҳозирги хитой чўпонлари ҳеч қачон бутун Муқаддас Китобни ўқиб чиқишимаган.

Мен сизга кўпчилик чўпонларни хизматга қандай қўл қўйиб марҳаматлангани ҳақида айтиб бермоқчиман. Бир марта мен яширин жамоат чўпони бўлган рус йигити билан танишдим ва хизматга ким уни қўл қўйиб марҳаматлагани ҳақида сўрадим. У менга: «Биз ҳақиқий нозирлар томонидан қўл қўйиб марҳаматланиш имкониятига эга эмас эдик. Расмий жамоат Коммунистик партияning раҳбарлари томонидан тасдиқланмаган одамларни хизматга қўл қўйиб марҳаматламас эди. Шунинг учун бизлардан ўнтамиз, ёш масиҳийлар шоҳид бўлиб ўлган нозирнинг қабрига бордик. Муқаддас Рух бизларни мойлашини сўрадик. Биз Исонинг тешилган қўллари томонидан қўл қўйилганимизга ишонамиз». Менинг назаримда, бу ёш йигитнинг қўл қўйилиши ҳақиқатдан Худо олдида бўлган!

Хеч қандай илохий тайёргарликка эга бўлмаган ва кўпинча Муқаддас Китобни кам билган (мисол учун, Бангладешдаги хушхабарчилар), ана шундай тарзда қўл қўйилган эркаклар, барибир Масихнинг буйругини бажарайтилар.


Бу менга биринчи асрдаги жамоатни эслатаяпти. Дунёни Масих томон бурган одамлар қайси семинарияда ўқишиган? Уларнинг хаммаси ўқишини билганми? Ва улар Муқаддас Китобни қаердан олишган? Улар билан Худонинг Ўзи гаплашган.

Биз яширин жамоатдагилар, ўз маъбадларимизга эга эмасмиз. Аммо қайсиdir бир маъбад, биз яширин тарзда ўрмонда йиғилиб ўтирганда кўрган, осмон чиройи билан тенглаша олиши мумкинми? Кушларнинг шивир-шивири энг яхши орган (мусиқа асбоби) нинг ўрнини босади. Гулларнинг анқиган хиди – бу бизнинг хушбўй тутатқимиз. Ой ва юлдузлар – фаришталар томонидан ёқилган шамлар. Яқиндагина қамоқхонадан озод бўлиб, азоб чекканларнинг йиртилган кийимлари, руҳонийларнинг ҳашаматли кийимларидан кўра кўпроқ таассурот қолдиради.

Мен бу жамоатнинг чиройини тасвиirlаб бера олмайман! Кўпинча масихийларнинг яширин йиғилишларидан кейин уларни қўлга олишарди ва қамоқхонага жўнатишарди. У ерда улар киshan тақишарди. Улар эса тақилган киshanларни, худди келинга севгилиси томонидан совға қилинган узукдек хурсандчилик билан тақишардилар. У ерда улар Масихнинг ўпишини ва қучогини қабул қилишардилар ва хеч бир шоҳ билан бу ўринни алмашмаган бўлардилар. Мен ҳақиқий хурсанд бўлган масихийларни Муқаддас Китобда, яширин жамоатда ва қамоқхонада кўрдим.

Яширин жамоатни эзишяяптилар, лекин у ҳатто махфий полиция ишчилари, хукумат аъзолари орасида ҳам кўплаб дўстларга эга. Айрим пайтда бу махфий имонлилар яширин жамоатни ҳимоя қилишга қодир.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида газеталар «ташқи имонсизлар»нинг ўсиб бораётгани устидан арз қилишганди. Булар, дея тушунтирганди совет нашриётлари, коммунистик ҳокимиятнинг ҳамма табақаларида – давлат ишхоналарида, тарғибот-ташвиқот бўлимларида ва бошқа жойларда, ишлаётган эркаклар ва аёллар,



ташқи томонидан – коммунистлар, аммо ички томондан – махфий имонлилар ва яширин жамоатнинг аъзолари дирлар.

Коммунистик нашриётда битта коммунистик тарғибот-ташвиқот бўлимида ишлаган, ёш аёл ҳақида ҳикоя бор эди. Ишдан кейин у ва унинг эри, Муқаддас Китобни ўрганиш ва ибодат килиш учун махфий равишда ёшларнинг гурухини йигишар эди. Бу ҳозир ҳам бутун дунё бўйлаб юз бермоқда. Ўн минглаб мана шундай «ташқи имонсизлар» бизнинг давримизда ҳам мавжуд. Улар ўзларининг орқасида кузатиши мумкин бўлган ва фақатгина беъмаза Хушхабарни эшлиши мумкин бўлган, жамоатларнинг шоусида қатнашмасликни ўзларига эп кўрадилар. Бунинг ўрнига улар *Масих* ҳақида самаралироқ гувоҳлик беришлари мумкин бўлган, ўзларининг мансабларида қоладилар.

Содик яширин жамоат мана шундай ўн минглаб ўз аъзоларига эга. Улар ер тўлаларда, томнинг тепасида, хонадонлар ва далаларда махфий учрашадилар.

Собиқ коммунистик Совет Иттифоқида ҳеч ким болаларни чўмдириш ёки папанинг гуноҳсизлигига қарши ёки розилиги ҳақидаги баҳсларни эслай олмайди. У вактда ҳеч қандай пре ёки постмилениалистлар бўлмаган. Улар пайгамбарчиликларни тушунтира олмасдилар, улар ҳақида баҳслашмасдилар, аммо улар Худонинг мавжудлигини атеистларга маҳорат билан исботлашлари, мени ҳайратга соларди.

Уларнинг тушунтириши оддий эди: «Агар сизни катта миқдордаги ширин овқатлар билан тўла столга таклиф қилишса, сиз уларни ҳеч ким тайёрламаганига ишонасизми? Табиат – бу биз учун тайёрланган зиёфат! Биз помидор, шафтоли ва олмалар еймиз, асал ва сут ичамиз. Бу нарсаларни одамзод учун ким тайёрлаган? Табиат кўр. Агар сиз Худо йўқ эканлигига ишонсангиз, у холда кўр бўлган табиат биз мухтоҷ бўлган нарсаларни шунчалик мукаммал ва мўл-кўл қилиб тайёрлашнинг қандай уддасидан чиққанини, қандай қилиб тушунтириш мумкин?».

Улар абадий ҳаёт мавжудлигини исботлай олардилар. Мен масиҳийнинг атеистга қаратса гапирган гапини эшигтанман: «Фараз қилайлик, биз онанинг қорнидаги эмбрион билан гаплаша

оламиз. Сен унга нима айтган бўлардинг? Эмбрионал ҳаёт – бу узоқ ҳақиқий ҳаёт бошланишидан олдинги, фақатгина қисқа бир вақтми? Эмбрион нима жавоб қиласди? У сиз атеистлар, сизга жаннат ва дўзах ҳақида айтганимизда, бизга қарата жавоб берадиган гапингизни айтган бўларди. У онанинг қорнидаги ҳаёт бу ягона ҳақиқий ҳаёт ва қолган ҳаммаси – бу диний аҳмоқлик, деган бўларди. Агар эмбрион фикрлай олганда эди, у «Мана кўлларим ўсајпти. Менга улар керак эмас, чунки мен уларни ҳатто тўғирлай олмайман. Улар нима учун ўсајпти? Эҳтимол, улар менинг кейинги ҳаёт босқичимда фойдаланиш учун керакдир. Менинг оёқларим ўсајпти, аммо мен уларни кўкрагимга қисган холда ушлашим керак. Улар нима учун ўсајпти? Эҳтимол, келажакдаги ҳаётда, катта дунёда менга юриш учун керак бўлар. Мен тўлиқ коронғулик билан курсалган бўлишимга қарамасдан ва уларга муҳтож бўлмасамда, менинг кўзларим бор. Менга кўзлар нима учун керак? Эҳтимол, мен нурли ва рангли дунёда яшарман».

Шунинг учун, агар эмбрион ўзининг ривожланиши ҳақида ўйланганида эди, у кўрмасдан ҳам, она қорнидан ташқарида ҳам ҳаёт мавжуд эканлигини билиб олган бўларди. Биз ҳам худди шундай. Ёш пайтимизда кучимиз кўп, аммо уни тўғри ишлатиш учун ақл етишмайди. Биз йиллар ўтиб, билим ва донолик орттирганимизда эса, бизни қабрга элтиш учун тобут кутиб туради. Нима учун биз ўзимиз барибир ишлата олмайдиган билим ва доноликка эга бўлишимиз керак? Нима учун эмбрионнинг қўл, оёқ ва кўзлари ривожланади? Туғилгандан кейин келадиган ҳаёти учун. Биз билан ҳам худди шундай. Ердаги ҳаётимиз мобайнода биз ўлимдан кейинги даражага кўтарилишга тайёр бўлиш учун, керакли тажриба, билим ва донолик орттирамиз.

Коммунистлар Исо ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, дея ёзишади. Яширин жамоат масиҳийлари шундай жавоб қиласдилар: «Сизнинг ҳамёнингиздаги қанақа газета? Эх, ха бу «Ҳақиқат!» Бугунгими ёки кечагими? Берингчи кўрай. Аха! 1964 йил 4 январ. Қачондан бошлаб ҳисоблаган 1964 йил? Сиз айтасизки, Исо ҳеч қачон мавжуд бўлмаган, аммо ўзингиз Унинг туғилган йилидан бошлаб

хисоблайсиз. Вақт Унгача ҳам мавжуд бўлган. Гап шундаки, У келганида одамзод тушундики, илгари бўлган ҳамма нарса – бекордир ва ҳақиқий ҳаёт энди бошланди. Сизнинг коммунистик газетангизнинг ўзи, Исо – бу ўйлаб топилмаганлигига далиллар.

Гарбий жамоатнинг чўпонлари, уларнинг жамоатига келадиганлар, масиҳийликнинг асосий таълимотларини яхши билишадилар, деб ўйлайдилар, аммо бу аслида шундай эмас. Бизнинг имонимиз асослари ҳақидаги ваъзни камдан-кам эшитиш мумкин. «Темир парда» орқасида эса бунга ҳеч вақт ўқитилмаган одамлар, ўз сурувига кучли имон асосини қўя олдилар.

Масиҳийликнинг асосий суюнчиғи бўлган, яширин жамоатни, расмий жамоатдан ажратиб турадиган аниқ бир чегара мавжуд эмас. Улар бир-бирига уланиб кетган. Зулм остидаги мамлакатларнинг айрим шоу жамоатлари чўпонлари, давлат уларга белгилаб берган чегаралардан чиқсан ҳолда, маҳфий тарздаги хизматларни ҳам олиб боришадилар.

Коммунистлар билан ҳамкорлик қиласидиган, расмий жамоат ўзининг узоқ тарихига эга. У Россиядаги Октябрь социалистик инқилобидан кейинги, Сергей исмли нозир бошқарган «Тирик жамоат» дан бошланган. Унинг энг яқин ҳамкорларидан бири «марксизм – бу атеистларнинг ҳарфлар билан ёзган хушхабаридир» – дея айтган. Қандай ажойиб илоҳий таълимот!

Ҳар бир мамлакатда Сергейга ўҳшаган хизматчилар кўп.

Венгриядаги католиклар орасида ота Балог бор эди. У ва айрим протестант хизматчилари коммунистларга давлат устидан тўлиқ назоратни ўз қўлларига олишига ёрдамлашганлар.


Руминияда коммунистлар давлат тепасига, ўзининг олдинги гуноҳлари учун «қизиллар» олдида хизмат килиб кўзга кўринишни хоҳлаган, собиқ фашист, Бурдуча исмли православ руҳонийси ёрдамида келишган. У ўзининг раҳбарларидан ҳам кўра «қизил» бўлди. Бу руҳоний, Совет Иттифоқи давлат котиби Вышинский «Бу хукумат ерда жаннат ўрнатади ва сизга бошқа осмондаги жаннат керак бўлмайди» – дея, янги коммунистик хукуматни ўрнатишини эълон қилган пайтда, унинг ёнида туриб, уни тасдиқлаган ҳолда кулиб турган.

Россиялик нозир Николай каби хизматчилар учун, хукуматга маълумот ташувчи бўлиб хизмат қилиш оддий ҳол бўлган. Фавқулодда комиссиялар ходими (чекист) ва одамларни ўз томонига оғдирувчи, майор Дерябин, Николай уларнинг агенти бўлгани ҳақида кўрсатма берган.

Ҳамма диний табақаларда деярли мана шундай аҳвол бўлган. Руминия баптистларининг раҳбарияти, ҳокимият билан «ҳамкорлик қилишга» куч ишлатган ҳолда, ҳақиқий масиҳийларни хукм қилишга мажбурлаган. Совет Иттифоқидаги баптист жамоатларининг раҳбарлари ҳам худди мана шундай тарзда фаолият олиб боришган. Руминия адвентист жамоатлари президенти, Такич менга коммунистлар давлат тепасига келган биринчи кундан бошлаб, маҳфий полициянинг маълумот етказувчиси бўлганини тан олди.

Ҳамма жамоатларни ёпиш ўрнига (шунга қарамасдан улар минглаб жамоатларни ёпиши) коммунистлар, шайтонларча бир нечта «кўз-кўз қилинадиган» расмий жамоатлар қолишига руҳсат беришди. Ва уларни худди ойна каби ишлатиб, масиҳийларни кузатиш, назорат қилиш ва охир оқибатда умуман масиҳийликни йўқ қилиш учун ишлатишган. Улар шундай қарор қилдиларки, жамоат тузулмасини сақлаб қолиш, уни масиҳийларни бошқариш учун коммунистик асбобга айлантиришда ва чет эллик ташриф буюрувчиларни чалғитишда яхши бўлади. Дунё янги минг йилликка киришига қарамасдан, худди мана шундай ҳолат ҳозиргача расмий хитой жамоатида мавжуд. Бу Хитойдаги «ягона қонуний» жамоат хитой масиҳийларининг йигирма фоизидан камроғини ташкил қиласди.

Руминияда менга мана шундай жамоатни, чўпон сифати маҳфий полицияга унинг аъзолари ҳақида маълумот бериб туриш шарти билан таклиф қилишган. Кўриниб турибидики, «қора ва оқ»ни кўришга ўрганиб қолган Гарб, буни тушуна олмаяпти. Аммо яширин жамоат, болалар ва ёшлардан тортиб, ҳеч қачон «ҳамма жонзод» учун аҳамиятли ва самарали хушхабар қуроли бўлиш ўрнига, назорат қилинадиган, «кўз-кўз қилинувчи» жамоат бўлишга рози бўлмайди.



Бирок кўплаб раҳбарлар сотқинлигига қарамасдан, расмий жамоатларда барибир руҳий ҳаёт мавжуд. (Менинг назаримда, Гарбдаги кўплаб жамоатларда вазият худди мана шундай. Айрим ҳолларда жамоат аъзолари раҳбарият туфайли эмас, балки раҳбариятга қарамасдан содик қолишадилар.)

Россияда православ маросимлари ўзгармасдан қолди ва ҳатто унинг раҳбарлари коммунистларга лаганбардорлик қилишига қарамасдан, у ўз аъзоларининг юракларига руҳий овқат берарди. Лютеранлар, пресвитерианлар ва бошқа протестант жамоатлари ўша-ўша қўшиқларни куйлашардилар. Ва ҳатто маълумот етказувчилар ҳам ўз ваъзларида Муқаддас Китобга мурожат қилишига тўғри келарди. Ҳозирда Хитойда, сотқин хисобланадиган одамларнинг таъсири остида ҳам, кўплаб одамлар Худога мурожат этаяптилар. Уларнинг имонга келгани ҳақида махфий полицияга хабар етказилишини улар биладилар. Уларнинг пораҳўрликка ботган ваъзлари орқали келишига қарамасдан, ўз имонларини худди ўша одамлардан яширишга тўғри келади. Бу Худонинг ажойиб мўъжизаси ҳақида рамзий маънода Левийлар китобининг 11:37чи оятида гапирилади: «Ва агар [Мусо қонуни бўйича, ҳаром хисобланган] уларнинг ўлиқидан, униб чиқадиган қандайдир уруғ тушиб қолса, у ҳолда у ҳалолдир»

Адолат юзасидан шуни таъкидлаб ўтиш керакки, расмий жамоатнинг ҳамма чўпонлари ҳам ва ҳатто ҳамма нозирлари ҳам маълумот етказувчи бўлмаганлар.

Шунингдек, яширин жамоатнинг сояда қолиш керак бўлган одамлардан ташқари, бошқа аъзолари ҳам расмий жамоат хаётида муҳим рол ўйнаган. Улар масиҳийлик сиёсатга мослашиб қолмаслиги кераклигини ва у ўз имонини химоя қилишлари кераклигини билишган. Махфий полиция Руминияда, Владимиreshтидаги монастырни ва Россиядаги диний ташкилотларни ёпишга харакат қилганида, бу уларга осон бўлмади. Айрим коммунистлар динни тақиқлаш жинояти учун ўз ҳаёти билан тўлов тўладилар.

Аммо расмий жамоат камайиб борарди. Коммунизм пайтида бутун Совет Иттифоқидаги жамоатлар сони беш-олти мингга етишетмаслигини билмадим. (Қўшма Штатлар худди шундай аҳоли

ҳисобида, бир неча ўн кун олдин уч юз минг жамоатга эга эди). Ва бу «жамоатлар» кўпинча бизнинг тасаввуримиздагидек эмас, балки кичкина хоналардангина иборат эди. Чет элдан ташриф буюрувчилар Москвадаги, шаҳардаги ягона протестант жамоатининг тўлиб – тошганини кўрардилар ва дин эркинлиги борлиги хақида хулоса чиқаришарди. «Жамоатлар тўлиб-тошган» – дея хурсандчилик билан таъкидлашардилар. Улар ҳатто етти миллион аҳолига, фақат битта протестант жамоати мавжудлиги хақида шубҳа билан ҳам қарамасдилар! Ва ҳатто Совет Иттилоғининг саксон фоиз аҳолисига ўша бир хонали жамоатлар ҳам етиб бўлмас даражада эди. Мамлакат аҳолиси, ёки ўз тақдирига ташлаб қўйилар, ёки яширин жамоатнинг хушхабар айтиш усуллари орқали Худога келтирилар эди.


Мамлакатда коммунизм қанча қулоч ёйса, яширин жамоат шунчалик чукурроқ яширинишга мажбур бўлади.

Ёпилган жамоатларнинг ўрнини диний ташкилотлар билан курашиш бўйича сухбатлар эгалларди.

## **Қандай қилиб яширин жамоат атеистик адабиётлардан фойдаланган.**

Яширин жамоат атеистик адабиётларни қандай ишлатишни биларди ва худди Илёс пайғамбар қушлар олиб келган овқатни олгандек, улар ҳам «ундан озиқ олишардилар». Атеистлар Муқаддас Китобни танқид қилиш ва унинг устидан кулиш учун кам куч ва маҳорат сарфлашмаган.

Улар Муқаддас Китоб қандай ахмоқлик эканини кўрсатишга интилиб, бунинг учун Муқаддас Китобдан кўплаб оятлар келтиришган ҳолда, «Кулгили Муқаддас Китоб» ва «имонлилар ва имонсизлар учун Муқаддас Китоб» номли китобларни босиб чиқаришдилар. Биз бунга қанча хурсанд бўлдик! Китоб миллионлаб нусхада нашр қилинди ва коммунистлар ундаги оятларнинг устидан кулишига қарамасдан, у сўзлаб бўлмас даражадаги, Муқаддас Китобдан келтирилган оятларга тўла эди. Ундаги танқид шунчалик ахмоқона эдики, ҳеч ким уни жиддий



қабул қилмаган эди. Қадимда инвазиция томонидан «сохта таълимотдагилар» ни гулханда ёқилганларни, ўлими олдидан жаҳаннам ўти ва шайтон чизилган, бадбашара кийимларни кийгизиб, шаҳардан олиб ўтишган. Бу «сохта таълимотдагилар» қандай муқаддас одамлар бўлишган! Худди шундай тарзда, ҳатто шайтон уларни келтирса ҳамки, Муқаддас Китобдан келтирилган оятлар ҳақиқатлигича қолади.

Коммунистик нашриётларда Муқаддас Китоб оятлари, уларнинг устидан кулиш учун келтирилган, атеистик китобларни яна босиб чиқариш илтимос қилинган минглаб хатларни олишдан хурсанд бўлишар эдилар. Улар бу хатлар шундан бошқа Муқаддас Китобни олишнинг иложига эга бўлмаган, яшириң жамоатнинг аъзолари томонидан келганини билишмас эдилар.

Биз шунингдек атетистик дарсларни қандай ишлатишни яхши билардик.

Шундай лекцияларнинг бирида коммунист профессори, Исо сеҳргардан ўзга одам бўлмаганини исботлашга ҳаракат қилди. Профессор ўзининг олдида битта идишда сув қўйди. У унга кукун сепди ва сув қизил рангга айланди. «Мана сизга мўъжиза, – деди у – Исонинг енгига кукун яшириб қўйилган эди. У худди сув ажойиб тарзда шаробга айланиб колгандек, кўриниш қилди. Мен ҳатто Исодан кўпроқ нарса қилишим мумкин, яъни шаробни яна сувга айлантиришим мумкин». Ва суюқликка бошқа кукунни сепди. Сув тиник ранг бўлди. Ўшанда у яна биринчи кукунни сепди ва сув яна қизил бўлди.

Аудиториядаги битта масиҳий ўрнидан туриб: «Сиз қила олган ишингиз билан бизни ҳайратга солдингиз профессор. Аммо энди ўз винонгизни бир ичингчи». Профессор шундай жавоб берди: «Буни мен қила олмайман. Кукун заҳарли». – «Мана бу, сиз ва Исо ўртангиздаги фарқ – деди масиҳий. – У Ўзининг шароби билан мана икки минг йилдирки, одамларга қувонч улашиб келади, сиз эса ўз шаробингиз билан уларнинг ҳаётини заҳарлаяпсиз». Бу мард масиҳий қамоқقا тушди, аммо бу ҳақидаги гап сўзлар узокларгача тарқалди ва кўплаб масиҳийларни имонда мустаҳкамлади.

Биз – заиф ва кичкина Довудлармиз. Аммо биз Атеизмнинг Гўлиётидан кучлироқмиз, чунки Худо – бизнинг томонимизда. Ҳақиқат бизга тегишли.

Бир марта коммунист ўқитувчи атеизм бўйича ишчиларга дарс берарди. Ҳар бир ишчи бу дарсни тинглаши шарт эди. Ишчилар орасида масиҳийлар ҳам оз эмас эди. Улар Худонинг мавжудлигини инкор килувчи ва Масихга ишонувчиларнинг аҳмоқ эканлигига ишонтирувчи далилларини диққат билан тинглашдилар. Ўқитувчи худди Худо, Масих, ўлимдан кейинги ҳаёт йўқ бўлгани каби, рухий дунё ҳам мавжуд эмаслигига ва инсон – бу фақатгина жонсиз модда эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилди. У қайта ва қайта фақатгина модда мавжудлигини таъкидлади.

Ўқитувчи ўзининг хикоясини тугатганида, масиҳий сўз беришини сўради. У йигиладиган курсини бошидан тепага кўтариб, пастга улоқтириди. Кейин жим бўлиб уни кузатди. Бундан кейин бу эркак ўқитувчининг ёнига келди ва унинг юзига шаполоқ туширди. Ўқитувчининг жаҳли чиқди. У жаҳли чиққандан қизарип кетди, бу кишига қараб сўкина бошлади ва қамоқ билан таҳдид қила бошлади. У шундай қичқирарди: «Сенинг менга шаполоқ туширишга қандай ҳаддинг сиғди? Нима учун?»

Масиҳий жим бўлиб жавоб берди: «Сиз ҳозиргина ўзингизни ёлғончи кўрсатдингиз. Биз ҳаммамиз – моддамиз ва бундан бўлак нарса эмасмиз, дея таъкидладингиз. Мен стулни олдим ва уни ташлаб юбордим. У – ҳақиқатдан модда. Мен сизни урганимда эса, сиз стулдан фарқли ўлароқ, жавоб бердингиз. Модда захрини сочмайди ва жаҳли чиқмайди, сизнинг эса жаҳлингиз чиқди. Демак, ўртоқ профессор, сиз хато қиласпиз. Инсон – бу оддий моддадан кўра улугрок. Биз – рухий мавжудотлармиз»

Яширин жамоатдаги масиҳийлар ҳар хил йўллар билан атеистларнинг пухта тайёрланган далилларини чиппакка чиқарар эдилар.

Қамоқхонада зобит мендан жиддий сўради: «Сен ўзингнинг аҳмоқона динингга қачонгача ишониб юрмоқчисан?» Мен унга шундай жавоб бердим: «Мен ўзининг ўлим тўшагида ётиб, худосиз одам бўлганидан афсусланган ва уни қутқариши учун Масихга

мурожат қилган күплаб атеистларни кўрдим. Масиҳий ўзининг ҳаёти охирида, у масиҳий бўлганидан афсусланиб, нажот топиш учун Маркс ёки Ленинга мурожат қилганини, сиз ҳеч тасаввур қила оласизми?» «Доно жавоб», – дея қахқаҳа отди зобит. Мен эса давом этиб: «Мухандис қўпприк курганида, унинг устидан мушук ўтгани ҳали қўпприкнинг ишончли эканлигидан далолат бермайди. Унинг мустаҳкам эканлигини исботлаш учун, унинг устидан ҳеч бўлмаганда поездни ўтказиш керак. Ҳамма нарса яхши бўлган пайтда, сизнинг – атеистлигингиз, ҳали бу атеизмнинг ҳақиқат эканлигини исботламайди. Сизнинг эътиқодингиз чуқур инқироз пайтида бардош бера олмайди». Мен унга ҳатто Ленин Совет хукуматининг боши бўла туриб, қийинчиликлар пайтида ибодат қилганини исботлаш учун, Лениннинг ишларидан фойдаландим.

Биз воқеалар ривожини кутиб, тинч ва жим бўлиб яшадик. Коммунистлар эса нотинч эдилар ва улар бирин кетин динга қарши ҳар хил ҳаракатларни ўйлаб топишар эдилар. Шу билан улар муқаддас Августиннинг ушбу сўзларини исботлар эдилар: «Юрак Сенда тинчлик топмагунча, нотинчлик бўлади».

## **Ҳатто коммунистларни ҳам имонга олиб келиш мумкин**

Яширин жамоат озод мамлакатларда яшовчи имонлиларнинг ёрдами билан коммунистларнинг юрагини эгаллашга ва дунё юзини ўзгартиришга қодир. У ғалаба қозонади, чунки коммунист бўлиш – бу табиий эмас. Ҳатто ит ҳам ўз шахсий суюгига эга бўлишни хоҳлайди. Коммунистларнинг юраги, уларга берилган вазифа ва уларни ишонишга мажбур қилинаётган беъманиликтан нафратланади.

Уларнинг айримлари «модда – бу ҳамма нарса», биз маълум бир тарзда ташкил қилинган, кимёвий нарсалар билан бирикканмиз ва ўлимдан кейин биз яна туз ва минералларга айланамиз, – дея таъкидлайдилар. Улардан: «Нима учун кўплаб мамлакатларнинг коммунистлари эътиқодлари учун ўз ҳаётини бердилар? Ва «кимёвий элементлар бирикмаси» эътиқодга эга бўлиши

мумкинми? «минераллар», «ўзларини бошқа одамларнинг фойдаси учун қурбон қилишга» қодирми?» – деб сўрашнинг ўзи кифоя. Бу саволларга уларда жавоб йўқ.

Ўшанда шафқатсизлик ҳақидаги савол ўртага чиқади. Инсон ҳайвон сифатида яратилмаган, у узоқ вақт мобайнода шафқатсизлик қила олмайди. Айримлари ўзларини ўзлари ўлдирган ва бошқалари эса тавба қилиб, ўз гуноҳларига икрор бўлган нацист етакчиларининг ҳалокати бунга исботдир.

Коммунистик мамлакатлардаги ичкиликнинг юқори даражада эканлиги, бу одамларнинг ҳаётга, коммунизм кўрсатганидан кўра чуқурроқ ҳаёт маъносига интилишидан далолат беради. Оддий совет одами – бу яхши, олийжаноб ва сахий одам. Коммунизм – бу юзаки ва саёздир. Инсон ҳаётнинг чуқур маъносига интилади ва хеч каердан топа олмагандан кейин ичкиликтан қидира бошлайди. У ичкилик орқали ўз нафратини, ўзи яшашга мажбур бўлган шафқатсизликлар ва ёлғонлар ичида намоён қиласди. Ичкилик одамни бир муддатга, ҳақиқат эса, агар уни таниб билса, бутун умрга озод қиласди.

Бир марта Бухарестда совет истилоси пайтида (1947-1989), мен қаҳваҳонага кириш учун кучли хоҳишни ҳис қилдим. Мен билан бирга бориши учун хотинимга телефон қилдим. У ерга кирганимизда, Совет армиясининг капитани тўўпонча билан у ерга келганларни қўрқитиб, ичкилик талаб қилиб турганини қўрдик. Қаҳваҳонанинг хўжайини зобитга рад қилишга ҳаракат қиласди, чунки у аллақачон етарлича маст бўлган эди. Бу ерга ташриф буюрганлар қўрқувдан қалтираётган эди. Мени танийдиган қаҳваҳона хўжайинининг ёнига бордим ва капитан ёнига ўтириб, уни тинчлантиришга ваъда қилган ҳолда, капитанга ликёр (ўткир спиртли ширин ичимлик) беришини сўрадим. Бизга бир шиша орқасидан бошқасини келтира бошладилар. Столда учта стакан турарди. Капитан хушмуомалалик билан учтасини тўлдирав... ва учтасини ҳам иchar эди. Менинг хотиним ва мен ичмадик. У жуда маст бўлишига қарамасдан, унинг мияси яхши ишларди. У ичкилика ўрганиб қолган эди. Мен унга **Масих** ҳақида гапириб берардим, у эса ҳайратланиб диққат билан эшитар эди.

Мен тугатганимда, у менга шундай деди: «Сиз менга ўзингиз ҳақингизда айтиб бердингиз, энди мен ҳам ўзимнинг ким эканлигим ҳақида айтай. Мен – Сталин давридаги шафқатсиз кувгинлар пайтида, биринчилардан бўлиб, ўз имонидан воз кечган, православ рухонийсиман. Мен қишлоқдан қишлоққа юриб, атеизм бўйича лекциялар ўқидим ва одамларни Худо мавжуд эмаслигига ишонтирадим. Мен рухоний бўла туриб, товламачи эдим. «Мен – худди бошқа хизматчилар каби ёлғончиман», – дер эдим уларга. НКВД (Ички ишлар халқ комитети) ишчилари менинг ҳатти-харакатимни яхши баҳоладилар ва мен уларнинг агентига айландим. Худонинг менга берган жазоси шу бўлдики, мен мана шу қўлларим билан масиҳийларни қийнашга ва ўлдиришга мажбур эдим. Энди эса мен ўзим қилган ишларни унтиш учун ҳар доим ичаяпман. Шундай қилишимга қарамасдан бу ҳам ёрдам бермаяпти».

Коммунистларнинг ажойиб шоирлари Есенин ва Маяковский, машхур ёзувчиси Фадеев каби кўплаб коммунистлар ўз ҳаётларига ўзлари суюқасд қилиб умрига якун ясаганлар. Фадеев ўзининг эндинга ёзиб тугатган «Бахт» номли асарида, баҳт коммунизмга чарчамасдан хизмат қилишдан иборат, дея ёзган эди. У шунчалик «баҳтли» эдики, ўз асарини тугатиши биланоқ, ўзини ўзи отган. Унинг юраги учун, бундай катта ёлғон юкини кўтариб юриш, жуда оғирлик қилган. Коммунизм ҳукронлик қилган пайтдаги машхур коммунист етакчилари ва коммунизм курашчилари, Иоffe ва Томкинлар ҳам коммунизмнинг асл юзини кўрганларида, у билан рози бўла олмадилар. Улар ҳам ўз ҳаётларини ўзлари суюқасд қилиб якунладилар.

Коммунистлар, ҳатто уларнинг энг машхур диктаторлари ҳам – баҳтсиз одамлар. Сталин қандай баҳтсиз одам эди! Ўзининг барча собиқ сафдошларини ўйқ қилиб, у ҳар доим заҳарланиш ёки отиб ташланиш хавфи остида яшаган. Унда худди банқдаги темир сандиққа ўхшаб ёпиладиган еттита ётоқхонаси бўлган. Навбатдаги кечада у қайси ётоқхонада ётишини ҳеч ким билмаган. Агар ошпаз ўзининг ҳузурида овқатни ўзи биринчи татиб кўрмаса, Сталин бу овқатни ҳеч қачон емаган. Коммунизм ҳеч қачон, ҳатто ўзининг

диктаторларини ҳам баҳтли қила олмайди. Улар ҳаммаси Масихга муҳтождирлар.

Масихийларни қувғин қилувчиларни Худога олиб келсак, биз нафакат уларнинг қурбонларини, балки қувғин қилувчиларнинг ўзларини ҳам озод қилган бўлардик.

Яширин жамоат зулм остидаги халқларнинг чуқур муҳтожлигини ўзида намоён қиласяпти. Унга ёрдам беринг!

\* \* \*

Яширин жамоатнинг ўзига хос қирраси – бу унинг самимий имони.

«Георгий» таҳаллуси остида ёзилган китобда, хизматчи Худонинг яширин жамоати ҳақида ёза туриб, шундай бир воқеани тилга олади:

«Совет армиясининг капитани венгер хизматчисининг ёнига келади ва уни ёлғиз қабул қилишини сўрайди. Ёш капитан жуда қўпол эди ва ўзининг ғолибона ҳолатидаги устунлигини яхши тушунарди. Уни унча катта бўлмаган конференциялар залига олиб келишиб, эшик ёпилганида, у деворда осилиб турган хочга ишора қилиб, хизматчига шундай деди:

- Сиз биласизми, буларнинг ҳаммаси – ёлғон. Бу сиз руҳонийлар камбагал одамларни алдаш учун, бой одамлар уларни жаҳолатда ушлаб туриш осон бўлиши учун ишлатадиган оддий ёлғон. Қани тан олинг-чи, биз ахир бу хонада ёлғизмизку. Тан олинг, сиз Исо Масих Худонинг Ўғли бўлганига ҳеч қачон ишонмагансиз.


Хизматчи кулиб:

- Эҳ, менинг ёш бечора ўғлим, албатта мен ишонаман. Буларнинг ҳаммаси – ҳақиқат.

- Мени алдашингизга йўл қўймайман! – дея қичқирди капитан.  
– Мен жиддий гапирайман. Менинг устимдан кулманг!

У тўппончасини чиқарди ва руҳонийнинг пешонасига қўйди.

- Агар бу ҳақиқат эмаслигини тан олмасангиз, – отиб ташлайман!



- Мен буни тан ололмайман, чунки унда мен самимий иш қилмаган бўламан. Бизнинг Раббимиз ҳақиқатдан Худонинг Ўғли, – деди хизматчи.

Капитан тўппончани ерга иргитиб юборди ва кўзида ёш билан Худонинг одамини қучоқлади.

- Бу ҳақиқат! – деб қичқирди у. – Бу ҳақиқат! Мен ҳам шундай ўйладим, аммо инсон имони учун ўлиши мумкинлигига, ўзим ишонч ҳосил қилмагунимча ишонмадим. Раҳмат сизга! Сиз менинг имонимни мустаҳкамладингиз. Энди мен ҳам Масих учун ўлишга тайёрман. Сиз менга бунинг қанақа эканлигини кўрсатдингиз.

Мен бошқа бир воқеани ҳам биламан. Совет жангчилари Руминияни забт қилишганида, иккита тўппонча билан қуролланган аскар жамоатга киришди. Улар шундай деди: «Ўз имонидан воз кечмаган хар бир киши отилади. Ҳамма, воз кечганлар, – бир қадам ўнгга». Бир нечта одам ўнгга қадам ташлади. Уларга аскарлар уйларига кетишни буюрдилар. Бу одамлар ўз ҳаётини кутқариш учун югурдилар. Қолган масиҳийлар билан яккана якка қолган рус аскарлари шундай деди: «Биз ҳам масиҳиймиз, аммо биз фақатгина бу ҳақиқат ҳаёт учун арзийди, деб билган одамлар билан муносабатда бўлмоқчи эдик».

Мана шундай одамлар Хушхабар учун курашганлар ва ҳозиргача Жанубий – Шарқий Осиёда курашишмоқда. Улар нафақат Хушхабар учун, балки озодлик учун ҳам курашмоқдалар.

Гарбдаги масиҳийларнинг уйларида соатлаб дунёвий мусиқалар янграйди. Бизнинг уйларимида ҳам мусиқа янграрди, аммо у фақатгина Хушхабар ҳақидаги, яширин фаолият ҳақидаги сухбатларни қўшнилар эшитмаслиги ва маҳфий полицияга етказмаслиги учун янграрди.

Яширин жамоатдаги масиҳийлар, Гарбдаги Худога содик бўлган масиҳийлар билан камдан-кам бўладиган учрашишларга имкони бўлганида жуда хурсанд бўлардилар!

Бу сатрларни ёзаётган киши – фақатгина бир арзимас одам. Аммо мен – овози ўчирилаётган, оғзи ёпилаётган одамларнинг, Гарбда улар ҳақида ҳеч нарса билишмайдиган одамларнинг овозиман. Уларнинг номидан, имон ва масиҳийларнинг муаммолари

масаласида күйпроқ жиддийликни сўрайман. Уларнинг номидан коммунистик ва бошқа зулм остидаги мамлакатларнинг, яширин жамоатларида азоб чекаётган содик кишилар учун ибодат ва амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

\* \* \*

Биз коммунистлар устидан ғалаба қозонамиз. Биринчидан, чунки Худо – бизнинг томонимизда. Иккинчидан, биз инсоният юрагидаги чукур муҳтожликларига жавоб берган холда ваъз қиласмиз.

Нацистларнинг қўлида асирида бўлган коммунистлар, энг оғир онларида ибодат қилишганини тан олишган. Мен ҳатто «Исо, Исо» деган сўзлар билан вафот этаётган, коммунист зобитларини ҳам кўрганман.

Биз ғалаба қиласмиз, чунки бизнинг халқимизнинг маданий мероси – бизнинг томонда. Коммунистлар ҳозирги масиҳийларнинг ҳамма ишини тақиқлашлари мумкин. Аммо россияликларда, одамлар Масихнинг нурини кўриши мумкин бўлган, Толстой ва Достоевскийларнинг китоблари қолади. Худди шундай шарқий немислар – Гётенинг асарлари, полякларда – Сенкевичларнинг асарлари қолади. Энг машхур румин ёзувчиси Садовяну бўлган. Коммунистлар унинг «Муқаддаслар ҳаёти» китобини «Муқаддаслар ҳақидаги афсона» номи билан чоп қилишган. Бирок ҳатто шу ном остида ҳам муқаддасларнинг ҳаётидан келтирилган мисоллар одамларни илҳомлантиради.

Ҳеч ким тарихдан Рафаэл, Микеланжело ва Леонардо да Винчининг ишларини ўчира олмайди. Уларнинг асарлари ҳам Масих ҳақида гапиради.

Мен коммунистлар билан Масих ҳақида гаплашаётганимда, унинг чукур руҳий муҳтожликлари менинг иттифоқчимга, менинг ёрдамчимга айланади. У учун энг қийин нарса, бу менинг далилларимга жавоб бериш эмас. Энг қийин нарса бу менинг тарафимни оладиган, ўз виждони овозини ўчириш хисобланади.

Мен атеизм бўйича дарсларини ўтказишдан олдин, Худога бу ишда ёрдам бериш учун ибодат қилган, марксизм ўқитувчиси билан шахсан танишман! Мен бизнинг маҳфий йигилишларимизга келадиган коммунистларни биламан. Уларни фош қилишганида, улар ўзларининг яширин учрашувларда иштирок этишганини рад қилишардилар. Бундан кейин эса улар ўзларини бу маросимларда иштирок этишга чорлаган, имонларини химоя қилишга мардликлари етмагани учун йиғлардилар. Улар ҳам инсон эдиларда.

Инсон имонга келганида, ҳатто жуда юзаки бўлса ҳам, у ўсишни ва ривожланишини бошлайди. Биз ишонамизки, у охир оқибатда ғалаба қозонади, чунки яширин жамоат бундай ғалabalарга кўп марта гувоҳ бўлган.

Масих коммунистларни ва «имонга қарши бўлганларни» яхши кўради. Уларни Масихга келтириш мумкин ва зарур. Бутун инсоният жонини қутқаришдан иборат бўлган, Исонинг юрак хоҳишини бажо келтиришни хоҳлайдиган ҳар бир киши, яширин Жамоат хизматини қўллаб-куватлаши шарт. Исо шундай деган: «Барча халқлардан шогирд орттиринглар». У ҳеч қачон хушхабар айтиш учун давлатнинг рухсати керак,- деб айтмаган. Бизнинг зулм чекаётган халқлар орасидаги ишимизда, Худога ва Буюк Топширикка нисбатан содиклик, ҳамма чегараларни бузиб ўтишга мажбур қиласди.

Яширин жамоат билан бирга хизмат қилсак, биз бу одамларга эриша оламиз!

## Яширин жамоатнинг таркибий қисми

Яширин жамоат учта тоифадан иборат. Биринчи тоифага, ўз жамоатларидан ва Худонинг сурувидан ажратилган, кўп минглаб собиқ чўпонлар ва хизматчилар киради. Чунки улар Хушхабарга қарши бормадилар. Бу чўпонлар ва хизматчиларнинг кўпчилиги кўп йилларга қамалдилар ва имони учун азоб чекдилар. Озод бўлишганидан кейин улар тезгина ўз хизматларини қайта тиклашди ва яширин жамоатда яширин тарзда, аммо самарали равишда хизмат қила бошладилар. Коммунистик ва бошқа зулмкор хукumatлар

жамоатларни ёпишига ёки уларни «ишончли» хизматчиларга алмаштиришига қарамасдан, бу чўпонлар омборхоналарда, томнинг тепаларида, ертўлаларда ва далаларда яширин йигилишлар ўтказиб, ўз хизматини ҳар қачонгидан кўра самаралироқ тарзда давом эттиридилар. Бу одамлар – ҳеч нарсага қарамасдан, ҳатто такорий қамалиш ва қийналиш хавфи бўлишига қарамасдан, ўз хизматини тўхтатмайдиган «тирик азоб чекувчи»лардир.

Яширин жамоатнинг иккинчи тоифаси – бу Худога бағишлиланган имонлиларнинг катта армиясидир. Ҳар бешинчи одам, минглаб масиҳийлар «руҳсатсиз» хушхабар тарқатаётган коммунистик Хитойда яшайди. Кувғин ҳар доим энг яхши масиҳийларни, яъни гувоҳлик берувчи, Масих учун жонларни қутқарувчи масиҳийларни етиштириб берган. Коммунистик кувғин, озод мамлакатларда камдан-кам учратиш мумкин бўлган, бағишлиланган ва жиддий масиҳийларни етиштириб берди. Бу одамлар масиҳий бўла туриб, йўлида учраган одамларни Масихга олиб келишни хоҳламасликни умуман тушунмайдилар.

«Қизил юлдуз» (Совет армияси газетаси) кўп марта масиҳийларга ҳужум қилган: «Масихга ишонувчилар ҳар бир одамга қаратада ўзларининг очкўз чангалини отишга тайёрлар». Аммо, ҳаёти нурга тўла бўлган масиҳийлар, қўшниларини ва ҳамқишлоқларини ўз севгиси ва ҳурмати билан қозонган. Ихтиёрий қишлоқда ёки шаҳарда масиҳийлар энг севимли аҳоли ҳисобланган, уларни билишган ва ҳурмат қилишган. Қачонки, онаси касал бўлиб, ўз болаларига қарай олмаганида, кўпинча масиҳий қўшнилар бу жавобгарликни ўзларига олишган. Қачонки, эри касал бўлса ва ўтин кеса олмаса, кўпинча буни масиҳий қўшни қилиб берган. Улар масиҳий ҳаёт билан яшаган, шунинг учун улар Масих ҳақида қўшнисига гувоҳлик беришганида, одамлар эшитишган ва ишонишган, чунки Масихни уларнинг ҳаётида кўришган. Расмий жамоатларда рўйхатдан ўтказилган хизматчилардан ташқари ҳеч ким ваъз қилиш ҳуқуқига эга бўлмагани учун, бутун коммунистик дунёнинг турли бурчакларида, миллионлаб Худога содик, жўшқин масиҳийлар бозорларда, сув сотадиган колонкаларнинг ёnlарида, қишлоқларда гувоҳлик бериб, одамларни Худога олиб келишган.

Коммунистик газеталар, қандай қилиб масихий қассоблар, сотилган гүштнинг ёнига, Хушхабарни ҳам қўшиб, ўраб беришгани ҳақида хикоя қилишарди. Коммунистик газеталарда, коммунистик нашриётларда раҳбарлик вазифасини эгаллаб турган масихийлар, жуда кечаси цехга кириб, эрталаблагача бир неча минг нусхадаги масихий адабиётларни босиб чиқаришгани ва қўёш чиққунча яна нашриётни ёпиб чиқиб кетишгани ҳақида ёзишган. Ўша коммунистик газета ва журнallар орқали, Москвадаги масихий болалар «номаълум манбалардан» Хушхабарни олгани ҳақида ҳам ўқиганмиз. Улар оятларни қўлда кўчиришиб, кейин эса мактабнинг ечинадиган хонасида қўлёзмаларни ўз ўқитувчиларининг ҳамёнига солиб қўйишган. Катта сондаги жамоат аъзолари ва уларнинг болалари, одамларни Масихга олиб келишга қодир бўлган, жуда кучли ва самарали элчилик (миссионерлик) кучи хисобланадилар. Улар хозир ҳам барча коммунистик мамлакатларда иш олиб бормоқдалар.

Коммунистлар томонидан миллионлаб содик, жўшқин ва юрагида ўти бор масихийларни йўқ қилишига умид қилган, қувгин олови фақатгина уларни янада оловлантириди ва тозалади.

Коммунистик Кубада давлат томонидан қилинган қувғинларга қарамасдан, минглаб янги уй жамоатлари пайдо бўлди. Кубадаги ҳамма динлар бирдамлиги тарафдорлари йигилиши асосан марксизм тарафдори бўлган жамоат раҳбарларидан иборат бўлган.

Яширин жамоатнинг учинчи муҳим тоифаси – бу кўп сондаги, бўйсундирилган ва овози ўчирилган расмий «жамоат»нинг содик чўпонларидан иборат. Яширин жамоат қандайдир расмий жамоатдан тўлиқ ажralган эмас. Коммунизм хуркронлиги пайтида Полшадаги, Венгриядаги ва собиқ Югославиядаги расмий жамоатнинг жуда кўп чўпонлари махфий равишда яширин жамоатларда ишлаганлар. Айрим мамлакатларда расмий ва яширин жамоатларнинг узилмас алоқасини ҳозиргача кузатиш мумкин. Бу чўпонларга ўзларининг кичкина, бир хонали жамоатларидан ташқарида Масих ҳақида гапириш тақиқланган. Улар болалар ва ёшлар учрашувларини ўтказиши мумкин эмас. Масихий бўлмаганлар йигилишларда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Йўл

кўрсатувчилар жамоат аъзоларининг уйларида касаллар учун ибодат қилиши мумкин эмас. Улар ҳамма томондан «жамоатни» заиф қилувчи коммунистик кўрсатмалар билан чегараланган.

«Дин эркинлигидан» нафратланувчи назорат билан дуч келган чўпонлар, кўпинча хукумат чегараси доирасидан чиқадилар ва яширин хизмат олиб борадилар. Шу тарзда улар мардларча ўз эркинлигини хавф остига қўядилар. Бу чўпонлар болаларга ва ёшларга яширин ҳолда гувохлик берадилар. Яқин Шарқда, Шимолий Америкада ва Осиёда улар масиҳийларнинг уйларида ва ертўлаларда хушхабар тарқатадилар. Улар масиҳий адабиётларни олади ва чанқоқ одамларга тарқатадилар. Улар қўйилган расмий чегараларни инкор этиб ва ўз атрофидагиларга хизмат қилиб, ўз эркинлигини хавф остига қўядилар. Бир қарашда камтар ва бўйсунувчан бу кишилар, Худо Каломини яширин тарзда тарқатиш учун ўз ҳаётларини хавф остига қўйишга ҳам тайёрдирлар. Уларнинг кўпчилиги собық Совет Иттифоқида фош қилинган ва кўлга олинган. Улар бир неча йиллик қамоқ жазоси олишган.

Бирок ҳозир ҳам янада кўпроқ эркак ва аёллар қамалмоқда. Улар эркин бўлмаган давлатларнинг яширин жамоатларида жуда муҳим етакчи куч ҳисобланадилар.

Қачонлардир ўз жамоатларидан ҳайдалган собық хизматчилар, давлат бошликлари томонидан қувғин қилинаётган жамоат аъзолари ва ўзларига рухсат берилганидан кўра кўпроқ ва самаралироқ иш қилган расмий чўпонлар – уларнинг ҳаммаси яширин ёки бошқачароқ номли, яъни «норасмий», «рўйхатдан ўтмаган» жамоатларда хизмат қилишган. Яширин жамоат коммунизм ва бошқа «измлар» ағдарилмагунича мавжуд бўлаверади. Айрим мамлакатларда уларнинг айримлари бошқаларига караганда фаолроқ, аммо улар ўзларини катта хавфга қўйган ҳолда, биргаликда Масиҳга хизмат қиласидилар.

Коммунистик мамлакатларда дин масаласи билан қизиқиб, саёҳат қилган бир эркак, ҳеч бир яширин жамоат вакилини учратмагани ҳақида ёзган.

Бу худди Марказий Африкадаги маълумотсиз қабилалар орасида саёҳат қилиб ва орқага қайтганида: «Мен жуда синчковлик билан

кидирдим. Мен уларнинг ҳар биридан, бадиий тил билан гапириши ҳақида сўрадим. Аммо улар йўқ деб жавоб бердилар» – дея таъкидлаган одамга ўхшайди. Аммо ҳақиқат шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси бадиий наср билан гапирадилар, лекин улар гапираётган гап, бадиий тил деб аталишини билмайдилар.

Илк масихийлар, ўзларининг масихий деб номланишини билишмаганлар. Агарда улардан динлари ҳақида сўрасангиз, улар – яхудийлар, исроилликлар, Исога Масих сифатида ишонувчилар, биродарлар, муқаддаслар, Худонинг болалари деб жавоб берган бўлардилар. Уларга «масихий» деган номни анча кейинрок, биринчи марта Антиохияда беришган.

Лютернинг хеч бир издоши у – лютеран эканини билмаган. Лютернинг ўзи бу номга қарши фаол курашган.

«Яширин жамоат» номини коммунистлар, ҳамда Шарқдаги диний вазиятни ўргангандувчи гарбий изланувчилар, барча коммунистик мамлакатларда ўз-ўзидан ташкил топган яширин ташкилотларга нисбатан ишлатишган. Яширин жамоатнинг аъзолари ўзларининг ташкилотини «яширин жамоат» деб атамайдилар. Улар ўзларини масихийлар, имонлилар, Худонинг болалари деб аташадилар. Бироқ улар ўз хизматини яширин равишда олиб борадилар, яширин учрашадилар, яширин учрашувларда Хушхабарни ваъз қиласидилар. Худди ўша яширин учрашувларда ўша чет элликлар ҳам иштирок этадилар ва оқибатда яширин жамоатни кўрмадик, дея таъкидлайдилар.

Гарбда йиллар мобайнида саёҳат қилиш ва халқаро жосуслар тўрини учратмаслик мумкин, аммо бу унинг мавжуд эмаслигидан далолат бермайди. У шунчалик ақлсизмаски, ҳар битта қизиқувчан саёҳатчига у ўзини кўрсатаверса.

Кейинги бўлимда мен ўн йиллар олдин совет матбуотида нашр қилинган айрим мақолалардан кўчирмалар келтираман. Улар бу мард ташкилот – яширин жамоатнинг мавжудлиги ва ўсиб боришидаги аҳамиятини исботлайди.

## Қандай қилиб масиҳийлик коммунизм устидан ғалаба қозоняпти.

Мен сизларга аллақачон ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқиб, Совет армияси аскарлари ва солдатлари, ҳамда румин коммунистлари орасида, Исо Масих Хушхабарини яширин тарзда тарқатганим ҳақида ҳикоя қилдим. Мен сизларга коммунистлар ва улар зулм ўтказаётган халқларга Масих хушхабарини тарқатиш учун ёрдам сўраб мурожат қилдим. Менинг илтимосим фақат «назарий» ва «имконсиз» хисобланадими? Ёки уни амалга ошириш мумкинми?

Яширин жамоат ҳозирда коммунистик Осиёда ва бошқа зулм остидаги мамлакатларда мавжудми? У ерларда яширин иш олиб бориш имкони борми?

Бунга жавоб сифатида мен сизларга жуда яхши ҳабарни айтаман.

Коммунистлар ўз ғалабасини ярим асрдан кўпроқ нишонладилар. Аммо бу ғалаба аслида уларнинг мағлубияти эди. Коммунизм эмас, масиҳийлик ғалаба қозонди. Бизнинг ташкилотимиз синчковлик билан ўрганган, совет матбуоти яширин жамоатга қарши салбий тарғиботта тўлиб тошган эди. Совет яширин жамоати шунчалик кучли эдики, у коммунистларни қўрқишига мажбур этиб, ярим оммавий равишда ҳам ишлаган. Энди эса собиқ совет матбуоти буни ўзларининг мақолалари билан ҳам тасдиқляпти.

Яширин жамоат бутун дунё бўйича худди сузид юрувчи муз тогига ўхшайди. Асосан у юзада жойлашган бўлмайди, аммо кўпинча унча катта бўлмаган қисми узоқдан кўриниб туради.

Кейинги саҳифаларда мен йигирманчи асрда масиҳийларнинг ғалабали хизматлари ҳақидаги қисқача тарихни келтириб ўтаман.

## **Сузиб юрувчи муз тоғининг чўққиси**

1966 йил 7 ноябрда Кавказдаги Сухуми шаҳрида яширин жамоат очик осмон остида катта хушхабар тарқатиш қилишди. Кўплаб имонлилар унда иштирок этиш учун бошқа шаҳарлардан ҳам келишдилар. Хушхабар тарқатиш пайтида қирқ еттита ёш йигитлар Масихга келди ва худди Муқаддас Китоб пайтидагидек, ўша ерда, Қора денгизда сувга чўмдирилишди.

Ўн йиллик коммунистик диктатурани бошдан кечириб, Муқаддас Китоб ва бошқа адабиётларга эга бўлмасдан, яширин жамоат хизматчилари ҳатто қандайдир таълимга эга эмас эдилар. Шунингдек Филип ҳам унга эга бўлмаган. Аммо у билан эҳтимол, бир соат мобайнода гаплашган ҳабаш ундан сўраган: «Мана, сув! Менинг чўмиб имон келтиришимга нима тўсқинлик қиласи? – деди. Филип унга: – Агар бутун қалбинг билан ишонсанг бўлади, – деди. Амалдор: – Исо Масих – Худонинг Ўғли деб ишонаман, – деди. Ўшанда аравани тўхтатишга буюриб, Филип билан амалдор иккаласи ҳам сувга тушишди, Филип амалдорни сувга чўмдириб имонга киритди» (Ҳаворийлар 8:36-38)

Яширин жамоат Муқаддас Китоб пайтидаги тажрибани қайта тиклаши учун Қора денгизда сув етарлича. Ҳозирда, Россияда коммунистик партия ҳокимиятда бўлмасада, масиҳийлар бир қатор собиқ совет республикаларида қаттиқ қувгинларга учрамоқдалар.

1966 йил 23 августдаги «Ўқитувчи газетаси» Ростов-на-Дону кўчаларида бўлиб ўтган кўтарилишлар ҳақида ҳикоя қиласи. Баптистлар ўзларининг йиғилишларини рўйхатдан ўtkазишдан ва коммунистлар томонидан тайинлаган янги «раҳбариятни» тан олишдан бош тортишган.

Бу биринчи майда юз берган. Худди Исо фарзийларга қарши чиқиб, шанба кунлари мўъжизалар қилганидек, яширин жамоат ҳам айрим пайтларда коммунистик қонунларга қарши чиқиш

учун, коммунистик байрам қунларини танлаган. Биринчи май – коммунистлар ҳар доим катта намойишлар қиладиган ва унда ҳар битта одам иштирок этадиган катта байрамдир. Аммо айнан мана шу куни Россиянинг яна бир катта кучи, яширин жамоат ҳам кўчаларда пайдо бўлди.

Бир ярим мингдан кўпроқ имонлилар йигилдилар. Уларнинг барчасини Худога бўлган севги олиб келган. Улар ўз озодлигини хавф остига қўяётганини ва қамоқхоналарда очлик ва азоблар кутаётганини билишган.

Россиядаги ҳар бир имонли Барнаулдаги хушхабарчи масихийлар томонидан нашр қилинган «Махфий мурожатнома» ни билишган. Унда қандай қилиб Кулунда поселкасидан Хмара исмли опамиз қамоқхонадан эри ўлганлиги хақидаги хабарни олгани ёритилган. У тўртта боласи билан бева бўлиб қолган. Ўз эрининг ўлигини олиб, у унинг билакларидағи кишан изларини кўрган. Қўл ва оёқлари ҳайвонларча куйдирилган. Корнининг пастки қисмида пичокдан яраланган излар қолган. Ўнг оёқи шишиб кетган. Иккала оёқи ҳам синдирилган. Унинг бутун танаси қаттиқ азоблар туфайли яраланиб қолган.

Ростов – на – Донудаги намойишда қатнашган ҳар бир киши, уни ҳам худди шундай оқибат кутишини билган. Бироқ барибир улар келишган.

Улар шунингдек, бу имонга келганидан уч ойдан кейин, ўз ҳаётини Худога топшириб, азоб чекиб ўлган одам, кўп сонли плакатлар кўтарган масихийлар оломони билан кўмилганини билишган. Плакатларда шундай ёзувлар ёзилган:

*«Мен учун ҳаёт – Масихдир, ўлим эса – ютуқдир» (Филиппиликлар 1:21), «Танни ўлдириб, жонни эса ўлдира олмайдиганлардан қўрқманглар» (Матто 10:28), «...Худонинг Каломи ва берган шаҳодатлари туфайли шаҳид бўлганларнинг жонларини қурбонгоҳ поясида кўрдим» (Ваҳий 6:9).*

Бу шоҳиднинг намунаси Ростов-на-Донудаги масихийларни рухлантириб юборди. Улар унча катта бўлмаган уйнинг атрофига йиғилишган. Одамлар ҳамма жойда – яқин жойдаги томларнинг тепасида, Заккайга ўхшаб, дараҳтларда бўлишган. Ўша куни

саксон киши, асосан ёшлар Худони таниб билган. Уларнинг ичидан йигирматаси – сабиқ комсомолчилар (коммунистик ёшлар ташкилоти аъзолари)!

Масиҳийлар бутун шаҳардан ўтиб, Дон дарёсига қараб боришган. Ўша ерда эса янги имонга келганларни сувга чўмдиришган.

Тезда милиция автомобиллари пайдо бўлган. Милиционерлар имонлиларни дарёнинг қирғоцида, фақатгина ташкил қилувчиларни қўлга олишга ҳаракат қилиб, ўраб олишган. (Чунки улар барча бир ярим минг кишини қўлга ола олишмасди!). Имонлилар тезгина тиз чўкиб, жўшқин ибодатлари билан Худога мурожат қилишган. Улар Худодан Ўзининг халқини ҳимоя қилишини ва йиғилишни охиригача ўтказа олишларини сўрашган. Бундан кейин эса биродарлар ва опа-сингиллар елкама-елка туриб, йиғилишни ташкил қилган хизматчиларни ўраб олишган ва милиция уларни қўлга олишига йўл қўйишмаган. Вазият жуда ҳам жиддий тус олган.

«Ўқитувчи газетаси» Ростов-на-Дону даги баптистларнинг ташкилоти шахсий «ноқонуний» босмахонага эга бўлган. (Россияда «баптист» тушунчasi кўпинча хушхабарчилар ва элликчиларни ҳам ўз ичига олган). Ўзларининг яширин нашрларида ёшларни ўз имони ҳимоясига туришга, ота-оналарни эса – менинг фикримча тўғри ишни қилишга, яъни «Болалар ўткинчи нарсалардан хавотирланмасликлари учун, уларни дафн қилиш маросимларига олиб боришга» чақирилган. Ота-оналарга шунингдек, коммунистик мактабларда тўхтамасдан заҳарловчи, атеизмга қарши қурол сифатида, болаларга масиҳий таълим беришга чақирилган.

«Ўқитувчи газетаси» даги мақола шундай савол билан якунланган: «Нима учун ўқитувчилар болаларини [дин ёрдамида] аҳмоққа айлантираётган оиласларнинг ҳаётига шунчалик журъатсизлик билан аралашаяптилар?».

Бу ўқитувчилар учун газета, одамларни яширин равишда сувга чўмдирган яширин чўпонларнинг ишини тинглаш жараёнида юз берга воқеа ҳақида ёзган: «Гувоҳ сифатида чақирилган ёш имонлилар совет судига жуда қўпол муносабатда бўлишди ва нафрат билан қарашди. Улар ўзларини магрур ва муттасибларча

тутишди. Суд залида иштирок этган ёш аёллар судланувчиларга атеистик жамият каби маъқулламаслик фикри билан эмас, балки завқ билан қарашган».

Дўйпосланиш ва хукм қилиниш хавфига қарамасдан, яширин жамоат аъзолари Совет Иттифоқининг Коммунистик партияси Комитети биноси қархисида туриб, озодлик талаб қилишган.

Биз махфий йўллар орқали Гарбга контрабанда йўли билан жўнатилган хужжатга эгамиз. Уни бизга Совет Иттифоқининг (масихийларни оммавий қирғин қилган коммунистик ҳукуматнинг инсонпарварлигини юқори баҳолаган ва масихийларга берилган «эркинликни» кўкларга кўтарган, сотқин Карев томонидан бошқарилган, коммунистлар томонидан назорат қилинадиган «Баптистлар уюшмасига» қарши тузилган) «ноқонуний» баптист хушхабарчи жамоатлар уюшмаси тақдим қилди.

Бу махфий хужжатда, бу сафар Москванинг ўзида бўлиб ўтган яна бир қаҳрамонларча қилинган оммавий намойиш ҳақида гапирилади.

Мен ушбу хужжатдан кўчирма келтираман:

«Тезкор хабар.

*Азиз биродар ака-укалар ва опа-сингиллар, Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масиҳдан сизларга тинчлик ва марҳамат тилаймиз. Сизларга шуни хабар қилмоқчимизки, 1966 йил 16 майда марказий ҳокимият органларининг ҳаракатларига қарши намойишда иштирок этиши учун Москвага келган, хушхабарчи масихий-баптист жамоатининг беш юз кишилик гурӯҳи вакиллари, уларни қабул қилиши ва тинглаши талаби билан, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Коммунистик партияси Марказий Комитети биносига қараб йўл олдилар.*

*Биз Бош котиб Брежневнинг номига арзнома жўнатдик».*

Бу мурожатноманинг давомида, қандай қилиб бу беш юз киши кун бўйи бино олдида тургани ҳақида айтилади. Бу коммунизмга қарши Москвадаги биринчи оммавий намойиш эди. Уни яширин жамоат вакилларидан иборат гурӯҳ ташкиллаштирган эди. Кун охирида улар Брежнев номига иккинчи арзномани топширдилар.

Унда қандайдир «ўртоқ» Строганов уларнинг арзини Брежневга беришдан бош тортгани ва дўқ-пўписа қилингани ҳақида айтилади.

Беш юз вакил ёмғир бўлишига қарамасдан, кўчада тунаб қолишган. Уларни сўз билан ҳақорат қилишларига қарамасдан, ёnlаридан ўтаётган машиналардан уларнинг елкаларига сачраган лойга қарамасдан, улар эрталабгача Коммунистик партия биноси олдида кутиб ўтиришдилар!

Эртаси куни арзимас коммунистик раҳбарлар билан учрашиш учун уларни бинога киришга таклиф қилишди. Аммо «раҳбарлар билан учрашишни хоҳлаган имонлиларни, гувоҳлар йўқ бўлган бинога кирганида урушини билиб, вакиллар бир овоздан рад қилишди ва Брежневнинг қабул қилишини кутишда давом этишди».

Ўшанда орқага қайтариб бўлмас воқеа юз берди

13:45 да йигирма саккизта автобусда милициялар келишда ва имонлиларни қаттиқ жазолаш бошланди. «Биз бир-бирларимизнинг қўлимиздан ушлаб, доира бўлиб турдик ва «Бизнинг ҳаётимизнинг энг яхши кунлари – бу хочни олиб юришимиз мумкин бўлган кунлар» деган қўшиқни айта бошладик. Милиция ходимлар ёш ва қарига қарамасдан бизларни ура бошладилар. Улар доирадан одамларни юлиб олиб, уларнинг юзига, бошига ура бошладилар ва кейин эса асфальтга ташлардилар. Улар бир неча биродарларнинг сочидан ушлаб автобусга судраб олиб боришли. Кимdir чиқиб кетишга ҳаракат қилса, уларни ушлаб олиб, хушидан кетгунча уришли. Автобус имонлилар билан тўлгандан кейин, уларни номаълум йўналишда олиб кетишли. Биродарларимизнинг қўшиқлари милиция автобусларидан ҳам янграрди. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг кўз ўнгидаги юз берди.

Давоми эса – бундан ҳам қизиқарлироқ. Беш юз масиҳийни қамоққа олишганидан, албатта азоблар беришганидан кейин, биродар Георгий Винс ва бошқа яна бир машхур биродар Михаил Хорев (Масиҳ сурувининг ҳақиқий чўпонлари) лар ўша Коммунистик партияниң Марказий Комитетига боришга жазм этдилар. Яхё Чўмдирувчи ҳам қамоққа олинганидан кейин, Исо худди ўша жойда ва Яхё Чўмдирувчи азоб чеккан, ўша сўзлар билан, яъни «Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлаб

қолди» (Матто хушхабари 4:17) -дея оммавий ваъз қилишни бошлади.

Винс ва Хоревлар қамоққа олинган вакиллар қаерда эканлиги билан қизиқдилар ва уларнинг озодлигини талаб қилишди. Бундан кейин бу икки мард биродаримиз йўқолиб қолишди. Оқибатда улар Лефортовский қамоқхонасига қамалгани ҳакида хабар олинди.

Яширин жамоат масиҳийлари кўркувни хис қилишганми? Йўқ! Уларнинг имон бўйича биродарлари, мен ҳикоя қилаётган бу мурожатномани бизга тақдим этиб, ўзлари ҳам озодлигини хавф остига қўйишидилар. Мурожатнома шундай сўзлар билан якунланади: «Худо сизларга Масихга ишонишнигина эмас, балки Масих учун азоб чекиш тақдирини ҳам насиб этган» (Филиппликлар 1:29). Улар биродарларни шунга чақирадилар: «токи бу қайгулар билан яна бирортаси йўлдан тойиб кетмасин. Тақдиришим қайгули эканлигини ўзларингиз биласизлар» (1-Слоникиаликларга 3:3). Улар шунингдек Ибронийларга 12:2 дан кўчирма келтириб, имонлиларни: «Имонимизнинг Илгори ҳамда уни камолга Етказувчи Исога кўз тикайлик. У Ўзини кутаётган шодлик учун шармандаликтни менсимай, хоч азоб-уқубатига чидади. Ҳозир эса У Арши Аълонинг ўнг томонида ўтироқда» – дея чорладилар.

Яширин жамоат очиқ равишда Ростовда, Москвада ва бутун Россияда ёшларни атеистик захарланишига қарши чиқдилар. Улар коммунистик захарга қарши ва расмий жамоатнинг сотқин раҳбарларига қарши курашдилар. Мана сотқин раҳбарлар ҳакида маҳфий мурожатноманинг бирида нима дейилади: «Бизнинг давримизда шайтон буюраяпти, «жамоат» эса Худонинг амрларига қарши қарорлар кабул қиласяпти» (1966 йил 4 октябрдаги «Украина ҳақиқати» газетасидан кўчирма).

«Шарқ ҳақиқати» газетаси Америкадан узатиладиган, хушхабар радио эшиттиришларини тинглашни ташкил қилган биродарлар Алексей Неверов, Борис Гармашов ва Аксён Зубовларнинг иши кўрилган суд жаёни материалларини босиб чиқарди. Улар олдин лентали тасмаларга ёзиб олишган, кейин эса биродар ака-укалар ва опа-сингиллар орасида тарқатишган.

Уларни шунингдек «экскурсия» ва «ижодий кечалар» баҳонаси остида, маҳфий хушхабар йигилишлари ташкил қилишда айблашган. Шунинг учун яширин жамоат, худди илк жамоат Римнинг ер ости йўлларида (катақомбаларида) фаолият олиб борганига ўхшаб ишлаган.

1966 йил 15 сентябрдаги «Совет Молдавияси» газетаси, яширин жамоат доимий равишда буклетлар босиб чиқаргани ҳақида ёзган. Имонлилар қонуний жиҳатдан тақиқланган бўлишига қарамасдан, ахоли гавжум бўлган жойларда йигилишган ва Масих ҳақида гувоҳлик бериб, бир жойдан бошқасига юришган.

Худди ўша газета, Рена Кишинёв поездидага тўрт ёш йигит ва тўрт қиз «Ўз ёшлигимни Масихга бағишлайман» номли қўшиқни куйлашгани ҳақида ҳикоя қилган. Мақола муаллифи дарғазаб бўлиб, имонлилар «қўчаларда, бекатларда, поездларда, автобусларда ва ҳатто давлат идораларида ҳам» ваъз қилаётганликлари ҳақида ёзган. Буларнинг ҳаммаси – коммунизм пайтидаги Совет Иттифоқи яширин жамоатининг хизмати эди.

Бу масиҳийлар оммавий жойларда масиҳий қўшиқларни куйлаш жинояти учун суд ҳукми қарори ўқилганида, ҳукм қилингандар ушбу сўзлар билан бошларини эгишган: «Биз ўзимизни Худонинг кўлига топширамиз. Раббимиз, Сен ўз имонимиз учун азоб чекишга йўл қўйганинг учун, Сенга миннатдорчилик билдирамиз». Ўшанда иштирок этувчилар «ишқибозларча руҳланиб» ўринларидан турдилар ва ҳозиргина уларнинг биродар ака-ука ва опа-сингиллари қамоқ жазосига ва азобларга ҳукм қилинган залнинг ўзида қўшиқ куйлай бошладилар.

Копчег ва Захаровка қишлоғидаги масиҳийлар биринчи май куни, ўз жамоати биносига эга бўлмаганликлари туфайли, ўрмонда яширин йигилиш ташкил қилдилар. Улар шунингдек туғилган кунни баҳона қилиб масиҳий йигилишлар ташкил қилишардилар. (Кўп масиҳий оиласлар, тўртта-бешта оила аъзосига эга бўла туриб, руҳий мулоқот қилиш учун баҳона сифатида, бир йилда ўттиз беш марта «туғилган кун нишонлашган»).

На қамоқхоналар, на азоб-уқубатлар яширин жамоат масиҳийларини қўрқита олган. Худди илк жамоатга ўхшаб, қувғинлар фақатгина уларнинг содиклигини кучайтирган холос.

1966 йил 4 октябрдаги «Украина ҳақиқати» газетаси аллақачон уч марта қамалган, Россия яширин жамоати раҳбарларидан бири бўлган биродар Прокофьев ҳақида ёзган. Аммо ҳар сафар уни озод қилишганида, у яна якшанба мактабларини ташкил қила бошларди ва шу туфайли яна қамаларди. Хатларининг бирида у шундай ёзган: «Инсоний қонунларга [коммунистик қонунларга] бўйсуниб, расмий жамоат ўзини Худонинг марҳаматларидан маҳрум қилди».

Босиб олинган мамлакатлардаги биродарларнинг ҳукм этилганини эшишиб, ҳеч қачон Ғарбдагидек қамоқхона ҳақида ўйламанг. Чунки у ердаги қамоқхона – бу очлик, азоблар ва мияни тозалаш жойи.

1966 йилдаги № 9 сонли «Фан ва дин» журнали, масиҳийлар «Гулхан» журналининг муқоваси ичida хушхабар етказувчи адабиётлар тарқатгани ҳақида хабар берган. Улар шунингдек, ичida Муқаддас Китобдан парчалар келтирилган, Лев Толстойнинг «Анна Каренина» асари муқоваси билан китоблар тарқатишган.

Бундан ташқари имонлилар масиҳий қўшикларни жамоат жойларида ҳам қўйлашган. Коммунистик «Интернационал» кўйи асосида улар Масихни улуғлаганлар – дея ҳикоя қилади, 1966 йил 30 июнда чиққан «Казан ҳақиқати».

Сибирдаги Кулунда қишлоғида босиб чиқарилган махфий хатда, масиҳийлар шундай айтишган: «Худди рухонийлар, уламолар ва фарзийлар Исони Пилатга ўзлари топширганидек, баптист жамоатининг расмий раҳбарлари, бутун дунё бўйлаб жамоатни ва унинг ҳақиқий хизматчиларини ўйқ қилдилар. Аммо бунга қарамасдан, Худога содик бўлган яширин жамоат хизмат қилишда давом этмоқда!»

Масихнинг Келини Унга хизмат қилишда давом этмоқда. Ҳатто коммунистларнинг ўзлари ҳам, яширин жамоат уларнинг партиядаги сафдошларини Масихга ишонтираётганини тан олишган!

1966 йил 27 апрелдаги «Баку ишчиларига» газетасида, коммунистик ҳокимият томонидан ушлаб олинган Таня Чугунованинг (Масиҳни қабул қилган, ёш комсомоллар ташкилоти аъзоси) хати нашр этилган:

*«Азиз Надя хола, севикли Раббимиздан сизга тинчлик ва марҳамат тилайман. Надя хола, У мени жудаям яхши кўради! Биз унинг олдида ҳеч нарса эмасмиз. Надя хола мен ишонаманки, сиз ушбу сўзларни тушунасиз: «дushmanlарингизни севинглар. Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинг. Сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун, сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар».*

Бу хат кўлга тушиши биланоқ, Таняни ва кўплаб бошқа йигит ва қизларни Масиҳга олиб келган биродар Пётр Серебренников кўлга олинди ва қамоққа ташланди. Худди ўша газета унинг ваъзидан бир парчани келтиради: «Биз худди биринчи масиҳийларга ўҳшаб, бизнинг Нажоткоримизга ишонишимииз керак. Биз учун асосий қонун Муқаддас Китоб хисобланади. Биз бошқа ҳеч нарсани тан олмаймиз. Биз одамларни, айниқса ёшларни гуноҳдан кутқаришга шошилишимиз керак». У совет қонуни ёшларга Масиҳ ҳақида гапиришни тақиқлашини таъкидлаган ва «Муқаддас Китоб – бу ягона қонун» – деб қўшиб қўйган.

Бундан кейин коммунистик газета шундай «даҳшатли расмни» тарифлаб беради: «Йигит ва қизлар руҳий қўшиқлар куйламоқда. Улар сувга чўмдириш маросимларида иштирок этмоқда ва ўз дushmanларини севиш ҳақидаги сотқинларча таълимотга амал қилмоқдалар». Шунингдек, мақолада ёш комсомол ташкилотининг аъзолари бўлган, кўплаб йигит ва қизлар аслида масиҳийлар экани таъкидлаб ўтилади! У шундай сўзлар билан якунланади: «Чўпонлар ўқувчиларни шундоққина бефарқ ўқитувчиларнинг бурнилар тагидан юлиб олишаяптилар... Бунинг учун коммунистик мактаб қанчалик кучсиз, зерикарли ва нурдан маҳрум бўлиши керак»

1966 йил 30 июнда чиққан «Қозоқистон ҳақиқати» газетасидаги бир мақола муаллифи даҳшат билан, мактабдаги энг яхши

ўқувчилардан бири – бу масихий оиладан бўлган бола экани хақида хикоя қиласди!

1966 йил 17 январда чиққан «Қирғиз ҳақиқати» эса, оналарга мурожат қилиб ёзилган яширин масихий буклетдан кўчирма келтиради: «Бизнинг болаларимиз ҳаётини бешикдаги давридан бошлаб, Худога бағишлиш учун ибодат ва ҳаракатларимизни бирлаштирайлик!.. Болаларимизни дунёнинг таъсиридан химоя қиласйлик!»

Бу ҳаракатлар самарали бўлди. Коммунистик газеталар, масихийлик ёшлар орасида тез тарқалаётганидан гувохлик беришади!

Челябинскдаги газеталардан бири, қандай қилиб комсомол бўлган Нина, масихийларнинг яширин йигилишига борганидан кейин, масихийга айлангани хақида мақола босиб чиқарган.

1966 йилги № 9 сонли «Совет адлияси» журнали шундай яширин йигилишлардан бирини таърифлайди. «Уни ярим кечаси ўтказишган. Жим бўлиб, ҳатто ўзларининг соясидан қўрқиб, одамлар хар жойлардан келишган. Биродарлар қоронғу, паст шифтли хонани тўлдиришган. Улар шунчалик кўп йигилишганки, тиззалаб туриш учун жой йўқ эди. Ҳаво етишмаганлиги туфайли газли чироқ ўчиб қолди. Тер иштирок этувчиларнинг юзларида шовуллаб оқарди. Кўчада хизматчилардан бири, милиция кўриниб қолмаслиги учун кузатиб турарди. Нина, уни бундай учрашувларда қучоқ очиб, илиқлик ва ғамхўрлик билан кутиб олишини айтди. «Уларда худди хозир мендагидек, Худога нисбатан чуқур ва кучли имон бор. У бизни Ўзининг паноҳига олади. Мени билган комсомоллар, мен билан саломлашмасдан ёнимдан ўтиб кета колсинлар! Менга қарайверсинлар, менга худди «Баптистка» – дея шапалоқ тушурганига ўхшаб, мени лақаб билан чақираверсинлар! Хоҳлаганини қилишсин! Менга барибир».

Худди Нинага ўхшаб, яна кўплаб ёш комсомолчилар охиригача Масихга хизмат қилишга қарор қилдилар.

1967 йил 18 августдаги «Казан ҳақиқати» газетаси, биродарлар Классен, Бондарем ва Телегинлар устидан бўлиб ўтган суд хақида ёзган. Мақолада уларга қандай ҳукм чиқарилгани айтилмаган,

аммо уларнинг жинояти шундан иборат бўлганки, улар болаларга Масих ҳақида ўргатишган.

1967 йил 15 июня чиққан «Совет Киргизияси» чоп этилган мақола муаллифи, масиҳийлар «ўзлари уларга нисбатан маъмурий жазо қўлланишига сабаб бўладилар» – дея таъкидлаган. Шундай қилиб, бу қайсар масиҳийлар томонидан, ўзларининг озодлиги билан қониқмасдан, доимий равишда масиҳийларни камоққа олинишига сабаб бўлувчи, масиҳийларнинг яна бир гурӯҳи «бегуноҳ» совет ҳукумати томонидан қўлга олинди. Уларнинг жинояти, масиҳий адабиётлар босиб чиқариладиган, нусха кўчирадиган ўн бешта (гектограф) ва муқова қиласидаган олтита асбоблардан иборат ноконуний босмахона ташкил қилишганидан иборат бўлган.

1968 йил 21 февралдаги «Ҳақиқат» газетаси, Муқаддас Китобдаги оятлар ва ибодатлар ёзилган белбоғлар ва тасмалар осиб юрган пайтида фош қилинган, минглаб аёл ва қизлар ҳақида хабар беради. Бу янги одатни бошлаган эркақ, масиҳий, кимсан милиция ходими, Люберецлик биродар Стасюк бўлган. Мен буни Гарб масиҳийларига ҳам маслаҳат берган бўлардим. Газета унинг қўлга олингани ҳақида хабар берди.

Яширин жамоатнинг масиҳийлари коммунистик суд олдида бўлиб қолган пайтида, берган жавоблари илоҳий илҳомланган бўлади. Суд ҳаками судланувчидан: «Нима учун сиз одамларни тақиқланган сектага жалб қиласяпсиз?» – дея сўраган. Масиҳий аёл эса: «Бизнинг мақсадимиз – бутун дунёни Масих учун эгаллашдир» – деб жавоб берган.

Бошқа бир суд жараёнида суд ҳаками «Сизнинг динингиз – қадимий дин», – дея туриб олган. Айбланувчи талаба шундай жавоб берган: «Сиз Эйнштейндан ҳам кўпроқ биласизми? Ньютондан ҳам кўпроқми? Уларнинг ҳар иккаласи имонлилар бўлишган. Бизнинг Коинотимиз Эйнштейннинг номи билан аталади. Ҳали мактабдаги давримиздаёқ бизга унинг эйнштейн коиноти,- деб аталашини айтишган. Эйнштейн шундай ёзган: «Агар яхудийликни пайғамбарлардан ва Исо ўргатган масиҳийликни, кейинроқ пайдо бўлган нарсалардан, айниқса рухонийлар

томонидан пайдо бўлган нарсалардан тозаласак, у холда дунёни бутун ижтимоий ёвузликлардан қутқаришга қодир бўлган динга эга бўламиз. Ҳар бир одамнинг муқаддас бурчи – бу дин ғалаба қозониши учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилишдан иборат». Бизнинг машхур физиологимиз Павловни эслайсизми! Нажотки у китобларда масихий бўлган деб ёзилмаган? Ҳатто Маркс ўзининг «Капитал» номли китоби муқаддимасида «масихийлик, айникса унинг протестантлик қўриниши, гуноҳ натижасида бузилган характеристерларни ўзгартириш учун энг маъқул дин» – дея ёзган. Менинг характеристерим ҳам гуноҳ натижасида бузилган эди. Маркс ўзимнинг характеристеримни ўзгартиришим учун масихий бўлишга туртки бўлди. Шундай қилиб, сиз марксистчилар бунинг учун мени қандай ҳукм қилишингиз мумкин?»

Нима учун суд ҳакамлари соқов бўлиб қолганларини тушуниш жуда осон.

Масихийлик динининг фанга қарши эканлиги ҳақидаги айловга, бошқа бир имонли суд ҳакамига қараб шундай жавоб берди: «Мен ишонаманки, жаноб суд ҳаками, сиз мисол учун хлоформа ва кўплаб тиббий дори-дармонлар ихтирочиси, профессор Симпсонга ўхшаб, машхур олим эмассиз. У энг муҳим ихтироси ҳақидаги саволга шундай жавоб берган: «Бу – хлороформа эмас. Менинг энг аҳамиятли ихтироим, гуноҳкорлигимни ва Худонинг инояти бўйича нажотга муҳтоҷлигимни тушуниб етганиб бўлди».

Исо Масихга ишонадиганларнинг имон учун беришга тайёр бўлган хаёти, ўз қурбонлиги, қони, масихийлик учун етарлича асос ҳисобланади, буни эса яширин жамоат намоён қила олди. Худди шу нарсани, африка қабилалари орасида ишлаган, машхур хушхабар элчиси Альберт Швейцер «олдиндан азоб чекишга белгилангандарнинг муқаддас иттифоқи» деб атаган. Бу иттифоқ азоб чеккан Эр, Масих билан тузилган. Яширин жамоат ўз Нажоткорига севги риштаси билан боғланган. Худди ўша севги риштаси жамоат аъзоларини ҳам бир-бирлари билан бирлаштиради. Дунёда хеч ким уларни буза олмайди.

Ғарбга контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилган хатда, яширин жамоат шундай хабар беради: «Биз энг яхши масихийлар

бўлиш учун ибодат қилмаймиз, балки Худо бизнинг қандай масиҳий бўлишимизни хоҳласа, худди шундай масиҳий: Масихга ўхшаган, яъни Худонинг улуғворлиги учун хочни бажонидил кўтариб юрадиган масиҳийлар бўлиш учун ибодат қиласиз»

Худди Исо ўргатганидек, илондек зийрак бўлиб, масиҳийлар тергов ва суд жараёнларида ўз раҳбарларини тутиб беришдан бош тортадилар.

1966 йил 15 январда чиққан «Шарқ хақиқати», айбланувчи Мария Севчук, уни ким Масихга олиб келгани тўғрисидаги саволга: «Худо мени йигилиш бўлиб турган пайтда имонга олиб келди», – деб жавоб бергани хақида хикоя қиласи. Бошқа бир масиҳийдан: «Сизнинг раҳбарингиз ким?» – деб сўрашганида, у: «Бизда раҳбар одам йўқ» – дея жавоб берган.

Масиҳийларнинг болаларидан «Ким сени пионер ташкилотини ташлашга ва қизил галстукни ечишга ўргатди?» – деб сўрашганида, улар: «Буни биз ўз ихтиёrimiz билан қилдик. Бизни бунга хеч ким ўргатмади» – дея жавоб беришганлар.

Айрим пайтларда «айсберг»нинг учини кўришга мувофиқ бўлган бўлсаларда, бошқа вазиятларда масиҳийлар жамоат раҳбарлари қўлга тушишининг олдини олиш учун, ўз-ўзларини сувга чўмдириш тажрибасидан ҳам фойдаланишган. Айрим пайтларда дарёдаги сувга чўмдириш пайтида, чўпон ва сувга чўмдираётган одамлар, уларни расмларда хеч ким танимаслиги учун никоблар кийиб олишган.

1964 йил 30 январда чиққан «Ўқитувчи газетаси» Москва вилояти, Солнечногорский тумани, Воронин қишлоғида ўтказилган атеистик дарслар хақида хабар беради: «Ўқитувчи дарсни тугатиши билан, имонлилар оммавий равишда атеистик таълимотга хужум қила бошладилар. Улар ўқитувчи жавоб бера олмайдиган саволлар бера бошладилар. Улар: «Сиз коммунистлар эълон қиласидиган, лекин ўзларингиз амал қилмайдиган йўл-йўриқларни, мисол учун «ўғирлик қилма» ёки «одам ўлдирма» каби йўл-йўриқларни қаердан олгансизлар?» – дея сўрадилар. Масиҳийлар ўқитувчига бу йўл-йўриқларнинг ҳаммаси, коммунистларнинг ўзлари қарши курашаётган Муқаддас Китобдан олинганлигини кўрсатишиди.

Ўқитувчи хижолат бўлиб қолди ва дарс имонлиларнинг ғалабаси билан якун топди!»

## Яширин Жамоатдаги қувғинлар кўпайиб бормоқда

Айрим собиқ совет республикаларида худди олдингига ўхшаб, масиҳийлар қувғинлардан азоб чекмоқдалар. Бутун дунё бўйлаб зулм остидаги мамлакатлардаги яширин жамоат масиҳийлари ҳар қачонгидан кўра кўпроқ азоб чекмоқдалар. Ҳисоблаб кўрилганда, фақатгина 1997 йилнинг ўзида бир юз олтмиш минг масиҳий ўлдирилган. Масиҳийлар учун коммунистик давлатларда яхудийларнинг қувғин қилинишини эшитиш жуда оғрикли. Аммо қувғинларнинг энг асосий нуқтаси барибир яширин жамоат бўлиб қолмоқда. Кўп йиллар олдин совет матбуоти, масиҳийларга нисбатан оммавий кўлга олишлар ва жиноий ишлар кўзғатилгани ҳақида хабар берган. Битта шаҳарда саксон иккита масиҳий руҳий касаллар клиникасига жойлаштирилган. Бир неча кундан кейин уларнинг йигирма тўрттаси «узоқ давом этган ибодатлардан» кейин вафот этган! Қачондан бери узоқ давом этадиган ибодатлар одамларни ўлдирадиган бўлди? Бу одамлар қандай қийинчиликдан ўтишлари керак бўлганини, сиз тасаввур қила оласизми?

Энг оғир азоблар масиҳийларга шуни олиб келдики, агар улар болаларига Масих ҳақида ўргатишсалар, ота-оналардан болаларни бир умрга олиб қўйишар ва бориб кўриш ҳуқуқидан маҳрум этишар эди.

Коммунизм даврида Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «таълим доирасида ҳуқукларни поймол қилиш» дан воз кечиши ҳақидаги декларацияни имзолаган. Унда: «Ота-оналар ўз эътиқоди бўйича болаларига диний ва ахлоқий тарбия бериш ҳуқуқига эга» – деб ёзилган. Совет Иттифоқи расмий баптистлар Ююшмаси раҳбари, сотқин Карев ўзининг мақолаларидан бирида, бу ҳуқуклар Иттифоқда амалга ошаётганига ишонтирган, аммо бунга фақатгина аҳмоқлар ишонган! Бу масала бўйича совет матбуоти нима айтганини эшитиб кўрайлик.

1963 йил 4 июнда чиққан «Совет Россияси» газетаси, фамилияси Макринкова бўлган баптист аёлидан, фақатгина болаларини масиҳий эътиқод бўйича йўл-йўриқларга ўргатгани учун ва пионер галстукини тақишини тақиқлагани учун, олтита фарзандини тортиб олишган.

Унинг устидан чиқарилган қарорни эшишиб, бу аёл фақатгина: «Мен имоним узун азоб чекаяпман» – деди холос. У куч билан тортиб олиниб, интернатга жойлаштирилган болалари билан тўлов тўлашга тўғри келди. У ерда болаларни атеизм билан заҳарлар эдилар. Масиҳий оналар, бу аёлнинг кулфати ҳақида бир ўйлаб кўринг!

«Ўқитувчи газетаси» худди шундай воқеа Игнатий Маллин ва унинг рафиқаси билан ҳам юз бергани ҳақида хабар қиласди. Суд ҳаками улардан ўз имонидан воз кечишини талаб қилиб: «Худони ёки қизингизни танланг. Наҳот сиз Худони танласангиз?» – деди. Ота эса: «Мен ўз имонимдан воз кечмайман!» – дея жавоб қиласди.

Ҳаворий Павлус айтадики: «Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қиласди» (Римликларга 8:28). Мен масиҳий оиласарда тарбия топган ва кейин эса ота-оналаридан тортиб олиниб, атеистик мактабларга жойлаштирилган болаларни кўрдим. Уйда ота-оналари томонидан сингдирилган, уларнинг имонлари атеизм билан заҳарланиш ўрнига, бошқа болаларга ҳам тарқалар эди!

Муқаддас Китобда шундай ёзилган: «Ота ёки онасини Мендан ортиқ севган Менга лойиқ эмас. Ўғли ёки қизини Мендан ортиқ севган Менга лойиқ эмас» (Матто 10:37)

Ўз болаларингизни кўрмасдан бир хафта яшаб кўринг! Ўшанда сиз зулм остида яшаётган мамлакатлардаги биродарларимизнинг азбларини яхшироқ тушунасизлар. 1967 йил 29 мартағи «Ёшлик байроби» газетаси, фуқаро аёл Сычнинг ўғли Вячеславни, фақатгина Худодан қўрқиш асосида тарбиялагани учун тортиб олингани ҳақида гапиради. Хабаровсклик фуқаро аёл Забавинни, етим қолган невараси Татянанинг устидан васийлик қилишдан маҳрум этишган. Чунки 1968 йил 13

январдаги «Совет Россияси» нинг гувоҳлик беришича, у аёл қизга «нотабиий [масихий] таълим» берган. Масихийларни ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этиш хозиргача зулм остидаги мамлакатларда давом этмоқда.

Фақатгина протестант яширин жамоатлари ҳақида гапириш адолатдан бўлмасди.

Коммунистик тузум пайтида Россиядаги православ масихийлари бутунлай ўзгардилар. Улардан миллионлаб киши на хоч, на хочга михланиш, на иконалар, на тутатқилар, на шамлар бўлган қамоқхоналарда ўтириб чиқишиган. Уларнинг аъзолари қамоқхоналарда, қўл қўйилган руҳонийларсиз бўлишган. Руҳонийлар эса на кийимга, на буғдои нонга, на поклаш учун шаробга, на ёғга, на ибодат учун ўқиладиган китобларга эга бўлишган. Ва улар бу нарсаларсиз, тўғридан тўғри ибодатда Худога мурожат қилиш мумкинлигини тушуниб етишдилар. Улар ибодат қилишни бошладилар ва Худо эса уларни Муқаддас Рухга тўлдира бошлади. Коммунизм даврида Совет Иттифоқидаги православлар орасида, худди протестант имонлилар каби ҳақиқий уйғониш юз бера бошлади.

Шундай бўлдики, Иттифоқда ва бошқа унга яқин бўлган мамлакатларда, ҳақиқатдан хушхабарчи, жиддий ва Худога жуда яқин бўлган яширин православлар пайдо бўлди. Фақат одат юзасидангина, аслида жуда кам бўлган православ маросимларига амал қиласди. Бу яширин православлар орасида ҳам азоб чеккан шоҳидлар кам эмас эди. Калуж архиепископи, ота Гермоген билан нима ҳодиса юз берганини ким айта олади? У патриархат ва бетафиқ коммунистик хукумат орасидаги сотқинларча ҳамкорликка карши чиқишига ўзида куч топа олди.

90 йиллар бошида Совет Иттифоқи қулагунига қадар, етмиш ўйл мобайнидаги коммунистик қуллик пайтида, совет матбуоти яширин жамоат ғалабасининг садоқатли гувоҳи бўлиб келган. У кўтариб бўлмас азобларни бошдан кечирган, аммо содик қолди ва ўсиб борди.

Биз Руминияда Совет армиясининг аскар ва зобитлари орасида яширин хизматнинг уруғларини экдик. Советлар томонидан босиб

олинган Россиядаги ва бошқа мамлакатлардаги имонлилар ҳам худди шу тарзда иш олиб боришган.

Коммунистик Осиё халқларини ва бошқа зулм остидаги халқларни Масихга олиб келиш мумкин. Бизнинг рақибларимиз масиҳийларга айланиши мумкин! Шунингдек, агар биз уларга ёрдам берсак, улар томонидан зулм чекканлар ҳам масиҳийлар бўлиши мумкин.

Менинг ҳақ эканлигининг далили шундан иборатки,

яширин жамоат коммунизм даврида Совет Иттифоқида ривож топган, коммунистик Осиёда ривож топган ва хозир ҳам Яқин Шарқда ривож топмоқда.

Дахшатли вазиятлардаги биродар масиҳийларимизнинг руҳий гўззалигини кўрсатиш учун, мен рус қизи Варяниңг сургунда ёзган бир нечта хатларини келтирмоқчиман.

## **Комсомол қиз қандай қилиб Масиҳни қабул қилган**

Мана бу уч хат, ёш комсомолчилар ташкилоти аъзоси Варяни Масихга олиб келган, масиҳий қиз Мариядан олинган.

### ***Биринчи хат***

«...Мен, худди олдингидек, бу ерда яшаяпман. Мени жуда яхши кўришадилар. Мен маҳаллий комсомол гурухидан [ёш комсомолчилар ташкилотидан] бўлган бир қиз билан дўстлашдим. У менга: «Мен Сизнинг қандай одам эканингизни ҳеч тушуна олмайман. Бу ерда Сизни кўплар хақорат қиласи ва Сизга озор берада, Сиз эса уларни барибир севасиз» – деб айтди. Мен унга, Худо бизни ҳаммани севишга, нафакат дўстларни, балки душманларни ҳам севишга ўргатади, – деб жавоб бердим. Олдинлари бу қиз менга жуда кўп кулфат келтирган, аммо мен айниқса у учун кўп ибодат қилдим. У мендан, уни сева олишим мумкинлиги ҳақида сўраганида, мен уни қучоқладим ва биз иккаламиз йиғлай бошладик. Ҳозир биз биргаликда ибодат қиласиз.

Илтимос, у учун ибодат қилинг. Унинг исми Варя.

Кимдир Худонинг мавжудлигига қарши қаттиқ эътиroz билдирганида, худди улар бунга ҳақиқатдан қаттиқ ишонишадигандек кўринади. Аммо ҳаёт шуни кўрсатадики, тиллари билан Худони ҳақорат қилувчиларнинг кўпларининг дилларида Унга нисбатан интилиш бор. Уларнинг юраклари фарёд чекмоқда... Улар ўзларининг ички бўшлигини худосизлик билан тўлдиришга харакат қилмоқдалар.

*Сизнинг Масиҳдаги синглингиз Мария».*


### *Иккинчи хат*

«Ўзимнинг олдинги хатимда, мен атеист қиз Варя ҳақида ёзган эдим. Энди эса менинг азизларим сизларга бизнинг катта хурсанчилигимиз ҳақида хабар бермоқчиман: Варя Масиҳни ўзининг шахсий Нажоткори сифатида қабул қилди ва бу ҳақида очик гуҳовлик бермоқда.

Масиҳга ишониш ва нажотнинг хурсандчилигини таниб билиш билан бирга, у ўзини жуда баҳтсиз сезаяпти. У бир пайтлар атеизмни тарғиб қилганидан афсус чекаяпти. Энди у ўз гуноҳини ювишга қарор қилди.

Биз биргаликда худосизларнинг катта йиғинига бордик. Мен ундан эҳтиёт бўлишни сўрасамда, барибир бекор эди. Варя иккilanmasdan, олдинги югуриб кетди, мен эса энди нима бўлишини кузатиб, унинг орқасидан бордим. Биргаликда Коммунистик партияning гимни айтилганидан кейин (биз Варя иккаламиз бунда иштирок этмадик), у катта йиғиннинг олдида сўзга чиқди. Мардларча ва ҳаяжон билан у иштирок этувчиларга ўзининг шахсий Нажоткори сифатидаги Масиҳ ҳақида айтиб берди ва собик сафдошларидан шу пайтгача унинг руҳий кўзлари кўр бўлгани ва ўзи дўзахга кетаётib, бошқаларни ҳам орқасидан етаклаб кетаётгани учун кечирим сўради. У иштирок этаётганларни бу гуноҳли йўлдан қайтишга ва Масиҳга келишга чақирди.

Ҳамма жим бўлди ва хеч ким унинг гапини бўлмади. Гапириб бўлганидан сўнг, у «Мен Масиҳни эълон этишдан уялмайман...» – деган масиҳий қўшиқни куйлади.



Кейин эса... кейин эса бизнинг Варяни олиб кетишиди.

Бугун аллақачон тўққизинч май. Биз ҳозиргача у ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Аммо Худо – ҳамма нарсага қодир, Худо уни кутқаришга қодир. Ибодат қилинглар!

*Сизнинг Мариянгиз».*

### *Учинчи хат*

«Кеча, иккинчи август куни қамоқхонада севимли биродаримиз Варя билан гаплашдим. У ҳақида ўйлаганимда, юрагим қонга тўлади. У ҳали бола-ку. Унинг ёши ҳали ўн тўққизда. Раббимизга имон келтиришда ҳам ҳали руҳий чақалоқ. Аммо у Худони бутун юраги билан севади ва тезда қийин йўлга туриб олди. Бечора қиз оч қолаяпти... Биз унинг қамоқда эканлигини билганимизда, унга нарсалар жўнатардик. Аммо биз жўнатган нарсалардан у жуда кам нарса олган.

Мен уни кеча кўрганимда, у жуда озгин, оқариб кетган ва ҳамма жойи дўппосланган эди. Фақатгина кўзи Худонинг тинчлиги ва ерга хос бўлмаган хурсандчилик билан порлар эди.

Ҳа азизларим, Худонинг ажойиб тинчлигини билмаган одамлар, буни тушунмайди... Аммо бу тинчликка эга бўлганлар, қанчалик баҳтлидир... Биз Масихда бўлганларни, ҳеч бир азоб ёки умидсизлик тўхтата олмаслиги керак.

Мен темир панжара орқасида ундан: «Варя, сен қилган ишингдан пушаймон эмасмисан?» – деб сўрадим. У – «Йўқ – деб жавоб берди. Агар мени озод қилишса, мен яна Масихнинг катта севгиси ҳақида гувоҳлик бераман. Мени қийналаяпти, деб ўйламанглар. Худо мени шунчалик севганидан ва Унинг исми учун азоб чекишдек шарафни берганидан, мен жуда хурсандман».

Сизлардан ёлвораман, у учун ибодат қилинглар. Уни тез орада Сибирга жўнатишади. Ундан кийимларини ва бошқа нарсаларини тортиб олишган. У устидаги нарсадан бўлак, ҳеч вақосиз қолган. Унинг қариндошлари йўқ ва биз у учун керакли бўлган нарсаларни йигишимиз керак. Сизлар ўтган сафар жўнатган нарсани, мен у учун олиб қўйдим. Варяни жўнатишганида, бу

пулларни унга бераман. Мен ишонаманки, Худо уни мустаҳкам қилади ва келажақдаги синовларни енгиб ўтиш учун куч беради. Худоим, Ўзинг уни химоя қил!

*Сизнинг Мариянгиз».*

### *Тўртминчи хат*

«Азизим Мария, ниҳоят мен Сизга хат ёза олишим мумкин. Биз [жойлашган жой бўялган] гача яхши етиб келдик. Бизнинг лагеримиз – шаҳардан ўн мил узокда жойлашган. Мен бу ердаги ҳаётимизни тарифлаб беролмайман. Сиз ўзингиз ҳаммасини тушунасиз. Яхиси ўзим ҳақимда озгина ёзаман. Худо менга соғлиқ берәётгани ва жисмоний ишлай олаётганим учун Худога миннатдорчилик билдираман. Биз X опамиз билан устахонада станокда ишлаймиз. Иш жуда оғир, X опамизнинг соғлиги эса ёмонлашган. Мен ўзим учун ва у учун ишлашимга тўғри келаяпти. Олдин мен ўз ишимни тугатаман, кейин эса опамизга ёрдамлашаман. Биз бир кунда ўн икки, ўн уч соатлаб ишлаймиз. Овқат худди сизлардагидек, бизда ҳам жуда кам. Аммо мен бу ҳақида Сизга ёзмоқчи эмасман.

Худо Сиз орқали менга нажот йўлини кўрсатгани учун, менинг юрагим Худога шон-шараф ва миннатдорчилик билдиromoқда. Энди мен тўғри йўлга туриб олганимдан кейин, ҳаётим маънога эга. Мен қаерга кетаётганимни ва Ким учун азоб чекаётганимни биламан. Менинг юрагимда бор бўлган нажотнинг буюк баҳти ҳақида ҳаммага гувоҳлик бериш хоҳишини хис қиласяпман. Бизни Исо Масихдаги Худонинг севгисидан ким ҳам жудо қилиши мумкин? Ҳеч ким ва ҳеч нарса. На қамоқхона, на азоб-уқубатлар. Худо бизга юбораётган азоб-уқубатлар, фақатгина янада кўпроқ Унга бўлган имонимизни мустаҳкамлайди. Менинг юрагим Худонинг инояти билан шунчалик тўлганки, у чеккаларидан тошиб кетаяпти. Мен жим бўла олмаганим учун, мени ҳар доим сўкмоқда ва жазоламоқдалар, ҳамда қўшимча ишлар беришмоқда. Худонинг мен учун қилган ҳамма ишлари ҳақида гувоҳлик беришим керак. Мен ўлим йўлида турган одамни, янги мавжудотга, янги ижодга айлантириди. Бундан кейин жим бўлиш мумкинми? Йўқ, ҳеч қаҷон!

Менинг тилларим гапира олар экан, мен ҳар бир одамга Унинг буюк севгиси ҳақида гувоҳлик беравераман.

Лагерга келаётганимизда, йўлда биз жуда кўп Масихдаги биродар ака-ука ва опа-сингилларимизни учратдик. Жуда кизик, биродар ака-ука ва опа-сингилларни биринчи марта кўриш билан, улар ҳам Худонинг фарзандлари эканини Рухан сезамиз. Ҳатто ҳеч нарса гапириш ҳам керак эмас. Бир қарашдан, уларнинг ким эканини хис қиласан.

Бизни Сибирга олиб кетишаётганда, бир бекатда бир аёл бизларга овқат олиб келди ва икки оғиз сўз айтди: «Худо тирик».

Бу ерга келган биринчи кечадаёқ (жуда кеч бўлган эди, бизни узун ер ости баракларига жойлаштиришди), биз йигилганлар билан «Сизларга тинчлик тилаймиз» деган сўзлар билан саломлашдик. Бизнинг буюк бахтимизга, ҳар бурчакдан жавобан шундай овозлар янгради: «Биз сизларни тинчлик билан қабул қиласиз!» Биринчи кечадаёқ биз ўз оиласиз билан эканимизни хис қилдик.

Ҳа, бу ҳақиқатдан шундай. Бу ерда Масихга шахсий Нажоткор сифатида ишонадиганлар жуда кўп. Қамоқдагиларнинг ярмидан кўпроғи – имонлилар. Бизнинг орамизда яхши куйладиганлар ва Хушхабарни ваъз қиласиганлар ҳам оз эмас. Кечқурун, оғир ишдан кейин биз ҳаммамиз йигилганимизда, ҳеч бўлмаганда озгина вақтни ибодатда Нажоткорнинг оёқлари остида ўтказишимиз жуда ажойиб... Сен қаердан бўлишингдан қатъий назар, Масих билан ҳар доим озодликдасан. Бу ерда мен жуда кўп ажойиб қўшиқларни ёдлаб олдим ва ҳар куни Худо мени яна ва яна Ўзининг Каломи билан бойитмоқда. Ўн тўққиз ёшимда, мен биринчи марта Масихнинг туғилган кунини нишонладим. Бу ажойиб кунни мен ҳеч қачон эсимдан чиқармайман! Биз бутун кун ишлашимизга тўғри келди. Аммо айрим биродарларимиз, унча узоқ бўлмаган жойда оқаётган дарёга бориб келишга муваффақ бўлишдилар. У ерга бориб, улар музни кесиб келдилар. Кечқурун еттига биродаримиз Худонинг Каломи бўйича ўша жойда сувга чўмдирилишди. Мен жуда хурсандман ва Сиз ҳам Мария менинг ёнимда бўлишингизни ва Менинг Сизга бўлган севгим орқали, ўша олдинлари Сизга берган азобларимнинг ҳеч бўлмаса озгинасини

ювишни жуда хоҳлардим. Аммо Худо бизларнинг ҳар биттамизни ўз жойимизга қўяди ва биз ўша Худо қўйған жойда мустаҳкам туришимиз керак.

Бутун Худонинг фарзандлари оиласига салом айтинг. Худо худди мени марҳаматлагани каби, Сизнинг умумий хизматингизни ҳам марҳаматласин, Ибронийларга 12:1-3 оятларни ўқинг.

Бизнинг биродарларимиз Сизга салом йўллаяптилар ва Сизнинг Худога бўлган имонингиз шунчалик чуқурлигидан ва қийинчиликларга қарамасдан Уни доим улуғлаётганингиздан жуда хурсандлар. Бизниларга хат ёсангиз, бизнинг номимиздан салом айтинг.

*Хурмат билан, Варя».*

### *Бешинчи хат*

«Азизим Мария, мен ниҳоят бир нечта қатор ёзиш учун имкон топдим. Сизга шуни айтишим мумкинки, азизим, Худонинг инояти билан X опамиз ва мен соғмиз, ўзимизни яхши ҳис қилаяпмиз. Хозир биз [жойнинг номи бўялган] деган жойдамиз.

Сизнинг менга нисбатан оналик муносабатингиз учун миннатдорман. Сиз бизга жўнатган ҳамма нарсани олдик. Сизга энг қимматбаҳо нарса – Муқаддас Китоб учун миннатдорчилик билдиримокчиман. Ҳаммага раҳмат. Бошқаларга хат ёзганингизда, уларга салом айтинг ва улар биз учун қилган нарсалари учун миннатдорчилик билдиринг.

Худованд менга Ўзининг муқаддас севгиси сирини очиб берганидан бери, мен ўзимни дунёдаги энг баҳтли одам деб биламан. Менинг чидашимга тўғри келаётган қувгинни, мен алоҳида иноят деб биламан. Худованд менинг имонимнинг биринчи кунларимдан бошлаб, У учун азоб чекиш баҳтини берганидан хурсандман. Мен Худовандга охиригача содиқ қолишим учун ибодат қилинглар.

Унинг Ўзи сизларни сақласин ва муқаддас кураш учун мустаҳкамласин!

Х опамиз ва мен Сизни ўпиб қоламиз. Бизни [жойнинг номи бўялган] га жўнатганида, эҳтимол, биз Сизга яна хат ёзишга имкон

бўлар. Биз учун хавотир олманг. Бизнинг осмондаги мукофотимиз буюклигидан баҳтлимиз ва хурсандмиз (Матто 5:11-12).

*Сизнинг Варянгиз».*

Бу Масиҳни қабул қилган, У ҳақида гувоҳлик берган ва сургунда ишлашга ҳукм қилинган, собиқ комсомолчи Варянинг охирги хати. Биз у ҳақида бошқа хеч нарса эшитмадик, аммо унинг ажойиб севгиси ва Масиҳ ҳақидаги гувоҳлиги, яширин жамоатнинг руҳий гўзаллиги, азоблари ва садоқати намунасиdir.


## Гарбдаги масиҳийлар қай тарзда ёрдам беришлари мумкин?

Мени «яширин жамоатнинг овози» деб аташади. Мен бундай Масиҳ танасининг муҳим қисми, овози бўлишга лойик эмасман, деб ҳис қиласман.

Бирок мен кўп йиллар мобайнида коммунистик Руминиядаги яширин жамоатнинг бир қисми бўлдим. Қандайдир мўъжиза билангина мен ўн тўрт йиллик азобларни ва озодликдан маҳрум этилишни, шу жумладан икки йиллик «ўлимга маҳкум этилганлар қамоқхонасини» ҳам енгид ўтдим. Янада каттароқ мўъжиза, бу қамоқхонадан мени қидириб топган ва ундан чиқишга ёрдамлашган одамни Худо топгани бўлди. Руминиянинг яширин жамоати, мен эркин мамлакатларга унинг чекаётган азоблари ҳақида хабар беришим учун, мамлакатни тарк этишим керак, деб қароқ қилди. Мўъжиза орқали бизнинг оиласиз кетишга муваффақ бўлди ва мен Ватанида қолиб ишлаган, ўзини хавф остига қўйган, азоб чеккан ва ўлган одамларнинг топширган вазифасини бажаришга муваффақ бўлдим.

Мен сон-саноқсиз ва номсиз қабрларда ётган биродарларнинг номидан мурожат қиласяпман. Мен ҳозиргача ўрмонларда, ер тўлаларда, томнинг тепаларида ва бошқа кўзга ташланмайдиган жойларда яширин равишда йигиладиган биродарларнинг вакилиман.

Мана бу яширин жамоат номидан мен сизларга тақдим этаётган илтимоснома.



«Бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйманглар!»

«Бизни эсдан чиқарманглар!»

«Биздан юз ўғирманглар!»

«Биз шунчалик муҳтож бўлаётган, хизмат қуролини бизга беринглар! Биз у учун тўлов тўлашга тайёрмиз!»

Бу мен эркин жамоатларга топширишим керак бўлган хабар.

Мен яширин жамоат, жим бўлган жамоат, «соқов» жамоат номидан мурожат қиласяпман. Унинг оғзи «ёпилган» ва қичқириш учун овозга эга эмас.

Зулм остидаги халқлар орасида яшаётган биродар ака-укалар ва опа-сингилларнинг қичқириғини эшитинглар. Улар кочиш учун, ўзларининг хавфсилиги учун ёки енгил ҳаёт учун ёрдам сўрамаяптилар. Улар фақатгина ўз ўшларини ва келажак авлодини атеизмнинг заҳридан химоя қилиш учун хизмат қуролини беришни сўраяптилар. Улар Худо Каломини тарқатишда фойдаланиш учун Муқаддас Китоб сўраяптилар. Агар улар Муқаддас Китобга эга бўлмаса, уни қандай қилиб тарқатадилар?

Яширин жамоат поездда кетаётган жарроҳни эслатади. Поезд ағнаб кетди. Юзлаб одамлар бузилган, ярадор, ўлаётган ҳолда ерда ётарди. Жарроҳ уларни оралаб юрди ва хўрсиниб: «Агар менда асбоб бўлганида эди! Агар менда жарроҳлик асбоби бўлганда эди, мен кўплаб ҳаётларни сақлаб қолган бўлардим!» Унинг хохиши бор эди... аммо асбоби йўқ эди. Яширин жамоат ҳам худди шундай. У шунчалик ўзини беришга тайёр! У азоб чекиб, курбон бўлишга тайёр! У кўп йиллик қамоқ жазоси хавфига қарамасдан таваккал қилишга тайёр! Аммо, агар у Худо томонидан қўйилган вазифани бажариш учун қуролга эга бўлмаса, фақатгина хохишнинг ўзи ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Эй эркин жамоат, бу сендан содик ва мард бўлган яширин жамоатнинг илтимоси: «Бизга хизмат қуролини, яъни Хушхабарни, Муқаддас Китобларни, хушхабар тарқатадиган ва ўқув адабиётларини беринг, бизга ёрдам беринг, қолганини биз ўзимиз қиласиз!»

## Озод ўлкадаги масиҳийлар қандай ёрдам бера оладилар

Озод ўлкада яшовчи ҳар бир масиҳий ортга сурмасдан, қуидаги тарзда ёрдам бериши мумкин.

Атеистлар – ўз ҳаётидаги кўринмайдиган манбаларни тан олмайдиган одамлар. Уларга Коинотнинг ва ҳаётнинг сири очилмаган. Масиҳийлар кўриниб турган нарсалар билан эмас, балки имон билан яшаб, доимий равишда кўринмайдиган Худо билан мулоқотда бўлиб, уларга яхшироқ ёрдам бериши мумкин.

Масиҳийлар Худога содик, курбонларча ҳаёт кечириб, уларга ёрдам беришлари мумкин. Ҳар сафар масиҳийларни қувгин қилганда, оммавий равишда қарши чиқиб, уларга ёрдам беришлари мумкин.

Ғарбдаги масиҳийлар, бизни қувгин қилаётганларнинг нажот топиши учун ибодат қилиб, бизга ёрдам беришлари мумкин. Бундай ибодат жуда оддий бўлиб кўриниши мумкин. Биз коммунистлар учун ибодат қиласардик, кейинги кун эса улар бизни олдингидан кўра қаттикроқ қийнардилар. Аммо Раббимизнинг Куддусдаги ибодати ҳам «оддий» бўлган. Масиҳни Унинг ибодатидан сўнг хочга михлашган. Бир неча кундан кейин эса, унинг жаллодлари ўзларининг кўкрагига уришган ва бир кунда беш минг одам Худовандга мурожат қилган.

Бошқалар учун қилинган ибодат ҳам фойдасиз бўлиб қолмайди. Ихтиёрий одам учун қилинган, аммо қабул қилинмаган ҳар қандай ибодат, ўзимизга янада кўпроқ марҳамат бўлиб қайтади. Масиҳнинг иродасини бажарган ҳолда, кўплаб масиҳийлар, шу жумладан мен ҳам ҳар доим Гитлер ва унинг тарафдорлари учун ибодат қилганимиз. Ва мен ишонаманки, бизнинг қилган ибодатларимиз, худди иттифоқчилар армиясининг ўқлари каби ғалаба қозонишга ёрдам берган.

Биз ўз яқинларимизни, ўзимизни севгандек севишимиз керак. Коммунистлар ва бошқа бизни қувгин қилаётганлар – худди бошқалар каби, бизнинг яқинларимиз.

Улар – Масих эълон қилган машхур сўзларини, яъни «Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман» (Юҳанно 10:10) – дея айтган сўзларини инкор қилишимизнинг натижасидир.

Масихийлар ҳали бу фаравон ҳаётга хар бир одам эга бўла олиши учун, хеч нарса қилмадилар. Улар айримларни ўз ҳаётлари учун қимматбаҳо бўлган нарсасиз қолдирдилар. Бу одамлар эса кўтарилиш қилиб, Коммунистик партияни ташкил қилдилар ва бошқа соҳта таълимотларга қўшилдилар. Кўпинча уларнинг ўzlари ҳам ижтимоий адолатсизликнинг қурбонларига айланадилар, шунинг учун уларда бошқаларга нисбатан ғазаб ва бағри тошлиқ кучли. Бизнинг вазифамиз – улар билан курашиш. Аммо масихийлар, ҳатто душман билан курашсаларда, уларни тушунишга ва севишга ҳаракат қиладилар.

Баъзи одамлар худди исёнчилар каби яшагани учун, биз ўзимиздан жавобгарликни соқит қила олмаймиз. Бизни ўз вазифамизни бажармаганликда айблашлари мумкин.

Шунинг учун, биз ўз айбимизни уларни севиш ва улар учун ибодат қилиш орқали ювишимиз керак.

Мен ҳамма муаммони фақатгина севги ҳал қила олади деб ўйлайдиган, шунчалик гўр одам эмасман. Мен давлат ҳокимиятига, айтилил босқинчиликни севги билан ҳал қилишни маслаҳат бермаган бўлардим. Нафақат масихийлар учун, балки босқинчилар учун ҳам полиция керак. Агар босқинчи қилган ишидан тавба қилмаса, уни қамоқقا ташлаш керак. Мен коммунистлар ва бошқа зулмкорлар билан бўладиган сиёсий, иқтисодий ва маданий курашда хеч қачон масихийларнинг «севги» тушунчасига қараб юргумаган бўлардим. Улар босқинчилар ўзга одам эмаслар, фақатгина ҳалқаро тоифадаги босқинчилар. Босқинчи ўз қурбонидан ҳамёнини тортиб олади, улар эса бутун бир мамлакатни.

Чўпонлар ва хар битта алоҳида масихийлар, босқинчилар қандай жиноят содир этганидан ва уларнинг айбисиз қурбонларидан қатъий назар, уларни Масихга олиб келиш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилишлари керак. Биз уларни тушунган ҳолда, улар учун ибодат қилишимиз керак.


## Зудлик билан Муқаддас Китоб керак

Эркин мамлакатлардаги масихийлар, яширин жамоатга бериши мүмкін бўлган ёрдамнинг бошқа тури – бу уни Муқаддас Китоб ва Муқаддас Китобдан келтирилган цитатали адабиётлар билан таъминлашдир. Агар эркин масихийлар уларни яширин жамоатдаги биродар ака-ука ва опа-сингиллар учун топишсалар, керакли жойга етказиш учун жуда кўп йўллар мавжуд. Мен ҳали Руминияда яшаб турган пайтимда, хар хил йўллар билан олиб кирилган, кўплаб Муқаддас Китобларни олганман. Етказиш билан муаммо бўлмайди, фақатгина етказадиган нарса бўлса бўлди.

Хитой ва Шимолий Корея каби коммунистик мамлакатларда Муқаддас Китобга нисбатан мухтоҷлик, долзарб масала бўлиб колмокда. Минглаб масихийлар ўн йиллар мобайнида Муқаддас Китоб ёки Хушхабарни кўришмаганлар.

Бир марта менинг уйимга Муқаддас Китоб сотиб олиш учун, иккита дехкон келди. Улар ўз кишлоғидан келишган ва ўз жамоти учун эски Муқаддас Китобга пул ишлаш умидида ишга ёнланишган(бутун қиши мобайнида белкурак билан музлаган ерни қазишган). Мен Америкадан Муқаддас Китоб олганим учун, уларга янги Муқаддас Китоб совға қилиш имконига эга эдим. Улар ўз кўзларига ишонишмади! Дехконлар ўзлари ишлаб топишга муваффақ бўлган пул билан менга тўлашга харакат қилишдилар. Мен рад қилдим. Улар кўлларида Муқаддас Китоб билан ўз қишлоқларига қайтиб кетишиди. Бир неча кундан кейин мен тўхтовсиз, кучли хурсандчиликка тўла хатни олдим. Унда дехконлар Калом учун миннатдорчилик билдиришган. Хатга қишлоқнинг ўттизта маҳаллий одами томонидан имзо чекилган эди! Улар Муқаддас Китобни эҳтиётлик билан ўттизта қисмга бўлишган ва бир бирлари билан алмашиб туришган!

Руслар ўзларининг чанқоқ руҳини қондириш учун, Муқаддас Китобдан хеч бўлмаса битта вароқ сўрашини кўриш қанчалик ачинарли эди. Улар Муқаддас Китобни сигир ёки эчкига алмашидан хурсанд бўларди. Битта эркак ўзининг тўй узугини, Эски йирилиб кетан Янги Аҳдга алмашди. Кўп болалар хеч қачон



мавлуд байрами табрик хатларини кўришмаган. Агар кимдадир ҳеч бўлмаса биттаси бўлса, қишлоқнинг ҳамма болалари унинг атрофида йигилишар ва қандайдир ёши қари бобо уларга чақалоқ Масих, унинг бокира қиздан туғилиши ва нажот ҳақида хикоя қилиб берарди. Ва буларнинг ҳаммаси ягона мавлуд байрамининг табрик хати туфайли эди! Биз озодликда яшамаётган биродар акукалар ва опа-сингилларга Муқаддас Китоб, Хушхабар ва бошқа масиҳий адабиётлар жўнатамиз. Бу уларга ёрдам беришнинг йўлларидан биридир.

Биз шунингдек, у ерга маҳсус адабиётлар ҳам жўнатамиз. Бу адабиётлар уларга, боғчадан бошлаб, то институтгача бўлган болаларни тўйдирадиган атеистик заҳарни йўқ қилишга ёрдам беради. Совет Иттифоқида коммунистлар «Атеистнинг қўлланмаси» китобини босиб чиқаришган. Бу атеистларнинг «Муқаддас Китоби» бўлди. Унинг оддий нусхасини боғчадаги болаларни ўқитиш учун, мураккаброғини эса – болалар катта бўлишганида ишлатишган. Бу «Муқаддас Китобга қарши китоб» бола ўсиб ривожланишида у билан бирга юрар ва шу тариқа уни бутун умри мобайннида заҳарлар эди. Биз «Атеист қўлланмасига» жавоб» китобини, яъни заҳарли атеистик таълимотга масиҳийча жавоб китобини босиб чиқардик ва у ерга жўнатдик.

Бизнинг заҳарланган ёшларимиз жавобга – Худонинг жавобига, масиҳийча жавобга, бизнинг жавобимизга эга бўлишлари керак! Бу сиз қилишингиз мумкин бўлган яна бир нарса – Худо «қонундан ташқарида» бўлган мамлакатларда яшовчи халқни маҳсус адабиётлар билан таъминлаш. Бундай адабиётлар – бу ёшлар учун кўрсатмали ифодаланган китоб ва журналлар, ҳамда болалар учун Муқаддас Китоблар.

Биз шунингдек, яширин жамоат аъзолари билан кучимизни бирлаштишимиз ва хушхабар етказиш учун керакли маблағ билан таъминлашимиз зарур. Уларнинг кўпчилиги хушхабар етказиш саёҳатлари пайтида чипталар ва озиқ-овқатлар олиш учун маблағ йўқлигидан, ҳозиргacha ўз уйларига «боғланиб» қолишган. Улар «тангликда ўтиришибди», йигирма-ўттиз километрлик масофада харакат қилиш холатида эмаслар.

Айни пайтда эса, атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси, уларнинг яширин учрашувларга келишини ва ўзларининг имони ҳақида айтиб беришини ёлвориб сўрашмоқдалар. Хушхабарчиларни ойлик молиявий ёрдам билан таъминласак, биз уларни «озод килган» бўламиз ва улар узоқдаги шаҳар ва қишлоқларга бориб, Худо Каломини етказишлари мумкин бўлади. Мисол учун, биз ўзларининг мамлакатларидағи «тақиқланган туманлар» да Хушхабарни тарқатиш учун, ветнам ва хитой чўпонларига мотоцикллар сотиб олиб берамиз. Биз ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, мусулмон мамлакат бўлган Бангладешда Масих ҳақида гувоҳлик бераётган хушхабарчиларни велосипед билан таъминлаймиз.

Бундай масиҳийлар молиявий ёрдамга муҳтож. Ўзларида «имонли» деган тамғани тақиб юриб, яшаш учун зўрга етадиган пул ишлаб топишадилар. Уларда Хушхабарни ваъз қилиш учун, қишлоқдан қишлоққа боришга маблағлари йўқ. Ойига бир неча доллар улар учун катта «Худонинг мўъжизаси» бўлади.

Ҳаётини хавф остига қўйиб, бир пайтнинг ўзида яширин хизмат олиб бораётган, расмий жамоатнинг чўпонлари ҳам бу хизмат учун маблағга муҳтож. Бу чўпонларнинг ўз эркинлигини хавф остига қўйиб, конунни инкор этиб, Хушхабарни яширин тарзда болаларга, ёшларга ва катталарга ваъз қилишга тайёр бўлишининг ўзи етарли эмас. Улар самарали яширин хизматни олиб боришлари учун, керакли маблағга эга бўлишлари керак. Маблағ билан таъминлаш, яширин жамоат аъзоларига янада самаралироқ Хушхабарни тарқатишга ёрдам беради.

Навбатдагиси, биз Хушхабарни зулм остидаги халқлар учун радио орқали узатишимиш керак. Эркин мамлакатларнинг радиотармоқларидан фойдаланиб, биз яширин жамоатни рухан озиқлантиришимиз мумкин. Унинг ўзи ҳам ҳаёт нонига жуда муҳтож. Коммунистик ҳокимият халқ орасида ўз тарғиботини тарқатиш учун қисқа тўлқинли радиолардан фойдаланадилар, шунинг учун коммунистик мамлакатларда миллионлаб одамлар, бизнинг эшиттиришларимизни қабул қила оладиган радио курилмаларга (радиоприёникларга) эга. Зулм остида яшаётган

мамлакатларнинг эшиги радиоэшиттиришлар учун очик қолмоқда, шунинг учун бу хизматни ривожлантириш керак. Яширин жамоат бизнинг радиоэшиттиришларимиз орқали таъминлаш мумкин бўлган руҳий овқатга, шошилинч тарзда муҳтоҷ бўлмоқдалар. Мана бу яна бир зулм остида яшаётган мамлакатларга ёрдам бериш усули.

## **Азоб чекиб қурбон бўлган масиҳий оиласига кулфати**

Шунингдек, азоб чекиб қурбон бўлган масиҳий оиласига ҳам бизнинг ёрдамиизга муҳтождир. Мана шундай ўн минглаб оиласига ҳам келади. Одатда уларга ҳеч ким ёрдам бера олмайди, чунки бу конунга қаршидир. Коммунистик ҳокимият нафақат қамалган масиҳийларнинг азоб чекишида, балки уларнинг рафиқа ва болалари қийналишида ҳам анча муваффақиятларга эришган. Кўлга олинган масиҳийни қамоқда қийнаш учун ва ҳатто кўпчилик ҳолларда ўлимга жўнатишганида, оиласи ҳам ундан кам азоб чекмайди. Мен шуни гувоҳлик беришим мумкинки, агар эркин мамлакатлардаги масиҳийлар менга ва менинг оиласига ёрдам жўнатишмаганида, биз бу сўзларни айтиш учун тирик қолмаган бўлардик!

Имон учун азоб чекиб қурбон бўладиганлар кундан кунга кўпаймоқда. Ва улар мукофот олиш учун осмонга кетишига қарамасдан, уларнинг оиласига таърифлаб бўлмас даражадаги кулфатли вазиятларда яшамоқда. Албатта, биз очликда яшаётган индейцларга ва африкаликларга ёрдам беришимиз керак. Аммо Масиҳ учун қурбон бўлган ёки имони учун қамоқхоналарда азоб чекаётганларнинг оиласидан кўра яна ким ҳам кўпроқ масиҳийларнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлиши мумкин?

Мен озод бўлганимдан кейин, «Азоб чекканлар овози» элчилик хизмати жуда кўп азоб чеккиб қурбон бўлган масиҳийларнинг оиласига ёрдам жўната бошлашди. Аммо бу аллақачон қилинган

нарсалар – сизнинг ёрдамингизда ҳали қилиш мумкин бўлган нарсалар олдида ҳеч нарса эмас.

## Яширин жамоат номидан менинг мурожатим

Тирик қолиб, қочишга муваффак бўлган, яширин жамоатнинг аъзоси сифатида, қийналишда давом этаётган менинг биродарларимнинг илтимосини, чорловини, мурожатини сизларга йўллаяпман.


Улар мени сизларга бу мурожатни етказиш учун жўнаташди. Буни эълон қила олишим учун, мен ажойиб тарзда тирик қолдим.

Мен сизларга коммунистик дунёга ва бошқа зулм остида яшаётган халқларга Масих ҳақида гувоҳлик бериш жуда зарурлиги ҳақида хикоя килдим. Азоб чекиб қурбон бўлганларнинг оиласлари ёрдамга жуда муҳтоҷ эканлиги ҳақида айтдим. Шунингдек, яширин жамоат Хушхабарни тарғиб қилиш вазифасини бажара олиши учун, амалий ёрдам бериш йўллари ҳақида хикоя килдим.

Менинг оёқларим тагига уришганида, менинг тилим бақирап эди. Нима учун тилим бақирапди? Уни урганлари йўқ эдику. Чунки тил ва оёқ – бу бир тананинг аъзолари бўлгани учун бақирап эди. Эй эркин масиҳийлар, сиз ҳам Масих Танасининг бир қисмисизлар. Уларни ҳозир зулм остидаги мамлакат қамоқхоналарида дўппослашаяпти ва шу орқали Масих учун янги азоб чекувчилар пайдо бўлмоқда. Наҳот сиз бу оғриқларни сезмасангизлар?

Илк жамоат ўзининг бутун гўзаллиги, қурбонлиги ва садоқати билан бу мамлакатларда қайта тирилмоқда.

Бизнинг Раббимиз Исо Масих Гетсемания боғида ибодат қилаётган пайтида, Бутруслар, Ёкуб ва Юҳанно тарихдаги энг катта воқеа юз бераётган жойдан бир неча қадам нарида бўлишган, аммо улар чукур уйқуда эдилар. Сизнинг масиҳийларча ғамхўрлигинги ва қурбонлигингиzingизнинг қанча қисми, азоб чекаётган жамоатларнинг қийинчиликларини енгиллаштиришга йўналтирилган? Сизнинг жамоатингиз томонидан, дунёнинг зулм остидаги мамлакатларида яшаётган биродар aka-ука ва опа-сингилларингизга ёрдам бериш



учун нима қилингани ҳақида, ўз чўпонларингиз ва жамоат етакчиларингиздан сўранг.

Эркин жамоат ухлаб ётган бир пайтда, бу мамлакатларда илк жамоатнинг мардлиги ва азоб чекиши каби кулфатлари қайта ва қайта такрорланмоқда.

Бизнинг биродарларимиз у ерда ёлғиз ва ҳеч қандай ёрдамсиз, хозирги давримизнинг мардона курашини олиб бормоқдалар. Унинг қаҳрамонлигини, мардлигини ва ўзининг фидоййигини фақат илк жамоатнинг кураши билан солишириш мумкин. Эркин жамоат эса, худди Қутқарувчининг ўлим билан кураши пайтида Бутруслар, Ёқуб ва Юҳанно ухлаб ётганидек, уларнинг курашини ва азобларини ҳатто сезмасдан ухлаб ётиби.

Бизнинг *Масиҳдаги биродарларимиз* азоб чекаётган ва Хушхабар учун курашаётган бир пайтда, сизлар ухлаб ётасизларми?

«Бизни эсадан чиқарманг, бизга ёрдам беринг» – деган мурожатимизни эшитасизларми!

«Бизни ташлаб қўйманглар!»

Мен содик ва азоб чекаётган жамоатдан, атеистик коммунизмнинг кишанларидан қийналаётган ва Индонезиядан тортиб, Африкагача бўлган дунёнинг барча жойларида таҳқирланаётган биродар акука ва опа-сингилларингиздан мурожатни сизларга етказдим. Улардан юз ўғирманглар!

# ГАПИРИШГА

## Гапиришга журъат этган одам

Чўпон Ричард Вурмбранд румин коммунистик ҳукуматининг шафқатсизлигидан кутқарилган биринчи масихий етакчиси эмас, унга қадар бир нечта хизматчилар ҳам бунга муваффақ бўлишган. Аммо гарб дунёсининг катта қисми, яширин жамоатдаги биродар ака-ука ва опа-сингилларнинг азобларини инкор этиб, бефарқ қолишидилар. Нима учун улар ҳақида хеч ким гапирмади?

Чўпон Вурмбрандни, Руминиядан кетишидан олдин, махфий полиция хизматчилари уни коммунистларга қарши чиқищдан огохлантиришди. Ўша пайтда, у бу саволга жавоб топган эди. Гарбда уларнинг ўз агентлари бор эди ва Вурмбранднинг орқасидан дикқат билан кузатишлари ҳақида билдиришган. Агар шундай бўлса, нима учун у бу ҳақида айтиш керак? Ёки у ҳали етарлича азоб кўрмадими?

Бирок Вурмбранд барибир айтишга қарор қилди. Коммунистларнинг таҳдидларига ва айрим гарб жамоати раҳбарларининг танқидларига қарамасдан, у коммунизм ҳукмронлиги дўзахини бошдан кечирганларнинг қийинчиликлари ҳақида гувоҳлик берди ва уларнинг ҳамма нарсани енгиб ўтувчи имонлари ҳақида айтиб берди.

Чўпон Вурмбранд биринчи АҚШ га келган йили мобайнida, икки марта коммунистларнинг норозилик чиқишлиари пайтида «тартибни бузганлиги» учун қўлга олинган. Уни кўрсатма бериш учун америка сенатига чақиришган. У ерда азоблар туфайли олинган, ўн саккизта қийноқнинг чуқур яра изларини кўрсатиш учун, у белигача ечинган. Айрим масихий етакчилар, уни ёлгиз

қамоқхоналарда ўтириб, ақлини йўқотган жинни дея аташди. Бошқалар учун эса у «темир парда орқасидаги Павлус» ва «яширин жамоатнинг овози» га айланди. «Филадельфея геральд» газетаси мухбири Вумбранд ҳақида шундай ёзган: «У шерлар орасида эди, лекин улар уни ютиб юборолмадилар».

1967 йил октябрда, хамёнидаги юз доллар, ён дафтарчасидаги беш юзта исм ва манзиллар, хамда эски ёзиш машинкаси билан Ричард Вурмбранд «АЗоб чекканлар овози» варақасининг биринчи нашрини босмадан чиқарди. Бу унчалик катта бўлмаган нашрни, у дунё бўйлаб зулм остидаги мамлакатларда яшаётган биродар ака-ука ва опа-сингилларимизнинг устидан ўтказилган суд жараёнлари пайтида берилган кўрсатмалар ва гувоҳликларга багишлади.

Бу босиб чиқарилган варақалар бошқа хеч бирига ўхшамас эди. Айрим ўкувчилар норозилик билан ёзиб, Вурмбранддан сўрадилар: «Бундай ваҳшийликни қандай ёзиш мумкин ва бу қандай қилиб ҳақиқат бўлиши мумкин?!» Бошқалар эса, кечалари уларга даҳшатли нарсалар тушига кириб чиқаётганидан арз қилишиб, бошқа уларга буни жўнатмасликни сўрадилар. Аммо азоб ва қайғулардан ташқари қараганлар, ҳақиқий руҳий гўзалликни – Масихдан воз кечишини рад этган эркаклар, аёллар ва ҳатто болаларнинг юрагидаги гўзалликни кўрдилар. Ўкувчилар шунингдек, Вурмбрандга ўхшаган чўпонларнинг, Масих азобларига шерик бўлганидан хурсанд бўлиб, қамоқхонада ўз камераси панжараларини «ўпган» одамларнинг тирик имонини ҳам кўрдилар.

Гарб дунёсида масиҳийларни қувгин қилиш «инсон ҳукукларини» бузиш хисобланади, ҳукumat дин эркинлигини таъминлашга катта аҳамият қаратади ва унинг химоясига кўп куч сарфлайди. Бу бир хисобдан яхши бўлишига қарамасдан, аммо инсоний нуқтаи назардан ташқарига, осмонга қарайлик. Исо шундай деган: «Қул ўз хўжайинидан юқори бўлмас, деган сўзимни эсланглар. Агар Мени қувгин қилгандар бўлсалар, сизларни ҳам қувгин қиладилар» (Юҳанно 15:20). У шунингдек бизларни «дунёда қайғу-алам чекасизлар» (Юҳанно 16:33) ва «Менинг

номим туфайли ҳамма сизлардан нафратланади» (Матто 10:22) – дея огохлантирган.

Биз мухтож бўлганларга ёрдам бериш учун, ихтиёрий имкониятдан фойдаланишга чақирилган бўлишимизга қарамасдан, масихийлар азобларга чидашлари керак. Масихнинг ўн иккита шогирдидан, ўн биттаси ўлдирилган. Исо ҳеч қачон биз учун ҳаммаси бошқача бўлади, деб айтмаган. Бу – бизнинг Масихдаги табиатимизнинг бир қисми. Бизнинг ҳаммамиз ҳам чўпон Вурмбрандга ўхшаб, қувғинлардан азоб чекишга чақирилмаганмиз. Аммо ҳаётимизга қийинчиликлар келганида ажабланмаслигимиз, балки Масих учун азоб чекиши шарафига муяссар бўлганимиздан хурсанд бўлишимиз керак. Унинг ўзи шундай деган: «Адолат йўлида жабр кўрганлар баҳтлидир, чунки Осмон Шоҳлиги уларницидир» (Матто 5:10).

Биринчи Коринфликларга мактуби, 12:25-26 да, Павлус Масих Танасининг аъзолари орасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақида шундай дейди: «Шу тариқа баданда бўлиниш бўлмайди, лекин бутун узвлар бир-бирига бир хил ғамхўрлик қиласидар. Агар бир узв азоб чекса, бутун узвлар у билан бирга азоб чекади. Агар бир узв юксалса, бутун узвлар у билан бирга севинадилар». Ибронийларга ёзилган мактубининг муаллифи шундай кўшимча қиласи: «Махбусларни, гёё ўзингиз ҳам улар билан бирга хибс бўлгандек, эслаб туринглар. Зориққанларни ўзингиз ҳам танангиз борлигини билиб, хотирланглар» (Ибронийларга 13:3). Бу оят 1967 йилдан бўён «Азоб чекканлар овози» ташкилотининг шиори хисобланади.

Янги Аҳдни ўргана туриб, қувғинлар ерадаги Масих жамоати учун ҳеч қачон қандайдир нотабиий нарса хисобланмаслигига ва шундай нарсага айланмаслигига ишонч хосил қиласиз. Шунинг учун, Масих Танасининг аъзолари бўлган бизларга, Масих қайтиб келгунича ушбу буйруқни бажариш буюрилган: «Шунинг учун ҳозир ҳам қилаётганингиздек, бундан кейин ҳам бир-бирингизга далда бериб, ёрдам қилинглар» (1- Салоникикларга 5:11). Бундан бошқача йўл тутиш эса, бизнинг жавобгарлигимизни ва Масихнинг таълимотини инкор этиш бўлган бўларди.

Шунинг учун «Азоб чекканлар овози» ташкилоти, биродар ака-ука ва опа-сингилларимиз доимий тарзда қувғинларга дуч келаётган қирқдан ортиқ дунё мамлакатларида фаолият олиб бормоқда. Ветнам, Лаос ва Хитойда масихийларни дўппослашяптилар, қамоқхоналарга ташляяптилар, ўлдириштилар, жамоатларни йўқ қилишяпти, Муқаддас Китобни эса ёқиб юборишяптилар. Ислом дунёси мамлакатларида охирги ўн йил ичидаги ўртача бир кунда тўрут юзта масихийни ўлгунча урмоқдалар. Миллионлаб одамлар Суданда ўлиб кетаяпти. У ерда яқинда ислом радикал кучлари, минглаб масихий эркакларни хочга михлаб, Нил дарёсига чўқдириб юборишган. Бошқалар эса қамоқхоналарда дорга осиш орқали ўлимни кутиб ётиби. Судан аёлларининг нафсониятига тегмоқдалар, болаларини эса уларнинг уйларидан олиб, мусулмонлардан иборат бўлган шимолга хизматкор ёки қул сифатида сотиб юбормоқдалар. Бунга қарамасдан, судан масихийлари бизга: «Бизнинг уйларимиз ёқилган ва маъбадларимиз бузилган бўлишига қарамасдан, биз ишонамизки, ҳозир **Масихни одамларга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ваъз қилишимиз керак**» -дея ёзмоқдалар.

Биз кўраётган энг даҳшатли азоблар билан ёнма-ён турган хурсандчиликни ва эркинликни тушуниш жуда қийин. Буни фақатгина, қандай қилиб азоблар биз учун **Масихнинг «совғаси»** (Филиппликликлар 1:29) бўлишини тасаввур қилиш ва англаш орқали биламиз. Бироқ инсоний ақл билан, абадий **Масих** билан яшашга чақирилган руҳий инсонни тушуниб бўлмайди.

«Азоб чекканлар овози» варакаси, Исо **Масихга** бўлган имон учун азоб чекаётганлар номидан бутун эркин мамлакатлардаги масихийларга хабар беришда ва харакатга чорлашда давом этмоқда. Бутун дунё бўйлаб идорамизнинг филиаллари туфайли бизнинг варакамиз ўттиздан ортиқ тилларда чоп этилмоқда ва ҳар ой йигирма беш мингдан ортиқ имонлилар орасида тарқатилмоқда.

«Азоб чекканлар овози» ташкилоти, қувғиндаги жамоатларга хизматида бешта асосий мақсадни шакллантирган.

1. Масихийлар қувғин қилинаётган мамлакатларда, биродар ака-ука ва опа-сингилларни ўз тилидаги Муқаддас Китоблар, адабиётлар ва радиоэшиттиришлар билан таъминлаш.
2. Азоб чеккан масихийларнинг оиласларига ёрдам кўрсатиш.
3. Коммунистик ва мусулмон мамлакатлардаги имонлиларнинг ҳаётини тиклашга ва гувоҳликлар беришига кўмаклашиш мақсадида ёрдам кўрсатиш.
4. Хушхабарни билмаган ёки унга қарши чиқаётганларни Масихга олиб келиш.
5. Масихийларга қарши қилинаётган ваҳшийликлар хақида ва қувғин қилинаётганларнинг мардлиги ва имони ҳақида дунёга маълумот бериш.

Биз сизларни бу хизматда иштирок этишга чакирамиз: «Маҳбусларни, гўё ўзингиз ҳам улар билан бирга хибс бўлгандек, эслаб туринглар. Зориққанларни ўзингиз ҳам танангиз борлигини билиб, хотирланглар» (Ибронийлар 13:3). Уларнинг имонлари орқали далда олинг ва Масихга бўлган имони учун азоб чекаётганларни қўллаб-қувватлаш имкониятидан фойдаланинг.

Агар сиз ҳозирги замон жамоатининг қувғинлари ҳақида кўпроқ билишни ва ҳар кварталда «Азоб чекканлар овози» ташкилотининг варакасини бепул олишни хоҳласангиз, илтимос биз билан қўйидаги манзил бўйича боғланинг:

А/я-4 33028 Ровно Украина

E-mail: vomukr@gmail.com

ёки интернетдаги ушбу инглиз тили саҳифасига киринг:

[www.persecution.com](http://www.persecution.com)

# ЎЛИМГАЧА

## Ўлимгача содиқ бўлганлар

«Масих учун азоб чекканлар» китоби биринчи марта босмадан чиққанидан бошлаб, ўттиз йил ичида, у минглаб масиҳий ва масиҳий бўлмаган одамларнинг, хар хил касб, маданият ва диний эътиқод вакилларининг юрагига етиб борди. Айрим йўналишдаги масиҳийлар бир-бирларидан масиҳийликнинг айрим қирраларига нисбатан бўлган қарашлари билан фарқ қиласди. Аммо шунга қарамасдан қувғин қилинаётган жамоатнинг мактуби кўплаб одамларни Ибронийларга ёзилган мактубнинг 13:3чи оятидаги: «махбусларни, гўё ўзингиз ҳам улар билан бирга ҳибс бўлгандек, эслаб туринглар» – деган чақирувда бирлаштириди.

Кейинги сахифаларда – чўпон Ричард Вурмбранд хаётлиги пайтида, масиҳий жамоат раҳбарлари томонидан, унинг «Масих учун азоб чекканлар» китоби учун ёзилган миннатдорчилик хатлари келтирилган. Улар сизда ҳам Ричард Вурмбранд ва унинг рафиқаси Сабиналарнинг садоқатли хизмати ва самарали қилган ишлари учун Худога шукроналик руҳини уйготади, деб умид қиласиз.



1997 йил 20 октябрь  
«Азоб чекканлар овози»  
ташкilotининг  
америка бўлими раҳбари  
Том Уайтга,

Хурматли жаноб Уайт!


Ричард Вурмбрандинг «Масих учун азоб чекканлар» китоби нашрдан чиққанига 30 йил тўлгани муносабати билан, бир неча сўз ёзиши мен ўзим учун жуда катта шараф деб биламан. Бир неча ўн йиллар ўтишига карамасдан, бу унча катта бўлмаган китоб ҳали ҳануз маулиф ва унинг рафиқаси томонидан Масихга келтирилган қурбонликлар ҳакида жуда катта хурмат билан гувоҳлик берип келади.

«Масих учун азоб чекканлар» китобида тарифланган воқеалар, иккинчи Жаҳон урушидан кейин, Совет Иттифоқи томонидан босиб олинган Руминияда юз берган. Унда ёзилган тарих – жуда ёрқин ва таъсирчандир. Китобнинг хар бир варогида, икки минг йил мобайнида масихий азоб чекканлар томонидан бошдан кечирилган, чукур жисмоний ва маънавий қийинчиликлар билан туташ гувоҳликлар ҳакида гапирилади. Ричард Вурмбранд нафақат унинг имонини ўлдира олмаган, балки биз фаравон хаётга эга бўлишимиз учун азоб чеккан ва ўлган Масих билан бирлигини янада чуқурлаштирган, қамоқни ва яккаланишни таърифлайди.

Бу шафқатсиз аср тугашига, Совет империяси энди бошқа мавжуд эмаслигига, Шарқий Европа мамлакатлари худосис гояларнинг қуллигидан озод бўлганига карамасдан, Вурмбранд бошдан кечиришига тўғри келган қувгин ва шафқатсизлик, худди бу ўткинчи меҳнатнинг одамларга таъсири қанча кучли бўлса, у ҳам шунчалик абадийдир. Бутун дунё бўйлаб масихийлар ўз имони учун азоб чекмоқдалар: уларни Суданда қулликка сотаятилар ва хочга михляяптилар, Яқин Шарқ мамлакатларида, уларга очик равишда Худога топиниш тақиқланган, Хитойда сургунда ишлашга ҳукм қилинмоқдалар ва бошқа ўнлаб мамлакатларда ноконуний қувгин ва таъкибларга учрамоқдалар. Бу биродарлар aka-ука ва опа-сингиллар орасида ҳали кўрган азоблари тўғрисида эшитишимиизга тўғри келадиганлар ҳам оз эмас. Аммо Ричард Вурмбранд уларнинг қаҳрамонликлари ҳакида бизга кучли ва аниқ тасаввур берди.

Бу сахифаларда биз ўқиган мардликлар ва хозирги пайтдаги ва келажакдаги бизнинг биродарларимиз бизга берадиган умидлар, хар бир масихийга қувонч олиб келсин.

Хурмат билан,

  
Гарри Л. Бауэр



«Азоб чекканлар овози» ташкилотининг  
америка бўлими раҳбари  
Том Уайтга

Бу Муқаддас Китобдан кейинги – масихийлар имонда ўсишига ёрдам беришда ишлатиш мумкин бўлган энг самараали маълумотdir. У – таржимаи ҳолга ва муаллифнинг ўзи ёзган таржимаи ҳолига асосланган. Ричард Вурмбрандинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли жуда муҳим китобdir. У – бизнинг давримиизда жуда кўп учраб турадиган, масихийлик ҳақидаги ёлғон тасаввурларнинг аниқ тузатмаси бўла олади. Вурмбрандинг ҳаёт тарихи, агар Масихга эргашсангизлар «дунёда азоб чекасизлар» деган ҳақиқатни тасдиқлайди. Муаллиф имони ва умидини сақлади, чунки Исо Масих бу дунё устидан ғалаба қозонган.

Иллиоис штати, Витон коллежи  
Таълим хизмати ва Хушхабар бўйича профессор  
Лайла В. Дорсетт,

# МҮАЛЛИФ

## Муаллиф ҳақида

Чўпон Ричард Вурмбранд – ўз ватани бўлмиш Руминияда, ўн тўрт йиллик коммунистик қамоқ жазосини ва қийноқларни бошдан кечирган, хушхабарчи хизматчи. Руминияда унинг исмидан машхур бўлган исм жуда кам – унинг исми масихий раҳбарлар, ёзувчилар ва ўқитувчилар орасидаги энг машхурларидан бири.

1945 йилда, коммунистлар Руминияни босиб олиб, жамоатни назорат қилишга уринганида, Ричард Вурмбранд тезгина ўзининг зулм остида қолган халқи орасида, ҳамда совет армияси аскарлари орасида кучли, самарали яширин хизматни бошлади. У 1948 йилда ўзининг рафиқаси Сабина билан бирга қамоқка олинди. Уч йил мобайнида Вурмбрандинг рафиқаси Дунай каналида, ўз кучи етмайдиган ишни бажарди. Ричард уч йил мобайнида, ўз жаллодлари – коммунистлардан бошқа ҳеч кимни кўрмасдан, якка хонада ўтиреди. Кейин уни умумий хонага ўтказишиди. У ерда ҳам яна беш йил азоб беришлар давом этди.

Ричард Вурмбрандинг масихий етакчи сифатидаги халқаро обрў – эътибори туфайли, чет эл дипломатлари коммунистик хукumatдан хизматчининг озодлигини талаб қилишган. Уларга Вурмбранд Руминиядан қочиб кетган, дея жавоб беришган. Айни пайтда эса маҳфий полиция агенти, ўзини қамоқдан озод бўлган киши сифатида кўрсатиб, Ричардинг хотинига, унинрг эри Ўлгани, ўзи эса қамоқхона қабристонидаги дағн қилиниш маросимида иштирок этгани ҳақида айтган. Кейин эса хукumatning ўзи ҳам чўпоннинг Руминиядаги



оиласига ва чет элдаги дўстларига, Вурмбранднинг ўлгани ва уни бутунлай эсдан чиқаришини сўрагани ҳакида айтишган.

Саккиз ярим йиллик қамоқдан кейин Ричард Вурмбранд озод қилинган ва у ўша заҳотиёқ ўзининг яширин жамоатдаги фаолиятини қайта бошлаган. Бир неча йилдан кейин, 1959 йилда уни яна қўлга олишган ва ўйигирма беш йилга ҳукм қилишган.

Вурмбранд 1964 йилги умумий авф этиш туфайли озод қилинган ва у яна яширин жамоатдаги хизматини давом эттирган. Учинчи марта қамалиш хавфини тушунган ҳолда, Норвегия масиҳийлари уни Руминиядан сотиб олиш учун, коммунистик ҳукумат билан музокара олиб боришган. Ўша пайтда коммунистик ҳукумат ўзларининг сиёсий маҳбусларини «сота» бошлаган. Ўша пайтда қамалган чўпон бир минг тўққиз юз доллар «турган», аммо Вурмбранд учун улар ўн минг талаб қилишган.

1966 йил майда Ричард Вурмбранд АҚШ сенатининг ички хавфсизлик комитетида кўрсатма берган ва бутун танаси бўйлаб қийноқ излари ва ўн саккизта чуқур яраларни намойиш қилиш учун белигача ечинган. Матбуот туфайли унинг гувоҳлиги бутун дунё бўйлаб, яъни бутун АҚШ миңтақасида, Европада ва Осиёда тарқалган. 1966 йил сентябрда Вурмбрандга нисбатан коммунистлар сунқасд режалаштираётгани ҳакида огохлантиришган, аммо у ўлдириш ҳақидаги таҳдидларга қарамасдан, жим бўлмаган.

«Азоб чекканлар овози» масиҳий ташкилоти асосчилари, у ва унинг рафиқаси бутун дунё бўйлаб саёҳат қилишган ва ташкилотнинг ўттиздан ортиқ бўлинмаларини ташкил қилишган. Улар ҳозирда ўз имони учун қувғин қилинаётган ислом мамлакатларида, коммунистик Шри-Ланкада ва Хитойда, ҳамда бошқа мамлакатлардаги қамалган масиҳийларнинг оилаларига ёрдам бермоқдалар. Чўпон Вурмбранднинг шиори ушбу сўзлар эди: «ёвуз тузумлардан нафратлан, аммо сени қувғин қилгандарни сев. Уларнинг жонини сев ва уларни Масиҳга олиб келишга ҳаракат қил» Чўпон Вурмбранд олтмишдан ортиқ тилларга таржима қилинган, бир нечта китобларнинг муаллифи. Уни «яширин жамоатнинг овози» деб аташган. Масиҳий етакчилар уни тирик гувоҳ ва «темир парда орқасидаги Павлус»

# ДЕЯ АТАШГАН

## дея аташган

- Мен «Азоб чекканлар овози» ташкилотининг ҳар кварталдаги бепул варақасини олишни хоҳлардим.
- Қувғиндаги жамоатларга қандай ёрдам беришим мумкинлиги тўғрисидаги маълумотни менга жўнатишингизни сўрайман.
- Менга «Азоб чекканлар» ташкилоти томонидан таклиф қилинадиган китоблар, видеофильмлар ва бошқа материаллар рўйхатини жўнатишингизни сўрайман.
- Мен аллақачон «Азоб чекканлар овози» ташкилотининг ҳар кварталдаги варақасини олганман. Илтимос варака жўнатиш манзилини ўзгартиришингизни сўрайман.
- Мен бу китобни ўқиш натижасида, Исо Масихни ўзимнинг Нажоткорим ва Раббим деб қабул қилдим.

Исми: .....

Манзили: .....

Шаҳри: .....

Почта индекси: .....

Телефон рақами: .....

Электронной почты манзили: .....

А/с-4

33028 Ровно, Украина

E-mail: vomukr@gmail.com

Бизнинг сайти мизга марҳамат [www.persecution.com](http://www.persecution.com).

# МҮНДАРИЖА

## Мундарижа

Багишлов . . . . .	3
«Шаҳид» . . . . .	5
1. Русларнинг Масихга чанқоқлиги . . . . .	9
2. «Ҳеч ким каттароқ севгига эга эмас...» . . . . .	34
3. Ғарбда ишлаш учун сотиб олиш ва озод қилиш . . . . .	52
4. Коммунизмни Масихнинг севгиси билан енган ҳолда . . . . .	57
5. Енгилмас ва ўсиб бораётган яширин жамоат . . . . .	93
6. Қандай қилиб масихийлик коммунизм устидан ғалаба қозоняпти. . . . .	114
7. Ғарбдаги масихийлар қай тарзда ёрдам беришлари мумкин? . . . . .	138
Гапиришга журъат этган одам. . . . .	148
Ўлимгача содик бўлганлар . . . . .	153
Муаллиф ҳақида . . . . .	156



1. Ричард ва Сабина Вурмбрандларнинг ўгли Михай билан олдин тушган расми. Иккала ота-она ҳам қамоқда ва ишилаш колониясида бўлган пайтда, «етим» Михай ҳақида бошқа масиҳийлар гамҳўрлик қилишган. Мактабда унинг устидан кулишган ва уни таҳқирлашганлар. Натижада Михай АҚШ даги «Азоб чекканлар овози» ташкилотининг биринчи раҳбари бўлди (1967 йил октябрда). Ўша пайтда ташкилот «Исо – коммунистик дунё учун» деб аталган.



2. Чўпон Вурмбранд коммунистик қамоқхонадан озод бўлгани учун хурсанд бўлмоқда. У шартсиз кечиримни, коммунизмга нисбатан нафратни ва коммунистларга нисбатан севгини намоён қилиб, кўплаб масижийларни ҳайратда қолдириди.



3. Сабина Вурмбранднинг (келиб чиқишии яхудийларга бориб тақалган) бутун оиласи нацистларнинг концентрацион лагерларида вафот этган. Сабина ва Ричард ўз уйига бу лагерда хизмат қилган нацистни тақлиф қилишишган. Улар уни боқишишган, у ҳақида гамхўрлик қилишишган ва уни Масиҳга олиб келишишган.

# Today's Martyred Church Tortured for Christ



Rev. Richard Wurmbrand

4. «Масиҳ үчүн азоб чекканлар» китобининг биринчи нашри 1960 йилларда чыккан. Гарбдаги масиҳийлар Шарқдагы Худо оиласининг азоблари ҳақида жүдә кам эшитишган. Ўша пайтда Гарбдаги күп жамоатлар бу маълумотни тарқатишдан бош тортишган.



5. Ярим асрдан күпроқ вақт мобайнида масихийлар Совет Иттифоқи бүйлаб, яширин равишда йигилиш қилишгандар. Улар ҳозирда Осиё ва Яқин Шарқда яширин равишда учрашмоқдалар.



6. Чўпон Вурмбрандинг бўйни, елкаси ва кўкрагидаги қийноқ излари, кўплаб африка масиҳийларига қувгинлар келтираётган азобларни тушунишга ёрдам беради. «Азоб чекканлар овози» ташкилоти 1960 йилдан бошлиб, Африкага ёрдам жўнатиб келади.



## 7. Швейцариядагы конференция.

«Темиз парда» (Шарқий Европадаги коммунизм ҳүкмронлиги) пайтида чўпон Вурмбранд, «Азоб чекканлар овози» ташкилоти ташкил қилган, минглаб жамоат йигилишлари ва конференцияларида сўзга чиққан. Бу ташкилот ҳозирда Халқаро масихий уюшмага айланган.



8. Йигириманчи асрда масиҳийлар Хушхабарни сирли чиқиши эшиклари бўлган ертўлаларда босиб чиқаришган. Ҳозирги юз йилликда эса бу иш Яқин Шарқда, Осиёда ва бошқа дунё мамлакатларида давом этмоқда. Қамоққа олинган Павлуснинг Тимофейга ёзган иккинчи мактубининг 2:9чи оятида шундай ёзган: «Ана бу Хушхабар учун мен худди жиноятчи каби занжирларга боғланиб, азоб чекяпман. Аммо Ҳудонинг Каломи занжирбанд эмас».



9. Шарқий Германиядаги чегарачилар «контрабанда» ийүли билан олиб кирилган Муқаддас Китобларни қидиришида, машиналарнинг эшик ва деворларини тешадиган, дреллардан фойдаланишган.



10. Чўпон Вурмбранд Гарбни «ўз имон аҳлига» (Галатияликлар 6:10) бефарқ бўймасликка чақириб, кўплаб диний ва сиёсий йигилишларда сўзга чиққан. Америка конгресси аъзолари олдида, қийноқдан қолган изларни кўрсатиш учун ўз кўйлагини ечган. Бир нечта тилларда бемалол гаплашгани учун, у ўзининг ёзган ишиларида совет матбуоти босиб чиқарган ёлгонлардан осонгина кўчирмалар келтирган.



### 11. Тенәдаги расм.

Финляндиядаги «Азоб чекканлаар овози» ташкилоти қамоқдаги масиҳийларни эсдан чиқармайды (Ибронийлар 13:3)  
Пастдаги расм.



### 70 йиллар охирлари.

Масиҳий адабиёттадан фойдаланганы учун Том Уайнт Кубада 24 йилга қамалған. «Азоб чекканлар овози» ташкилотининг күпчилик ишчилари дүппосланған, қамалған, яраланған ва ўлдирилған...



12. 1990 йиллар.

Совет Иттифоқи ўрмонларида ўтган, яширин якшанба мактаби томон үйл. Яширин якшанба мактаблар Ветнам, Лаос, Хитой, Бутан, Яқин Шарқ ва дунёning бошқа мамлакатларида ҳали ҳам мавжуд.




13. Ричард ва Сабина ҳали ҳаётлиги пайтидаёқ Россиядаги тұйлиб тошған жамоатда сүзга чиқиб, «темир парда» қулашининг гүвоҳига айландилар.



14. 1969 йил.

Хүшхабар солинган ҳаво шарлари Шимолий Кореяга томон учирилмоқда. Бу иш 30 йил ўтиб ҳам давом этмоқда.



*15. Куба.*

*Фидель Кастро 100 000 Муқаддас Китобни йўқ қилишини буюрган. 1970 йиллар бошида «Азоб чекканлар овози» ташкилотининг кўнгиллилари самолётдан туриб денгиизга Хушхабар ташлашган.*



16. 1990 йил.

Вурмбрандлар жамоатларда ва миллий телевидения орқали сўзга чиқиб, душманларни севиш ва кечирим бершига чақириш учун, ўз юрти бўлган Руминияга қайтиб келдилар.





## МАСИХ УЧУН АЗОБ ЧЕККАНЛАР

«Бу китоб бизнинг темир парда орқасидаги биродар ака-ука ва опа-сингилларимиз дуч келаётган даҳшатлардан йироқ бўлган, дунёning виждонини уйготиш учун муҳим рол ўйнади»

Чарльз Колсон, «Қамоқдаги биродарлик»

«Ёлғиз камерада ўтказилган ойлар, доимий равишдаги жисмоний қийноқлар, доимий равища совуқдан ва очликлардан қийналиш, «мими яни тозалаш» ва маънавий шафқатсизлик – булар бари коммунистик қамоқхонада ўн тўрт йил мобайнида, румин чўпонининг бошдан кечиргандари.

Минглаб бошқа одамлар каби, унинг жинояти Исо Масиҳга бўлган қайноқ имон ва бу имон ҳақида бошқаларга оммавий гувоҳлик бериш бўлган.

Уйларда, ер тўлаларда ва ўрмонларда учрашиб – ҳатто айрим пайтларда жамоат жойларида ваъз қилишга қарор қилиб, бу содиқ имонлилар эвазига қанча тўлов тўлаши мумкинлигини билса ҳам, ўз масиҳий гувоҳликларини беришда давом этишган.

Уларнинг тарихи – бу мардликнинг, чегарасиз имоннинг ва мисли қўринмаган чидамлиликнинг намунавий қўринишидир. Бу яширип жамоатнинг тарихи, ҳозирда қўплаб дунё мамлакатларида давом этажсан курашни акс эттиради.